АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИ

# INFOLIB

ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫЙ ВЕСТНИК

№4 2016

ISSN 2181-8207



УШБУ СОНДА:

ТУҒИЛГАН ГЎШАМ – ҚАДИМИЙ КИТОБЛАР ЮРТИ

8 бет

INFOLIB – 2016 V МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ

12 бет

КАК ПИСАТЬ ПРОЕКТ ИЛИ КРАТКОЕ ОБУЧЕНИЕ ГРАНТРАЙТИНГУ?

48 бет

КЎҲНА МУЗЕЙЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

72 бет

ВИЗУАЛЬНЫЕ ОБРАЗЫ ИСТОРИЧЕСКОЙ ПАМЯТИ НА СТАРИННЫХ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ КАРТАХ

76 бет












*«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.*

*Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкни ҳимоя қилиш юзасидан яқинда қабул қилинган Фармон талабларига сўзсиз амал қилишни таъминлаш шарт. Нега деганда, халқ бой бўлса, давлат ҳам албатта, бой ва қудратли бўлади.*

*Шу нуқтаи назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро шунчалик боғланиб кетган-ки, уларни бир-биридан асло ажратиб бўлмайди.*

*Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгилаб қўйиш лозим, деб ҳисоблайман.*

*Ана шу фикр-мулоҳазаларнинг барчасини ҳисобга олиб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилишни таклиф этаман».*

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг
24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан





# УШБУ СОНДА:
# В НОМЕРЕ:


**ТАҲРИРИЯТДАН – ОТ РЕДАКЦИИ**
3 Ушбу сонда

**МИНБАР – ТРИБУНА**
4 Ахборот-кутубхона муассасаларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти. **У. Тешабоева**

**УШБУ СОН МЕҲМОНИ – ГОСТЬ НОМЕРА**
8 Туғилган гўшам – қадимий китоблар юрти. **Омон Матжон**

**ЯНГИЛИКЛАР – НОВОСТИ**
10 Новости информационно-библиотечной сферы в мире

**INFOLIB – 2016**
12 INFOLIB – 2016 V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги
13 1 кун. 24 октябрь. Очиқ эшиклар куни
16 2 кун. 25 октябрь. Ижод куни
21 3 кун. 26 октябрь. Танловлар куни
23 4 кун. 27 октябрь. Билимлар ва хорижий тиллар куни
26 5 кун. 28 октябрь. Маданиятлар хилма-хиллиги куни

**АМАЛИЁТ – ПРАКТИКА**
28 Библиографирование трудов деятелей науки и культуры: методические аспекты подготовки баз данных и указателей. **Л. Мандринина**
32 Обучение бакалавров библиотечно-информационной деятельности основам библиотечного дизайна. **М. Колесникова**
34 Темурийлар тарихи давлат музейи – 20 ёшда. **Х. Файзиев**
38 Фарзанд тарбияси китобларда. **З. Сейтниязова**
40 Дунё кутубхонаси ёнингизда бугун. **Д. Холмуҳамедова**
44 Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси – 120 ёшда. **З. Ибрагимов**
46 Ознакомительный тур по библиотекам города Берлина. **В. Борисов**
48 Как писать проект или краткое обучение грантрайтингу? **О. Рустамова**
50 Ўқувчиларда китобхонлик маданиятини тарбиялаш – муҳим омил. **Ҳ. Мухторова**
52 Тошкент шаҳар давлат архиви фаолиятидан. **М. Дармонова**
54 Информационно-ресурсный центр филиала МГУ имени М.В. Ломоносова в городе Ташкенте. **Н. Мусаева**
58 Организация архивного дела в Хорезмской области. **Я. Байнова**
60 Фойдаланувчиларга беминнат кўмакчи. **Г. Эшонқулова**
62 Ёш фармацевтлар келажаги йўлида. **Ф. Аҳмедова**
64 Маънавиятга ва эзгуликка элтувчи йўл, бу – кутубхона. **Н. Жабборова**
66 Музейлар қошида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш масалалари. **К. Нишонова**
68 Бунда чемпионлар китоб ўқийди. **М. Миёрбекова**

**МЕРОС – НАСЛЕДИЕ**
70 Основоположник науки библиотековедения в Азербайджане. **А. Абдуллаева**
72 Кўҳна музейлар тилга кирганда. **З. Аҳмедова**
76 Визуальные образы исторической памяти на старинных географических картах. **Х. Нуриддинов**
80 Китоб дунёсига йўғрилган умр. **З. Бердиева**
82 «Ўтган алломалар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилофлар» асари **О. Муҳаммадиев**

**МУҲИМ САНАЛАР – ПАМЯТНЫЕ ДАТЫ**
84 Муҳим саналар

**ВОҚЕАЛАР – СОБЫТИЯ**
88 Кутубхонанинг маънавий-маърифий ҳаёти

**ЯНГИ АДАБИЁТЛАР – НОВЫЕ ПОСТУПЛЕНИЯ**
92 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига келиб тушган янги нашрлар



«INFOLIB» –
ахборот-кутубхона хабарномаси
Информационно-библиотечный вестник –
«INFOLIB»

№4 (8) 2016 й.
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
маданий, маърифий, илмий-оммабоп
журнали, 2015 йилдан чиқа бошлаган



**ТАҲРИР КЕНГАШИ:**
Асаджон Ходжаев – раис
**Кенгаш аъзолари:**
Умиджон Аъламов
Фотих Жалолов
Ахтам Худоёров
Умиджон Салимов
Абдушукур Абдуллаев
Алишер Файзуллаев
Тўлқин Тешабоев
Бахтиёр Сайфуллаев

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Шукур Қурбон – бош муҳаррир
**Ҳайъат аъзолари:**
Умида Тешабоева
Нусрат Комилов
Гулойим Бердимбетова
Раиса Ратнер
Зуҳра Бердиева
Сардор Якубов
Абадбой Қиличбоев

Аслиддин Жўраев – бош муҳаррир ўринбосари
Марина Ким – муҳаррир
Жавлон Жовлиев – мусаҳҳиҳ
Шавкат Жўрабоев, Дилноза Зокирова – дизайнер
Бобур Турғунов – фотомухбир
Фаррух Мусаев – нашр учун масъул



Босишга 30.12.2016 йилда рухсат берилди.
Қоғоз формати 60х84 1/8. Нашриёт ҳисоб табоғи 8,7.
**ИНДЕКС 1277 ISSN 2181-8207**

Журнал 2015 йил 10 мартда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0846 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда «INFOLIB» – ахборот-кутубхона хабарномасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ушбу «INFOLIB» – ахборот-кутубхона хабарномаси таҳририятнинг компьютер марказида тайёрланди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй.
E-mail: info@natlib.uz Сайт: www.natlib.uz
Телефон: +99871 232 83 94

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг матбаа бўлимида чоп этилди.
Буюртма № 462 Адади 1000 дона
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1 уй

# УШБУ СОНДА:

Ҳар йилнинг охирида умримизнинг ўтган тўрт фасли сарҳисоби олинади. Бу вақт оралиғида нималарга эришганимиз-у, нималар қўлдан кетгани, қай довон босилгани-ю, қай устунлар қулагани ҳақида ўйлар сурамиз. Албатта, бу каби сўроқларнинг ҳисоби, адоғи йўқ. Жаннатмакон юртимиз ўз мустақиллигининг чорак асрлик йўли давомида мисли кўрилмаган зафарларни қўлга киритиб, ҳур ва озод, тинч ва мустаҳкам мамлакатга айланиб улгурди. Бу йил ҳам яхши кунларга, қутлуғ шодиёналарга бой бўлди. Улуғ жаҳонгир Амир Темур бобомизнинг 680 йиллик, Ҳазрат Алишер Навоийнинг 575 йиллик, Мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ кунлари тантанали миқёсда нишонланди. Бу кунлар шодиёнаси узоқ вақтлар халқимиз хотирасида сақланиб қолади. Лекин афсуслар бўлсинки, бу йил йўқотишлар билан ҳам хотирада, халқимиз тарихида мангу қоладиган бўлди. Бу йил мамлакатимиз улуғ бир фарзандини, юксак бир сиймони, ўзбек халқининг чинакам қаҳрамонини, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни чуқур қайғу, кўзда ёш, дилда ҳасрат билан абадий манзили томон кузатди. Юртдошларимиз метин иродали, одил ва мард юрт отаси вафотидан чуқур қайғуга тушди. Улуғ юрт отасини охирги манзил томон кузатар экан, ҳар бир юрт фуқароси қалбида унинг бизга қолдирган эзгу ишларини давом эттириш, эртанги авлод ва порлоқ келажак сари одимлашни ният қилди. Бу йил ўзбек адабиётининг икки устуни, икки қаҳрамони, икки улуғ шоири Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар ҳам бизни тарк этди. Адабиётимиз ҳувиллаб қолди. Лекин уларнинг қалбимизга сингдирган умид нурлари ҳеч қачон ўчмайди. Улар қолдирган ижод намуналаридан куч олган катта ёлқин юртимиз эртанги кунини узоқ вақтлар нурлантириб туради.

Бу каби йўқотишлардан сабр-бардошли, иродали, орзу-умидли халқимиз эсанкираб қолгани йўқ. Бир он бўлса-да, одимлашдан тўхтагани ҳам йўқ. Мана, юртимизда муҳим сиёсий жараён Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда барча юртдошларимиз бир ёқадан бош чиқариб, ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган бурчларини бажарди. Ўзимизга муносиб, узоқни кўра биладиган, катта тажрибага эга бўлган янги Президентни яхши ниятлар ила сайладик. Кўп сонли овоз билан сайланган Шавкат Мирзиёевга халқимиз ишончини оқлашига ва улуғ келажак сари бизни бошлаб боришига куч-қувват тилаймиз!

Эътибор қилган бўлсангиз, барча Президентликка номзодларнинг сайлов олди дастурларида китоб, китоб ўқиш, маънавиятимизни янада юксалтириш ҳақидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки бугунги глобаллашган даврда китобга, маънавий ҳаётимизга эътибор бериш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Китоб – олам безаги, маънавият устунидир. Шунинг учун юртимизда, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишга бўлган қизиқишни ошириш, халқимиз ўртасида мутолаа маданиятини юксалтириш, китоб савдоси ва чоп этишни яхши йўлга қўйиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб янги кутубхоналар, китоб дўконлари қурилмоқда. Албатта, китоб ўқишни кенгайтиришда юртимиздаги кутубхоналарнинг ўрни беқиёс аҳамият касб этади. Шунинг учун кутубхоналар ва унда фаолият юритаётган ходимларнинг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам салмоқли бўлиб бормоқда. Кутубхоначилар ўз билим-тажрибаларини муттасил ошириб боришларини талаб қилмоқда. Кутубхоначилар ёшлар ва ёшидан қатъий назар, кутубхонага илк марта ташриф буюрган фойдаланувчиларга амалий ёрдам бериб, уларнинг бундан кейин кутубхона билан дўст тутинишга сабабчи бўладиган зотлардир. Бундан ташқари, кутубхонага олимлар, илмий ишдек оғир, игна билан қудуқ қазиш билан тенг бўлган машаққатли илм йўлини танлаган, фидойи инсонлар ҳам кўплаб ташриф буюришади. Уларга алоҳида эътибор қаратиш, машаққатли фаолиятини енгиллатиш, илм аҳлига бўлган ҳурматнинг ўсишига хизмат қилади.

Ҳурматли журналхон! Биз янги – 2017 йилга ёруғ ниятлар, чексиз орзу-умидлар билан қадам қўймоқдамиз. Барчага янги йил омад, бахт-саодат олиб келсин! Бу йилни Ўзбекистон Республикасининг янги сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дея эълон қилди. Демак юртимизда инсон манфаатлари, унинг тинч ва омонлиги, дахлсизлигини сақлаш барча нарсадан устун қўйилади. Бу йил биз кутгандай файзли ва барокатли бўлсин! Китоб доимий дўстимиз ва ҳамроҳимиз бўлсин! ■



# АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИ



**Умида Тешабоева,**
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари

Республикамизда ахборот-кутубхона муассасалари томонидан замонавий юқори самарали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот олишнинг янги мезонлари шаклланмоқда. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал, билим, маънавий-ахлоқий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун қулай шарт-шароитлар ва кенг ахборот ресурслари базасини яратиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Ахборот-кутубхона муассасаларида хизмат кўрсатиш даражаси доимий равишда такомиллашиб, янгидан-янги лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда.

Ҳозирда ахборот-кутубхона муассасалари ўз фаолиятлари диапазонини кенгайтириш мақсадида ишнинг турли шаклларидан фойдаланмоқда. Бунда анъанавий ва виртуал амалиётни бирлаштира оладиган креатив ёндашувларга катта эътибор берилмоқда. Интернет тармоғини ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг тарқалиши, кутубхоналар фаолиятини глобал тармоқда сайтлар, блоглар, ижтимоий тармоқлар орқали ёритилиши зарурятини келтириб чиқармоқда. Бу ҳақда кўплаб кутубхоначи мутахассислар конференцияларда, касбий журналларда ўз фикрларини билдиришмоқда.

Россия давлат илмий-техника кутубхонаси директори Я. Шрайбергнинг таъкидлашича, ижтимоий тармоқлардаги аккаунтлар ва кутубхоначилик блоглари «кутубхоначилик сайтларига қатновлар ва ахборот алмашиш интерактивлилик фаолиятини кескин оширади, умуман олганда эса, кутубхонага унинг мавжуд ва потенциал фойдаланувчилари қатновларини кўпайтиради». Шунингдек, Н. Беляева ва В. Корееваларнинг фикрича, ижтимоий медиа – бу фойдаланувчилар билан мулоқот қилиш маркази, «улар инсонлар ўртасида алоқа ўрнатишга кўмаклашади, саволларга тезкор жавоб олишда ёрдам беради, янги алоқаларни ўрнатади, географик жиҳатдан масофани енгиб ўтади». Бироқ юқоридаги фикрларга қарши фикрлар ҳам мавжуд. Хусусан, Е.Н. Бейлинанинг ижтимоий тармоқларда ёритилаётган кутубхоналар фаолияти самарадорлиги ҳақидаги саволи ўринли: «Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий медиа китобни, брендни, тавсиявий хизматларни олдинга силжитишнинг жиддий воситасими ёки бу иштироки фойдали, ундан бошқаси эмас бўлган муҳитми?». У шахсий тажрибасига таянган ҳолда, ижтимоий тармоқларда ишончли ва ноёб ахборотларни жойлаштиргандан сўнг биринчи дақиқаларда ўқувчилар томонидан жавоблар бўлиши ҳамда асосли ва саводли мулоҳазаларнинг йўқлигини таъкидлайди. Бунда Е.Н. Бейлина жойлаштирилган материалларнинг ярми ҳам фойдаланувчилар томонидан ҳатто ўқилмаслигига ишонади.




Бироқ ҳар қандай қарашлардан қатъий

назар, кутубхоналар томонидан бундай ишланмаларнинг олиб борилиши, ишнинг анъанавий шакллар билан янги технологиялардан уйғунлашгани, фойдаланишдаги оптимал ечимларни топишга бўлган интилишлари қувонарли.

Киши қанча кўп Интернетда кутубхоналар фаолияти билан танишиб турса, у қанча қизиқарли ва долзарб бўлса, ўқувчи ўша кутубхонанинг фойдаланувчиси ёки блоглар, ижтимоий медианинг аъзоси бўлиш эҳтимоли кўпроқ туғилади. Бунинг зарурий шарти – кутубхона сайти, ижтимоий тармоқдаги блоглар ва саҳифаларни, тадқиқотлар натижаларини акс эттирган мақолалар, бошқа ресурсларга ҳаволалар, танловлар, викториналар, видео ва фотоматериаллардан иборат қизиқарли контент билан тўлдирилиши талаб этилади. Буларнинг барчаси кутубхонага фойдаланувчиларни жалб қилиш, унинг имиджини кўтариш, мутолаани тарғиб қилишда кучли восита ҳисобланади.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг веб-сайтларда ёритилиши кенг тарқалган бўлиб, бугунги кун китобхони кутубхона сайтлари орқали ўзини қизиқтирган, керакли бўлган маълумотларни масофадан туриб олишни хоҳламоқда. Бундан 3-4 йил олдин кутубхона сайтларида кутубхона янгиликлари, ташкил қилинган тадбирлар, кутубхона фаолиятига боғлиқ бўлган масалалар, кутубхона ресурслари ҳақидаги ахборотлар бериб бориларди. Ҳозир эса кутубхона сайтларида фойдаланувчилар учун бир қанча янги хизматлар ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, Самарқанд (libsamarkand.uz), Бухоро (buxorolib.uz), Фарғона (ferlibrary.uz), Тошкент (turonlib.uz) вилоятлари ахборот-кутубхона марказлари сайтининг Виртуал маълумот хизмати бўлимида «Кутубхоначидан сўранг» ва «Библиографдан сўранг» хизматларини йўлга қўйган. Виртуал маълумот хизмати фойдаланувчи буюртмасини у кутубхонанинг китобхони бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, бажаради. Хизмат фойдаланувчиларни Web-муҳитда мустақил ишлашга йўналтиради ва кутубхона фондларида муайян ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек, аниқ мавзуга оид ахборотдан иборат тармоқ ресурслари ҳақида малакали хизматни таъминлайди. Виртуал маълумот хизматига мурожаат фойдаланувчига керакли ресурс кутубхонанинг қайси бўлимида сақланиши; нашр ҳақидаги маълумотларни аниқлаш; қизиқтираётган мавзу бўйича матбуотда чоп этилган нашрлар рўйхатини сўраш имконини беради.




Сўралаётган ахборотни излашда кутубхоначи-библиографлар фақатгина электрон ресурслардан фойдаланибгина қолмай, заруриятдан келиб чиқиб, анъанавий каталог ва картотекалардан, маълумот-библиография фондидан ҳам фойдаланадилар. Шунинг учун сўровга жавоб 1-3 кун давомида амалга оширилади.

Шу билан бирга, кутубхона сайтлари орқали фойдаланувчи учун зарур бўлган ресурсларнинг электрон шакли ҳужжатларни масофага етказиб бериш хизмати орқали ҳам амалга оширилиши оммалашди. Ушбу хизмат дунёнинг хоҳлаган нуқтасидан, масофавий якка ва жамоавий фойдаланувчиларга, шунингдек, кутубхоналарнинг фойдаланувчиларига хизмат кўрсатишни амалга оширади. Электрон нусха олишга бўлган буюртмалар, албатта, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун доирасида амалга оширилади. Фойдаланувчи томонидан шартноманинг барча талаблари қабул қилинса, буюртма 1-2 кун ичида бажарилади. Ҳужжатларни масофадан етказиб бериш (ЭДД – электронная доставка документов) хизматини кутубхоналараро абонемент (МБА – межбиблиотечный абонемент) хизмати билан адаштиришади. Чунки кутубхоналараро абонемент – қайтарилиб бериладиган ҳужжатларни тақдим этади. Ҳужжат-

Самарқанд (libsamarkand.uz), Бухоро (buxorolib.uz), Фарғона (ferlibrary.uz), Тошкент (turonlib.uz) вилоятлари ахборот-кутубхона марказлари сайтининг Виртуал маълумот хизмати бўлимида «Кутубхоначидан сўранг» ва «Библиографдан сўранг» хизматларини йўлга қўйган

Биринчи Интернет-блоглари АҚШда 1993 йили ташкил топган. Кутубхоначилик соҳасида эса 1995 йили ташкил топган ва 1999 йилгача фаолият кўрсатган Дженни Левайннинг Librarians Site du Jour jennyscybrary.lishost.org блогидир

ларни масофадан етказиб бериш – нусхаларни, яъни, қайтариб берилмайдиган материалларни электрон шаклдаги нусхаларини, кўп ҳолларда бу нашрлардан мақолалар ва баъзи боблар, парчалар, қисмлар электрон алоқа каналлари орқали тақдим этади.

Ахборот-кутубхона муассасалари олдида турган вазифалардан бири, бу – кишилар Интернетда шунчаки «сайр» қилиб юрмасин, балки тармоқдаги кутубхоначилик билан боғлиқ сайтлар, блоглар, саҳифалардан фойдали, қизиқарли, ишончли ахборотларни олсин, кутубхоначи-мутахассислар, кутубхонанинг доимий фойдаланувчилари ва тармоқдаги оддий фойдаланувчилар билан мулоқотга киришсин, фикр алмашсин, унда ёритилган турли масалаларни муҳокама қилсин, ўз шарҳларини қолдирсинлар.

Ахборот-кутубхона муассасаси тармоқдаги фаолиятини, яъни фойдаланувчи билан реал мулоқоти жараёнини қанча кўп реклама қилса, кутубхонанинг тармоқдаги ресурсларидан фойдаланиш мотивацияси юқори бўлади. Фойдаланувчи эса кутубхоналарнинг фондлари, танловлар, тақдимотлар ва бошқа турли тадбирлар ҳақидаги қизиқарли ахборотни кўпроқ кўриб турса, унда кутубхонага ташриф буюриш истаги кучаяверади.

Биз кўпинча ёшларимизни ўз фикрларини хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки шаклда бўлсин, тўғри ифодала олишмайди деган гапларни эшитамиз. Кутубхоначилик блогларида ёзиб қолдириладиган шарҳлар ўргатиш, таълим бериш инструменти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу ўринда кутубхоначилик блоглари ҳақида: блог – web 2.0 нинг машҳур технологияларидан бири ҳисобланади, ваҳоланки, улар юзага келган пайтда web 2.0 концепциясининг ўзи бўлмаган. Биринчи Интернет-блоглари АҚШда 1993 йили ташкил топган. Кутубхоначилик соҳасида эса 1995 йили ташкил топган ва 1999 йилгача фаолият кўрсатган Дженни Левайннинг Librarians Site du Jour jennyscybrary.lishost.org блогидир.

«Блог» – дегани нима ўзи? Блог сўзи «weblog» инглизча сўзидан олинган бўлиб, «тармоқ ёзуви, тармоқ журнали» маъносини билдиради. Блог – шахсий кундалик. Кундалик чиқишлар учун майдон. Ҳамкорлик соҳаси. Охирги янгиликлар ва шахсий фикрни ифода этувчи майдон. Ҳаволалар мажмуи.

Агар фойдаланувчилар дўстлари билан турли ижтимоий тармоқларда мулоқоти чоғида хатоликларга йўл қўйса ва бунда шахсий ёзишмалари деб ўзини оқлашга ҳаракат қилса, кутубхоначилик блогларида у ўз фикрини саводли, тўғри билдирилишига ҳаракат қилади. Бунга мисол қилиб, кутубхоначи мутахассислар томонидан эълон қилинган фикрлар, шарҳларни айтиш мумкин. Кутубхоначилик блогларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: кутубхоналарнинг расмий блоглари ва кутубхоначиларнинг шахсий блоглари.

Яқин хорижий давлатларида кутубхоначилик соҳасида блоглар орқали фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш яхшигина жадаллашиб кетган. www.library.ru сайтининг «кутубхоначилик сайтлари каталоги» саҳифасида «кутубхоначилик блоглари» рукнида 204 та блогнинг манзиллари берилган

Яқин хорижий давлатларида (Россия, Белоруссия, Украина) кутубхоначилик соҳасида блоглар орқали фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш яхшигина жадаллашиб кетган. www.library.ru сайтининг «кутубхоначилик сайтлари каталоги» саҳифасида «кутубхоначилик блоглари» рукнида 204 та блогнинг манзиллари берилган. Бизда ҳам бу йўналишдаги ишларимиз сезиларли даражада бўлмаса ҳам, лекин интилишлар, ҳаракатлар бор. 2015 йил «Кутубхоначи-программист» oydin007.blogspot.nl блоги кутубхоначи-мутахассис Ойдин Рустамова томонидан яратилган. Ушбу блогда ахборот-кутубхона соҳасига АКТни жорий қилиш масалалари бўйича муаллифнинг фикр-мулоҳазалари бир неча қисмда ёритилган бўлиб, фойдаланувчиларнинг мавзу бўйича шарҳлари берилган.

Интернетда китоблар рекламаси ҳам бугунги кунда ахборот-кутубхона муассасаларининг хизмат кўрсатиш фаолиятидаги зарурий йўналишлардан бири ҳисобланади. Глобал тармоқнинг пайдо бўлгунига қадар, биз китоб мутолаа қилишимиз учун дўстларимиз, яқинларимиз, кутубхоначилар фикрларига таянардик. Ҳозир ҳам атрофимиздагиларнинг қимматли фикрлари бизга зарур, албатта. 2016 йилда www.facebook.com ижтимоий тармоғида Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилояти ахборот-кутубхона марказининг https://www.facebook.com/ferlibrary.uz/?fref=ts саҳифаси юритила бошланди. Унда ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналарини ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар ўртасида тарғиб қилишга қаратилган «Ўқишни тавсия қиламиз» лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Шунингдек, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда уларнинг онгу тафаккурларини юксалтириш мақсадида бу йўналишда кутубхона томонидан «Мен ҳам китоб ўқийман!» шиори остида ўтказилаётган акция ҳам китобхонларда катта қизиқиш уйғотаётганини ундаги хавола қилинаётган фотосуратлардан кўриш мумкин.

Шунинг учун китобни танлашда ўқиб чиқилган китоблар ҳақидаги суҳбатлар, баҳслар, кутубхоначиларнинг тавсиялари, буктрейлерларни яратиш ва жойлаштириш,

асарлардан цитаталар, электрон кутубхоналарга ҳаволалар ва ҳар хил хизмат турлари ижтимоий медиадаги кутубхона саҳифаларининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Кутубхона сайтлари ёки интернетдаги саҳифалари эгаси (блоггерга)га ахборотлари таркиби унинг фаолияти холисона ёритилишини таъминлаши керак, жамият учун зарар етказадиган ахборотларни тарқатмаслик ва барча соҳалар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида ёритиш мажбуриятлари юкланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сон қарорининг 3-иловасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги назорат бўйича Давлат инспекцияси томонидан назорат қилинади ва «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази Давлат муассасаси томонидан баҳолаб борилади.

Бироқ ижтимоий медиа тармоқларида ахборот-кутубхона фаолиятини (саҳифа ва блоглар орқали) тартибини белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатлар йўқ. Ҳозирда кутубхоналар бу фаолият билан ўз билганларича шуғулланишмоқда. Шундан келиб чиқиб, кўпгина, масалан:

- турли даражадаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ижтимоий медиадаги фаолияти тартибини белгиловчи қандай ҳужжатлар бўлиши керак;

- кутубхонанинг ижтимоий медиадаги фаолияти қандай мақсадларни кўзлаши;

– жойлаштирилаётган контент қандай бўлиши ва қанча муддатда янгиланиб турилиши;

- ижтимоий медиада саҳифа ва блогларни юритаётган мутахассиснинг малака даражаси қандай бўлиши;

- бу ишларни олиб бориш учун махсус штат бирлиги ажратилиши керакми ёки бирон-бир ходимга қўшимча мажбуриятлар юклаш керакми;

- бу ходимлар фаолиятини режалаштиришни қандай амалга ошириш керак;

– олиб борилаётган ишлар самарадорлигини баҳолаш мезонларини қандай амалга ошириш зарур каби саволларга жавоб берувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Ахборот-кутубхона муассасалари ва фойдаланувчиларни тармоқ кутубхоначилик фаолиятига қўшиш, жалб қилиш узоқ муддатли жараёндир. Бу фаолият ижобий натижаларни бериши учун у аниқ бир мақсадга йўналтирилган ва тартибли бўлиши керак. Маълум бир муддатда ижобий натижаларга эришилмаган бўлса ҳам, кўзланган мақсаддан чекиниш керак эмас. Бугунги кунда Интернет инсоният ҳаётида муҳим ўринни эгалламоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ахборот-кутубхона муассасалари барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда, кўплаб фойдаланувчиларни ўзига жалб қилиши, алоқа ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун «блог соҳаси» ва ижтимоий медиа маҳсулотларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш зарурий омиллардан бири, деб биламиз.




[1] Шрайберг Я.Л. Библиотеки и Интернет: единство и борьба противоположностей и загадочные перспективы в изменяющейся социокултурной и информационной среде. Ежегодный доклад Конференции »Крым». Год 2014// Науч. и техн. б-ки.-2014.-№10.-С.5 51.

[2] Беляева Н.Е. Библиотеки в социальных медиа: технология продвижения и поддержки чтения / Н.Е.Беляева, В.Ю.Кореева // Денисевское чтение (Электронный ресурс): материалы межрегион. Науч.практ. конф. по проблемам истории, теории и практики библ. дела, библиогр. и книговедения, 30-31 окт. 2014 г.

***Умида Тешабоева, заместитель директора Национальной библиотеки Узбекистана***

*В статье рассмотрены вопросы целесообразности и эффективности информирования о деятельности информационно-библиотечных учреждений в социальных сетях. Чтобы эта деятельность принесла положительные результаты, она должна быть целенаправленной и систематической. Исходя из этого, в статье обоснована необходимость разработки законодательных актов, регламентирующих данное направления работы.* ■

# ТУҒИЛГАН ГЎШАМ – ҚАДИМИЙ КИТОБЛАР ЮРТИ...




## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ОМОН МАТЖОН БИЛАН СУҲБАТ

Омон Матжон 1943 йилда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат университетида таҳсил олган

Туғилган гўшам – қадимий китоблар юрти... Қадим Хоразм диёри... Унинг ҳар қарич ери олис ўтмиш билан туташган, улуғларимизнинг қадами теккан, юртимизнинг энг бой нодир китоблари сақланган муқаддас маскан... Биласизми, менда шоирлик ҳаваси уйғонишида ўша замин, ўша тарих меҳробига лаб босган миноралар, асрий Амударё ҳайратлари сабаб бўлган бўлса, ажабмас. Тупроққалъадан топилган тўрт минг йиллик манбаларга кўра, ўша даврлардаёқ хоразм ёзуви амалда бўлган. Бу юртимизнинг ҳар гўшаси нақадар узоқ тарих билан туташганига, сирли хазиналарга тўла эканлигига аниқ мисол бўлади. Япон олимлари Тибет тоғларида археологик текширишларни олиб борар экан, тўрт минг йил аввал ишланган ва номаълум ёзувлар битилган кўзаларни топиб олишади. Японларни қизиқтириб қўйган бу ёзувнинг тилини топишлари жуда мураккаб кечади. Анча вақт кетади. Ниҳоят тиниб-тинчимас олимлар ёзувлар Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган хоразм ёзуви эканлигини аниқлашади. Кўзаларнинг ичини очиб кўришганда эса, куй чалаётган муғаннийлар тасвири туширилган тангалар чиқади. Юртимизнинг санъати нақадар қадимий ва маънавиятимиз нақадар бойлигига яна бир мисол бу. Амударёнинг оқишини, балиқларнинг олтин тангаларини, миноралар устидаги лайлаклар саломи менинг ижодимнинг ўлмас манбаларидир...



1993 йилда Омон Матжон «Ўзбекистон халқ шоири» унвони билан тақдирланган

***Илк мутолаа завқи...***

Мен болаликда отамга ёрдамлашиш учун бозорга чиқардим. Савдо-сотиқдан бироз пул, чой-чақа тежаш мумкин эди. Кейин бозордан қайтаётиб тежалган пулларга китоб дўконларидан энг яхши деб билган (кўпроқ саргузашт) китоблар сотиб олардим ва уйга кунни кеч қилмай қайтишга уринардим. Қишлоғимизда ҳам кутубхона бўларди. Кейинчалик ўша кутубхонадаги сара китобларнинг барчасини ўқишга муяссар бўлганман. Ўша пайтда ўқиган Машраб, Навоий, Лев Толстой, Достоевский, Ги де Мопассан асарларидан ҳайратланганим, шеърлар машқ қилганим ёдимда... Болалик шўхлик, ўқиш, халфачи момолар оҳанглари ичра ўтди. Ёрқин ва ширин хотиралар...

***Университет кутубхонасидан Олмония китоб оламига***

1961 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетида таҳсил ола бошладим. У ернинг кутубхонаси ҳамон эсимдан чиқмайди, деворларнинг сувоғи-ю, эшикларининг рангигача ёдимда. Мен у ерда катта адабиёт билан танишдим. Ҳамма кутубхоначилар мени танишар, ғамхўрлик кўрсатишарди. Уларни ўзимнинг опаларимдек кўрардим. Кейин шу ерда ўтказиладиган адабий тўгаракларга қатнашдим, шеърлар машқ қилдим. Сўнгра ҳарбий хизматни бажариш вақти келди. Биз Германияга йўл олдик. Европа менга бўй кўрсатди. У юртда, умуман, олам ҳақидаги тасаввурларим, фикрларим кенгайди. Бунинг устига, юрт соғинчи, орзу ва умидлар бағрида эдим. Ўша жойда ҳам менинг соғинчларимни енгиллатадиган, қалбимга юртим ҳароратини улашадиган бир маскан бор эди. Бу ҳарбий қисм яқинида жойлашган кутубхона эди. У кутубхона жуда бой бўлиб, хилма-хил адабиётлар билан тўла эди.

Ўша пайтларда рус тилида ўқишга ва уни тушунишга қийналардим. Шунда мен ўз олдимга бир мақсад қўйдим. Бир аҳдни белга тугдим. Бу ҳар куни китоб ўқиш, тушунсам-тушунмасам мутолаа қилишни тўхтатмасликка аҳд қилдим. Кейин ўқиганларим аста-секин бўй кўрсата бошлади. Соғинчга йўғрилган шеърлар ёздим, ҳайратландим, таъсирландим. Кутубхоналар доимий талпинган масканимга айланди.

*Илк қадам, илк зафар...*

Ҳарбий хизматда ёзган шеърларим тўпланиб қолди. Анчагина дафтарлар тўлди. Шеъларимнинг чоп этилишини фарзанди туғилишини кутаётган отадек орзиқиб кутар, орзу қилардим. Шунда аскарлардан бири – аспирант Исоқул Тўрақуловнинг биздан олдинроқ уйга қайтадиган вақти бўлди. Унга шеърларимни тутар эканман, илтимос қилдим: «Тошкентга борсанг, бу шеърларни, албатта, «Шарқ юлдузи»га олиб бориб бер!» – деб тайинладим. Орадан бир оз вақт ўтди. Ҳарбий хизматни якунлаш арафасида менга Хоразмдан мактуб келди. Отам почтачи эди. Отамдан нима келибди, дея орзиқиб мактубни оча бошладим, қарасам, «Шарқ юлдузи»... Ичида менинг шеърларим... «Аскар мактублари» номи билан чоп этилган экан. Учдим осмонларга, бошим тегиб юлдузларга... Бўлди қийқириқ... бўлди байрам...

Елкада шинель аскарликдан қайтар эканман, Тошкентга тушиб, «Шарқ юлдузи» ходимларига раҳмат айтиб ўтишни мақсад қилдим. У ердан ҳам маънан, ҳам моддий бойиб чиқишимни кутмагандим. Ўша куни атоқли ёзувчи ва шоир Шуҳрат билан суҳбат қурдим. Устоз мени кўриб, «Ҳа, аскар, келдингми? Қалам ҳаққи олдингми?» деб сўроқлаб қолди. Мен ўша пайтларда қалам ҳақи ҳақида эшитмаган ҳам эдим. Шунда ҳисобчи келиб менга 120 сўм пул берган. Бу мен, аскарликдан қайтаётган йигит учун каттагина пул эди. Шу қалам сийловини олдим-у, хурсанд бўлиб Хоразмга қайтганим, у ердан поезддан туша солиб, уй томон чопиб, «Отажон, мен келдим» – деб бақирганим ҳамон ёдимда...

*Навоий кўчаси ва Навоий кутубхонаси...*

Навоий кўчаси, 30 уй... Бу ном менга тенгдош ва издош ижодкорларнинг барчасини тўлқинлантириб юборади. Эҳ, ўша жойдаги адабий суҳбатлар, дўстлар дийдори, китоблар муҳокамаси, тонггача давом этадиган шеърхонлик, оғир ва завқли меҳнат... Қай бирини сўйлай, қай бирини эслай... Тошкентга келиб, Ғафур Ғулом номидаги нашриётда ишлай бошладим. Мен шоирлик ҳавасида, муҳаррирлик эса бошқа, машаққатли ва масъулиятли меҳнат экан. Бу ерга келиб устозларга эргашиб қаттиқ меҳнат қилишни ўргандим, ижодга бўлган кучли эътиқодни мустаҳкам тугдим. Қанчадан-қанча тенгдошларимизнинг, дўстларнинг, чекка вилоятларидан ташриф буюрган укаю сингилларнинг илк китоби чиққанини нишонлаб, қувончларига шерик бўлиш насиб этди. Устозлар дуосини ҳам шу масканда олишга муяссар бўлдим. Навоий кўчасининг ҳар қадамида элимизнинг суюкли зотларини учратиш мумкин эди. «Шукур Бурхон пиёда» шеърим ҳам шу ҳайрат, шу нигоҳ, шу ҳурмат намунаси ўлароқ вужудга келди. Кечагидек эсимда. Ўша шеър газеталарда чоп этилгач, бир куни менга буюк санъаткор Шукур Бурхон телефон қилди. Ўша вазмин, дўриллоқ, лекин жуда таниш ва машҳур овозда гап бошлади. «Омон, менга бағишлаб ўн иккита шоир шеър ёзган. Шайх (Мақсуд Шайхзода) ҳам... Лекин чойхонадаги дўстларим Омоннинг шеърида бир гап бор дейишяпти...» Шукур Бурхон буюк санъаткор эди. Навоий кўчаси, 30 уй умрим баҳорининг боғидир!..



Тошкент шаҳрининг чиройини ҳар ким ҳар хил кўради. Кимдир унинг сўлим табиатини, кимдир меҳмондўст одамларини, кимдир ширин нонларини, кимдир баланд биноларини... Тошкент ҳақидаги шеъримда: «Муқаддас Навоий кутубхонаси Тамаддун қудратин синар Тошкентда», – дея ўз фикримни ифода этганман. Тошкентга келиб фаолиятимни бошлаган илк кунларимдан тортиб, то ҳозиргача кутубхоналардан озиқланиб, куч олиб келаман.

*Ўқи, ўқи, уқ...*

Ёшлик ҳайратлар, муҳаббат ва ўзига чексиз ишонч ва келажакка умид фасли...

Ниятим, ёшларнинг адабиётга бўлган қизиқиши, завқи ортиб борсин. Улуғ адабиётимизда чинакам ватанпарварлик анъаналари давом этсин! Ўзбекистон Миллий кутубхонаси юрт маънавиятини мангу ёритиб турсин! ■

**Шукур Қурбон суҳбатлашди**

Шоирнинг «Очиқ деразалар» (1970), «Карвон қўнғироғи» (1973), «Ёнаётган дарахт» (1977), «Ярадор чақмоқ» (1979), «Ҳаққуш қичқириғи» (1979), «Сени яхши кўраман» (1983), «Гаплашадиган вақтлар» (1986), «Имон ёғдуси» (1994), «Сайланма» (1997) ва бошқа кўплаб шеърий китоблари нашр этилган

# НОВОСТИ ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНОЙ СФЕРЫ В МИРЕ



## ИЗДАН ОЧЕРЕДНОЙ НОМЕР ЖУРНАЛ IFLA

Журнал ИФЛА является международным журналом издательства рецензируемых статей о библиотечных и информационных службах, социальных, политических и экономических проблемах, которые влияют на доступ к информации через библиотеки.

Каждый выпуск IFLA Journal становится доступным для открытого доступа при публикации на веб-сайте ИФЛА.

## ОТКРЫТЫЙ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОРУМ «25 ЛЕТ СНГ: ВЗАИМОПОНИМАНИЕ, СОТРУДНИЧЕСТВО, РАЗВИТИЕ»

В Москве прошел Открытый международный форум. Участниками мероприятия стали около 500 делегатов из России и стран СНГ. В рамках круглых столов эксперты обсудили перспективы развития гуманитарного сотрудничества в сфере общественной дипломатии, религии, науки, образования, культуры, инноваций и бизнеса. Отдельным блоком проходила дискуссия на тему молодежной политики и межрелигиозного диалога.



## ВЫШЕЛ В СВЕТ ОДИННАДЦАТЫЙ НОМЕР ЖУРНАЛА «ДРУЖБА НАРОДОВ»

При поддержке МФГС вышел одиннадцатый номер журнала «Дружба народов».

Очередной номер литературно-художественного и общественно-политического журнала «Дружба народов» посвящен подросткам, их проблемам и увлечениям, системе образования и молодежным субкультурам, кино и литературе о них и для них. Современная проза, поэзия и публицистика представлены авторами из Армении, Белоруссии, Казахстана, Киргизии, Литвы, России и Узбекистана. На цветных вклейках – репродукции картин художников из Армении, Латвии, России и Туркменистана.

## МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ОРГАНИЗАЦИИ СИСТЕМЫ ДОПОЛНИТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ ДЕТЕЙ В БИБЛИОТЕКАХ РОССИИ

На сайте Российской государственной детской библиотеки доступно в электронном формате издание: Организация системы дополнительного образования детей в библиотеках Российской Федерации : методические рекомендации / Российская государственная детская библиотека; сост. Хорошавина Е. В. – Москва : РГДБ, 2016

В методических рекомендациях представлены основы организации системы дополнительного образования детей в библиотеках, показан алгоритм составления образовательных программ и предложены макеты написания их структурных элементов. Издание предназначено для руководителей, методистов, специалистов библиотек, обслуживающих детей, а также для преподавателей и студентов профильных учебных заведений. ■

## «LIBCOM – 2016» 20-ХАЛҚАРО ЮБИЛЕЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА КЎРГАЗМАСИ

2016 йил 14 – 18 ноябрь кунлари Россиянинг Суздаль шаҳрида бўлиб ўтган «Ахборот-технологиялари, компьютер тизимлари ва кутубхоналар учун нашриёт маҳсулотлари» мавзусида ташкил қилинган «LIBCOM – 2016» 20-халқаро юбилей конференция ва кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада 9 та давлатдан 350 дан ортиқ мутахассислар, шунингдек, RFID/RTLS – реал вақтда объектларни маҳаллийлаштириш тизимини автоматлаштириш соҳаси мутахассислари ҳамда йирик нашриётлардан вакиллар қатнашдилар.

«LIBCOM» – «Ахборот-технологиялари, компьютер тизимлари ва кутубхоналар учун нашриёт маҳсулотлари» халқаро конференцияси 1997 йилдан буён ўтказиб келинади.

Конференциянинг асосий мақсади – Интернет ва ахборот технологияларини ривожланиш ҳолати ва истиқболини ўрганиш, ахборот-кутубхона амалиётида замонавий таълим технологиясидаги инновацияларни татбиқ этиш, кутубхона фаолиятининг ҳуқуқий аспектлари, ахборот-кутубхоналар, электрон ахборот-ресурслар ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича янгиликлар билан фикр алмашиш.

Конференция доирасида ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқий кутубхона ва ахборот ишлаб чиқарувчилар, электрон кутубхоналар ҳамда электрон ахборот-ресурсларининг келгусидаги истиқболи ҳақида 7 та аудиторияда мастер-класс, вебинар, мунозара гуруҳлари, семинар-тренинг, махсус ҳамда асосий маърузалар бўлиб ўтди.

Конференциянинг 3 куни «Янги дастурий таъминот – технологик ечимлар ва замонавий кутубхона функцияси» мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Милий кутубхонаси қошидаги Республика йиғма электрон каталог маркази бош мутахассиси Зуҳра Носирова «Ўзбекистоннинг Республика йиғма электрон каталог маркази фаолияти» мавзусида маъруза билан қатнашди.



## СЕУЛДА «ХОРИЖ КОРЕЯ ТАЪЛИМИ КУТУБХОНАЧИСИ» ХАЛҚАРО СЕМИНАРИ

Жорий йилнинг 17 – 22 октябрь кунлари Жанубий Корея пойтахти Сеулда «Хориж Корея таълими кутубхоначиси» халқаро семинари бўлиб ўтди.

Семинар уч қисмдан иборат бўлди.

1-қисмда: Корея Республикаси кутубхоналари фаолияти, таълим манбаларининг миллий тилдаги фондлари, автоматлаштириш тизими, ахборот ресурсларини комплектлаш ва каталоглаштириш, фондларни сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, Миллий библиографияга боғлиқ очиқ маълумотлар, қадимий ва нодир китобларни рақамлаштириш лойиҳаси ва Корея қадимий ва нодир тўплам ахборот тизими (KORCIS) бўйича маълумотлар берилди.

2-қисмда иштирокчи кутубхоналар вакилларининг Миллий ва таълим муассасалари кутубхоналарида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича жумладан, Филиппин Миллий кутубхонасида Корея таълими бўйича, Вьетнам Миллий кутубхонасида фойдаланувчилар учун ахборот ресурслари, Тунис Миллий кутубхонасида Корея маълумотлар китоб хонаси, Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Кореяга нигоҳ ўқув зали, Шарқий Осиё тадқиқотларида ахборот саводхонлик маълумотларини тарғиб қилиш, Техас университети кутубхоналарида Корея таълими ва корейс кутубхона дастури, Торонто, Гарвард, Стэнфорд, Шимолий Каролина, Лейден, Чикаго, Индонезия университетларида Корея таълими ва корейс тўпламлари мавзусида тақдимотлар қилинди.

Семинарнинг 3-қисмида Корея Миллий кутубхонаси, Сеул университети кутубхоналарида замонавий ахборот-кутубхона технологияларини жорий қилиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

Семинар якунида иштирокчиларга махсус сертификатлар топширилди. ■



«LIBCOM–2016» 20-халқаро конференциясида ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқий кутубхона ва ахборот ишлаб чиқарувчилар, электрон кутубхоналар ҳамда электрон ахборот ресурсларининг келгусидаги истиқболи ҳақида мастер-класс, вебинар, семинар-тренинг, махсус ҳамда асосий маърузалар ўтказилди

# INFOLIB – 2016 V МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 2016 йил 24 октябрдан 28 октябргача «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги 33-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техникавий анжуманлар режаси»га асосан ўтказилди.

Тадбир аввалида дирижёр Дилшод Муталов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат академик халқ-чолғу оркестри ижросида ўзбек ва чет эл композиторларининг классик, миллий ва замонавий мусиқалари янграtimes.









Ҳафталикнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакили Исроил Умаров, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори Алишер Файзуллаев, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Республика Маънавият ва тарғибот маркази вакили Зиёда Ғаффоровалар сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар ёшларни баркамол инсон этиб тарбиялаш, уларда китоб мутолаасига қизиқиш уйғотиш, уларнинг маънавий тарбияси, аҳолининг ахборот маданиятини оширишда кутубхоналарнинг роли тўғрисида сўзладилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али йиғилганларни китоб байрами билан табриклаб: «Кутубхона маънавият маркази ҳисобланиб, бу бебаҳо масканда халқнинг асрий мероси сақланишини ва замонавий кутубхона ҳозирда нафақат замонавий мультимедиа жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ахборотни тез ва сифатли олиш маркази сифатида, балки турли маданий-маърифий ва таълимий тадбирлар ўтказиладиган маскан» эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Ходжаев «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги иштирокчиларини қутлар экан, Ҳафталикнинг республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, янги иш йўлларини такомиллаштириш ва аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, таълимни, маънавий-ахлоқий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, фойдаланувчиларга кенг имкониятлар яратиш учун замонавий шароитда Ҳафталикни ўтказиш керакли майдонча ҳисобланишини таъкидлади ва Ҳафталик доирасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар билан таништириб ўтди.

## 1 КУН. 24 ОКТЯБРЬ. ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

## «БЕТГЕРХОНЛИК – 2016» МАВЗУСИДА ДАВРА СУҲБАТИ

2016 йил 24 октябрь куни «Бетгерхонлик – 2016. Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йиллиги: ҳудудларнинг ривожланиш сурътати» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бу йилги «Бетгерхонлик – 2016» давра суҳбати Мустақиллик йилларида республика ахборот маконининг шаклланиши, мустаҳкамланиши, ҳамжиҳатлилигининг таъминланиши ва яхлитлиги масалаларида вазирлик ва идоралар, ахборот-кутубхона муассасаларининг ташкил топиши ва ривожланишига бағишланди.

Видеоконференцияда табрик сўзи билан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Ходжаев, Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона маркази директори Ҳ. Каримова, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Асосий кутубхонаси директори З. Бердиева чиқдилар.

Республика ҳудудлари билан ташкил этилган видеомулоқотда Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларидан қарийб 400 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида ҳозирги кунда кутубхоналарнинг вазифалари ва имкониятлари тўғрисидаги тушунчалар, уларнинг маданий, илмий, таълимий ва ахборот инфратузилмасидаги ўрни, сиёсий ва маданий ҳаётда, демократиянинг ривожланишида, глобал ахборот макони шаклланишидаги роли ҳақида гапирилди. Янги ахборот-технологиялари ахборот-кутубхона муассасаларига улкан имкониятларни очиб берди, янги вазифалар ечими зарурлиги масаласини олдинга сурди. Энди улар маданий-маърифий ва депозитар вазифалар билан бир қаторда, тўла ҳуқуқли ахборот марказларининг таълимий, ижтимоий ва коммуникатив вазифаларини ҳам бажариб келаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларининг ривожланиш сурътати, ҳудудларда китоб меросини сақлашда ахборот-кутубхона марказларининг роли, замонавий ижтимоий ҳамкорликнинг таркибий қисми сифатида кутубхона шерикчилиги, миллий лойиҳаларда ҳудудий ресурслар инъикосининг ўзига хос хусусиятлари, кутубхоналарни қайта қуриш ва рақамли кўринишларда сақлаш муаммолари муҳокама қилинди.



## «ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ БИБЛИОГРАФИК ФАОЛИЯТИ: ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР» МАВЗУСИДА ЎҚУВ СЕМИНАРИ

24 октябрь куни «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Ўзбекистонда ахборот-кутубхона муассасаларининг библиографик фаолияти: истиқболдаги вазифалар» мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идораларнинг ахборот-кутубхона муассасаларининг библиограф мутахассислари иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад – Республикадаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида библиография ишини ривожлантиришдан иборат. «Ахборот-кутубхона муассасасининг ўлкашунослик фаолияти», «Ўзбекистонда нашрларнинг мажбурий нусхаси асосида давлат библиографиясини юритиш», «Ахборот-кутубхона муассасалари сайтида библиографик ахборотларни тақдим этиш» мавзулари бўйича машғулотлар ўтказилди. Тадбир давомида иштирокчилар библиографик фаолиятни амалга оширишда зарур бўлган давлат стандартлари асосида библиографик ёзувларни тавсифлаш қоидалари билан ҳам танишдилар.

Республика ҳудудлари билан ташкил этилган видеомулоқотда Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралари тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаларидан қарийб 400 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этдилар



Ахборот-кутубхона фондларини замонавий технологик услубларда ва техникаларда консервация ва реставрация қилиш, республика ахборот-кутубхона фондларида сақланаётган қўлёзма, нодир ва ноёб манбалар учун йиғма электрон каталогини тузиш масалалари муҳокама қилинди

## «ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИ САҚЛАШ, РЕСТАВРАЦИЯ ВА КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ, ЭЛЕКТРОН БАЗАСИНИ ЯРАТИШ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона ресурсларини сақлаш, реставрация ва консервация қилиш, электрон базасини яратиш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларининг нодир фондлари билан ишловчи мутахассислар ҳамда музей, архив ходимлари иштирок этди.

Семинар-тренинг доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари томонидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Тадбирда ахборот-кутубхона фондларини замонавий технологик услубларда ва техникаларда консервация ва реставрация қилиш, юридик ва жисмоний шахслардан «Меросий ҳужжат» сифатида қабул қилиш бўйича норматив тартибни ишлаб чиқиш, ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» дастурининг минтақавий ва халқаро даражаси номинациясига меросий ҳужжатни тақдим этиш тартиб ва талаблари, республика ахборот-кутубхона фондларида сақланаётган қўлёзма, нодир ва ноёб манбалар учун йиғма электрон каталогини тузиш ҳамда дунёнинг йирик кутубхоналари тажрибаларини амалиётга татбиқ қилиш масалалари муҳокама қилинди.

## «МАКТАБ ЎҚУВЧИСИНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИ» ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ ТАҚДИМОТИ

Ҳафталик доирасида умумтаълим мактабларининг 1-4 синф ўқувчилари учун «Мактаб ўқувчисининг ахборот маданияти» ўқув-услубий мажмуаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-методик ва тадқиқот хизмати раҳбари В. Полякова «Мактаб ўқувчисининг ахборот маданияти» мавзусидаги ўқув-методик комплексини тақдим қилди ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда «Ахборот-кутубхона соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг ахборот маданияти ва медиасаводхонлигини шакллантириш» лойиҳаси ҳақида батафсил маълумот берди.

Амалий машғулотларга ажратилган вақтда эса Бухоро вилояти Ахборот-ресурс маркази директори Х. Мухторова ва Фарғона вилояти Ахборот-ресурс маркази директори Ф. Нуриддиновалар томонидан ўқувчилар учун «Китоб қандай тузилган? Бадиий китобнинг тузилиши ва мазмуни» ҳамда «Мультфильмларга шарҳлар тайёрлаш технологияси» мавзуларида маҳорат дарслари ўтдилар. Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ф. Шодмонова, Н. Гендина ва Е. Косолапованинг «Мактаб ўқувчисининг ахборот маданияти асослари» курсларининг тамойиллари, тузилиши ва Ўзбекистон шароитида мослашуви ҳақида гапириб берди.

Ўқувчилар учун «Китоб қандай тузилган? Бадиий китобнинг тузилиши ва мазмуни» ҳамда «Мультфильмларга шарҳлар тайёрлаш технологияси» мавзуларида маҳорат дарслари бўлиб ўтди














## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ЁДГОР САЪДИЕВ БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда ўзбек театр ва киносининг етакчи актёри Ёдгор Саъдиевнинг ўзбек театр ва киносига қўшган ҳиссаси, у яратган мукаммал, эсда қоларли образлари, ҳозирги кунда у нафақат актёр, балки бадиий фильмлар ва театр спектаклларининг режиссёри, продюсери ва дубляж актёри эканлиги ҳақида гапириб ўтилди.

Ёдгор Саъдиев ижодий фаолияти ҳақида сўзлар экан, ўзининг кинодаги ҳамкорлари, устозларини алоҳида ёдга олиб «Бўлажак актёр сифатида мен кўп нарсани буюк актёрлардан ўрганганман ва уларнинг мақтовларига сазовор бўлиш учун ролларни яхши ижро этишга ҳаракат қилардим. Мен театрдаги ролларимни бажонидил хотирлайман. Булар: Мирзо Улуғбек, «Қароқчилар спектакли»да Карл Морр, «Уйланиш»да Кочкарёв, «Қор маликаси»да эртакчи, «Бой ила хизматчи»да Хафиз, Прометей, «Юлдузли тунлар»да Бобур, Климков, Абдурахман, «Келинлар қўзғолони» спектаклида Маъмур ва бошқа роллардир».

## «СЕРВИСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АРХИТЕКТУРА» НОМЛИ КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ҳафталик доирасида техника фанлари доктори, профессор Туйғун Нишонбоевнинг «Сервисга йўналтирилган архитектура» номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда сўзга чиққан техника фанлари доктори, профессор Ҳикматулла Ниғмонов, Хайрулло Орипов, техника фанлари номзоди, доцент Нодир Ходжаев ва Саидакмал Ходжаевлар Т. Нишонбоевнинг Ўзбекистонда тармоқ технологиялари ва тақсимланган тизимларнинг ривожланиши борасида амалга оширган ишлари хусусида гапирдилар ва тақдим этилаётган «Сервисга йўналтирилган архитектура» номли китобининг долзарб жиҳатларини санаб ўтдилар.

Техника фанлари доктори, профессор Ҳикматулла Ниғмонов «Ўқув қўлланма тақсимланган тизимларининг ресурсларини Грид технологиялари, «Булутда ҳисоблаш» ҳамда сервисга йўналтирилган архитектура усуллари негизида тизимли, юқори сифат даражасида тақдим этилишини таъминлаш йўналишида олиб борилаётган ишланмаларни тизимлаштирилган ҳолда ёритишга бағишланган», дея таърифлади.

Ёдгор Саъдиев: «Бўлажак актёр сифатида мен кўп нарсани буюк актёрлардан ўрганганман ва уларнинг мақтовларига сазовор бўлиш учун ролларни яхши ижро этишга ҳаракат қилардим»





## 2 КУН. 25 ОКТЯБРЬ. ИЖОД КУНИ

## «АХБОРОТ-КУТУБХОНА МУАССАСАСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУТАХАССИСИ – 2016» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ



Танловнинг якуний босқичи биринчи турида вазирлик ва идоралардан вакил бўлиб қатнашувчи 60 кишидан иборат 14 та вилоят жамоалари иштирокчилари «Янги авлод ахборот-кутубхона муассасаси» мавзусида ўз тақдимотларини намойиш этишди

25 октябрь куни «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2016» Республика танловининг якуний босқичи бошланди. Танлов Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ўртасида ўтказилмокда.

Танловнинг мақсади – ахборот-кутубхоначилик касбининг аҳамиятини ва нуфузини оширишдан иборат. Танлов республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларининг касбий фазилатларини, ижодий салоҳиятини, ишбилармонлик фаоллигини намоён қилиш, ишга бўлган ижодий ёндашувни, ахборот-кутубхона фаолияти, унинг фонди ва хизматларини тарғиб қилишнинг янги шакллари ва усулларини излашни рағбатлантириш, илғор иш тажрибасини оммалаштириш, республика ахборот-кутубхона иши ривожланишига кўмаклашиш каби вазифаларни ўз олдига қўйган.

Низомга кўра, танлов олти ой мобайнида босқичма-бочқич ўтказилди. Биринчи – туман босқичида иштирокчилар томонидан электрон шаклда ҳужжатлар ва материаллар тақдим этилиб, улар экспертизадан ўтказилди ва энг кўп балл тўплаган иштирокчиларга танловнинг иккинчи босқичига йўлланма берилди. Иккинчи – вилоят босқичида иштирокчиларнинг тақдимот тайёрлаши, тест синовларидан ўтиши, АКТ кўникмалари баҳоланди.

«Ахборот-кутубхона муассасининг энг яхши мутахассиси – 2016» Республика танлови якуний босқичи биринчи турида вазирлик ва идоралардан вакил бўлиб қатнашувчи 60 кишидан иборат 14 та вилоят жамоалари иштирокчилари «Янги авлод ахборот-кутубхона муассасаси» мавзусида ўз тақдимотларини намойиш этишди. Бунда уларнинг инновацион лойиҳалари ва ғоялари, лойиҳанинг аҳамияти ва ижтимоий зарурати, АКТ билимлари ва уни жорий этиш, электрон маълумотлар базаси билан ишлаш, тайёрланган материални профессионал тарзда баён этиш ва етказиб бериш маҳорати баҳоланди.

Иккинчи турдаги адабий викторинада эса









иштирокчиларнинг белгиланган вақт ичида ўзбек классик ва замонавий адабиётига доир саволларга жавоб беришлари баҳоланди.

Танловнинг иккинчи кунида иштирокчилар кутубхона амалиётида учраб турадиган турли муаммоли вазиятларни профессионал тарзда ҳал этиш вазифасини бажаришди. Мазкур вазифада қатнашчиларнинг вазиятга касбий ёндашуви, амалиётга яқинлиги, коммуникабеллиги баҳоланди.

«Китоб ила дунё очилур» мавзусидаги уй вазифаси ижодий танловида жамоаларга ўзларининг ижодий қобилият ва истеъдодлари, қизиқишларини тўлиқ намоён этишга имкон берилди. Унда иштирокчиларнинг ҳажвий ва ҳазил-мутойибали театрлаштирилган мусиқий чиқишлари, ўз касбига ижодий ёндошуви, актёрлик маҳорати, чет тилларини билиши ва жамоада ёндошувни кўрсатиб бердилар.

Танлов натижалари бўйича қуйидаги жамоалар ғолиб деб эълон қилинди:

1-ўрин – Андижон вилояти

2- ўрин – Фарғона вилояти

3-ўрин – Қорақалпоғистон Республикаси

Ғолиб жамоаларга 5 та ноутбук совға қилинди. Шунингдек, қуйидаги номинациялар бўйича ҳам танлов ғолиблари аниқланди:

- Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ахборот-кутубхона марказининг энг яхши мутахассиси» – Йўлдошева Нигора;

- Халқ таълими вазирлиги «Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» – Исроилова Дилшода;

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» – Мавлонов Мансурбек;

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази «Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» – Назарова Гулбаҳор;

- Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси» – Азизова Хуршида;

- «Энг фаол жамоа» – Тошкент шаҳри жамоаси;

- «Энг креатив жамоа» – Самарқанд вилояти жамоаси;

- «Энг ижодий жамоа» – Жиззах вилояти жамоаси;

- «Танлов хоними» – Абжалова Манзура (Навоий вилояти);

- «Танлов жентльмени» – Қурбонов Шерзод (Наманган вилояти).

Танлов ғолибларига дипломлар, сертификатлар, қимматли совринлар ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг эсдалик совғалари топширилди.









Танлов натижалари бўйича қуйидаги жамоалар ғолиб деб эълон қилинди: 1-ўрин – Андижон вилояти; 2- ўрин – Фарғона вилояти; 3-ўрин – Қорақалпоғистон Республикаси

Рио – 2016 Ёзги олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медални қўлга киритиб, медаллар ҳисоби бўйича жаҳоннинг 207 та мамлакати орасида фахрли 21-ўринни эгаллади

## ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Ўзбекистон ифтихорлари» – Рио-де-Жанейро Ёзги Олимпиада ўйинлари чемпионлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Фазлиддин Ғойибназаров, Рустам Тўлаганов, Муроджон Аҳмадалиев, Ихтиёр Наврўзов ҳамда Миллий олимпиада қўмитаси ва Ўзбекистон бокс Федерацияси вакиллари, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари, шунингдек, Миллий кутубхона фойдаланувчилари қатнашдилар.

Миллий олимпиада қўмитаси матбуот-котиби З. Имомхўжаев қатнашчиларни китоб байрами, «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги билан қутлади, тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини билдирди ва Рио-де-Жанейродаги Ўзбекистон Олимпиада терма жамоасининг ютуқлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида жаҳон ареналарида эришган ютуқлари Ўзбекистон тарихи зарварақларига улкан ҳарфлар билан битилди, деди. Рио – 2016 ёзги олимпиада ўйинларида ўзбек спортчилари 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медални қўлга киритиб, медаллар ҳисоби бўйича жаҳоннинг 207 та мамлакати орасида фахрли 21-ўринни эгаллаганлигини билдирди.

Тадбирда спортчилар ўзларининг спортга бўлган қизиқишлари, катта спортга қадам қўйганликларини, ўзларининг ютуқлари ва Ёзги Олимпиада ўйинларидан олган таассуротлари, қўлга киритилган ютуқларига қадар босиб ўтган йўли ҳақида маълумот бердилар.

1960 йилдан бошлаб болалар адабиётида ёрқин, бўёқдор суратларга катта эътибор бериб келинмоқда. Улар нафақат тарбиявий, балки эстетик руҳга ҳам эга

## ИСРОИЛ БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ТАҚДИМОТИ ВА КЎРГАЗМАСИ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Исроил болалар адабиёти тақдимоти ва кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаб ўқувчилари иштирок этдилар.

Кўргазмада турли мавзу ва жанрларни қамраб олган иврит тилидаги болалар адабиёти ҳамда болалар адабиёти классикасининг кўп тиллардаги таржима китоблари ўрин олган. Шунингдек, тақдимот ва кўргазма иштирокчилари ижтимоий жамиятнинг турли мавзуларини ўз ичига олган, болалар учун ёзилган китоблардан олинган суратлар ва парчалар акс эттирилган кўргазма билан ҳам танишдилар.

Ўзбекистондаги Исроил элчихонаси вакиллари тадбир иштирокчиларига болаларда мустақил фикрлаш ва янги билимларни қабул қилишга бўлган интилишни ривожлантиришдан иборат замонавий болалар адабиёти ва унинг асосий вазифалар ҳақида шундай деди: «Исроилда болалар ҳамда катталар учун ижод қилувчи ва адабий мукофотлар билан тақдирланган муаллифлар сони кўп. Улар орасида Давид Гроссман («Мальчик-зигзаг», «Итамар гуляет по стенам») ва Этгар Керет («Папа сбегает с цирком») кабилар бор. Бу тарздаги кўплаб асарларда болалар ва катталар адабиёти ўртасида чегара мавжуд. 1960 йилдан бошлаб болалар адабиётида ёрқин, бўёқдор суратларга катта эътибор бериб келинмоқда. Улар нафақат тарбиявий, балки эстетик руҳга ҳам эга».







## «МОЖАРОЛАР ВА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ» – ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ТРЕНИНГ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Можаролар ва низоли вазиятларни ечиш усуллари» мавзусидаги ижтимоий-психологик тренинг ўтказилди. Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун мўлжалланган тренинг уларнинг касбий маданиятини ошириш, кутубхоначи ва китобхонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган турли можароли вазиятларнинг ечимини топиш ва муросага келишга йўналтирилган.

Тажрибали психолог Ольга Азизова ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига фойдаланувчилар билан мулоқот улардан кўпроқ индивидуал ёндашувни талаб этажагини, баъзан жиддий тушунмовчиликлар ҳам келиб чиқишини, бундай ҳолларда мутахассислар ўзларини қандай тутиши кераклиги ҳақида айтиб ўтди. Руҳшунос, мазкур муаммолар тўғрисида нафақат назарий тушунча берди, балки амалда ҳам бўлиб ўтган воқеалар мисолида уларнинг ечимини кўрсатиб ўтди.

Тренингда иштирокчилар:

- мунозарадан тўғри фойдалана олишни аниқлаш ва фикрлар муҳимлиги;
- Сизни «эшитишлари» учун далиллар билан фикрни ифода эта олиш;
- вазият ва эҳтиёждан келиб чиқиб, шахсий чегарани ташкил қилиш ва сақлаб қолиш;
- «баҳсга куч ва вақт сарфлаш шартми?» саволига жавоб бериш ва ўзни ишонтира олиш;
- «вазият қурбонига» айланиб қолмаслик учун саволга қандай жавоб бериш каби психологик услублар ҳақида тушунча олдилар.

Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари турли муаммоларни, можароли вазиятлардан чиқиш йўлларини муҳокама қилдилар, ўз тажрибаларидан можароли вазиятлар ва низоларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида гапириб бердилар.

## «ОИЛА ВА БОЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ»НИНГ ТАДБИРЛАРИ

25 октябрь куни «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Оила ва болани ривожлантириш маркази» тадбирлари бўлиб ўтди. Тадбирда Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларининг 3-синф ўқувчилари, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ва ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-методик ва тадқиқот хизмати раҳбари В. Полякова тадбирни очиқ деб эълон қилар экан, «Соғлом она ва бола йили» давлат Дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳа билан таништирди. Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Оила ва болани ривожлантириш маркази» ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифалари: болаларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ота-оналик кўникмаларини ривожлантириш, бола шахсини очиб беришда кўмаклашиш, болаларнинг ижтимоийлашув кўникмаларини олишда қатнашиш, болаларнинг тенгдошлари ва катта ёшлилар билан муносабатда бўлишида ёрдам беришдир.

Марказ томонидан 3-синф ўқувчилари учун расм чизиш бўйича «Ижодий устахона» мавзусида маҳорат дарси, коллеж ўқувчиларини жамоа бўлиб ишлаш бўйича «Игротека/Ўйинхона» тренинги, 3-синф ўқувчилари учун «Креатив жамоа» ва коллеж ўқувчилари учун «Гейм тайм/Ўйин вақти» мавзусидаги креатив ўйинлар ташкил этилди.

Руҳшунос Ольга Аванесова олиб борган тадбирларда 80 дан зиёд ўқувчи қатнашди. Иштирокчилар ўзлари, тенгдошлари ҳақида қизиқарли маълумотга эга бўлдилар, жамоа бўлиб ишлаш қоидаларини ўрганиб олдилар ва ташкилотчиларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

*Тажрибали психолог Ольга Азизова ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига фойдаланувчилар билан мулоқот улардан кўпроқ индивидуал ёндашувни талаб этажагини, баъзан жиддий тушунмовчиликлар ҳам келиб чиқишини, бундай ҳолларда мутахассислар ўзларини қандай тутиши кераклиги ҳақида айтиб ўтди*





Омон Матжон «Очиқ деразалар», «Карвон қўнғироғи», «Ҳаққуш қичқириғи» ва «Халоскор руҳ» асарларининг ғоялари ҳақида гапириб ўтди



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ОМОН МАТЖОН БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Ижодий кечада шоирлар, ёзувчилар, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари, академик лицей ўқувчилари ҳамда Миллий кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Учрашувни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбон олиб борди. «Омон Матжон ўзбек шеъриятига 1960 йилларда ўз йўли ва оҳангги билан кириб келади. 1970 йилда шоирнинг «Очиқ деразалар», деб номланган илк шеърий тўплами нашрдан чиқади. «Кейин «Карвон қўнғироғи», «Қуёш соати», «Ярадор чақмоқ», «Беруний» драматик достони, Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги достони, «Ҳаққуш қичқириғи», «Дарахтлар ва гиёҳлар китоби» деб номланган асарлари кетма-кет нашрдан чиқади. У ҳозирги кунда ҳам фаол ижод билан шуғулланмоқда. Ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд давлат университетида таҳсил олади. Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриётида мудир бўлиб ишлаган. Кейинчалик «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири ва «Чўлпон» нашриётининг директори бўлган. Шунингдек, у машҳур жаҳон классик адабиёти намояндаларидан А. Шиллер ва Ш. Бодлернинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган шоирлардан» деб таништирди.

Омон Матжон йиғилганларга ўзининг ижодий фаолияти ҳақида, илк китоблари ва шеъриятда унга севимли бўлган мавзулари тўғрисида гапириб ўтди. Тадбир қатнашчилари «Очиқ деразалар», «Карвон қўнғироғи», «Ҳаққуш қичқириғи» ва «Халоскор руҳ» асарларининг ғоялари хусусидаги саволлар билан мурожаат этдилар.

Галина Мельникова: «Телевидение шиддат билан ўзгарган замонда ҳам, жонли эфирга чиқишга тўғри келган фурсатларда ҳам у студия меҳмонларига, шоирми, ёзувчими, мамлакатимизнинг таниқли шахсларими, учувчи ё олимларми, барчасига индивидуал ёндашиб қизиқарли суҳбат уюштириш қобилиятига эга»



## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ГАЛИНА МЕЛЬНИКОВА БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Галина Мельникова билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда таниқли журналистлар, телевидение фахрийлари, коллеж ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этди.

Таниқли журналист Борис Бабаев машҳур телебошловчи, сухандон Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Галина Мельникованинг телевидение ривожидаги хизматларини, халқимизга яхши таниш бўлган фидойи инсонлардан эканлиги ҳақида: «Унинг ширали ва тиниқ нутқи ҳар биримизнинг хонадонимизга, қалбимизга кириб борган. У узоқ йиллик меҳнати давомида ойнаи жаҳон орқали кўплаб дустурларни, ахборот эшиттиришларини олиб борди. Унинг нутқи ўзига хос жозибага эга» деб таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Турсун Қоратоев: «Галина Мельникованинг турли шароитга мослашувчанлик қобилияти, янгиликларга қизиқиши унга ҳамиша касбида ёрдам бериб келган. Телевидение шиддат билан ўзгарган замонда ҳам, жонли эфирга чиқишга тўғри келган фурсатларда ҳам у студия меҳмонларига, шоирми, ёзувчими, мамлакатимизнинг таниқли шахсларими, учувчи ё олимларми, барчасига индивидуал ёндашиб қизиқарли суҳбат уюштириш қобилиятига эга» деди.

Ижодий учрашувда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Галина Мельникованинг болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга бағишланган хайрия фаолияти ҳақида сўз борди.

Галина Мельникова учрашув иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга жавоб берди.





## МУСИҚА ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида мусиқа ва шеърият кечаси бўлиб ўтди. Лойиҳа буюк маърифатпарвар шоир, давлат арбоби ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланди. Тадбирда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси мутахассислари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари ва шеърият ихлосмандлари иштирок этдилар.

Бадиий-мусиқий композиция иштирокчи ва томошабинларини Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди даврига олиб ўтди. У шоир ижодидан лавҳалар, унинг қаламига мансуб асарларидан парчалар билан бошланди. «Навоийнинг ўчмас ёғдуси» деб номланган бадиий композицияда талабалар Навоий асарлари қаҳрамонлари образларини гавдалантириб, турли монологлар, рубоийлар ва ғазалларга басталанган куйлар оҳанги кутубхона фойесини қамраб олди.

Алишер Навоий мисраларининг самимийлиги ва ўзига хос жозибаси тингловчилар қалбини илҳомлантирди ва уларни ҳам ғазалхонликка ундади.

Шеърият ихлосмандларини бирлаштирган кеча сермазмун ва қизиқарли ўтди. Ўзига хос тарзда шинам безатилган муҳитни тарк этаётган иштирокчилар ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар.



## 3 КУН. 26 ОКТЯБРЬ. ТАНЛОВЛАР КУНИ

### «ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?» ВИКТОРИНАСИ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Таълим соҳасидаги ҳуқуқингизни биласизми?» мавзусида коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий саводхонлик бўйича викторина бўлиб ўтди. Унда Шайхонтоҳур тумани тиббиёт коллежи ва Тошкент шаҳар педагогика коллежи ўқувчилари қатнашдилар.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси Муқимжон Зокиров тадбирни очиқ деб эълон қилар экан, мазкур тадбир ўқувчи-ёшларда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, таълим соҳасидаги қонун ва қоидаларини билиш кўникмаларини оширишни мақсад қилиб қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Мазкур викторинада 60 дан ортиқ саволлар берилди, саволларга тўғри жавоб берган ўқувчиларга карточкалар тарқатилди ва таълим соҳасида ҳуқуқингизни биласизми?» коллеж ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган викторинада энг фаол иштирок этган 3 та ўқувчи аниқланди. Булар:

1-ўрин – Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Тошпўлатова Назира;

2-ўрин – Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Маъмутова Омина;

3-ўрин – Шайхонтоҳур тумани тиббиёт коллежининг ўқув-даволаш комплекси ўқувчиси Ҳасанова Мафтуна.

Энг фаол ўқувчилар кутубхонанинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

«Навоийнинг ўчмас ёғдуси» деб номланган бадиий композицияда талабалар Навоий асарлари қаҳрамонлари образларини гавдалантирди






## «INFOLIB – 2016» V МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА ТАНЛОВЛАР КУНИ

«Юртим менинг чизгиларимда», «Ўзбекистон келажаги менинг тасаввуримда» танловлари ва «Мустақил юрт манзаралари» фототанлови ғолиблари тақдирландилар

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида танловлар кунида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида эълон қилинган танловларнинг якуни бўйича тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда «Юртим менинг чизгиларимда», «Ўзбекистон келажаги менинг тасаввуримда» танловлари ва «Мустақил юрт манзаралари» фототанлови ғолиблари тақдирландилар.

Мазкур тадбир ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фуқаролик ҳис-туйғусини шакллантириш ва иқтидорли болаларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг билим эгаллашга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

«Юртим менинг чизгиларимда» мавзусидаги болалар расмлари танловида ҳакамлар томонидан қуйидаги иштирокчиларнинг ижод намуналари юқори баҳоланди:

1-ўрин – 231-мактаб 4«А» синф ўқувчиси Саидаҳмедова Диёра;

2-ўрин – Ўзбекистон Бадиий академияси қошидаги Республика санъат мактаби 2 «Б» синф ўқувчиси Кириченко Зара;

3-ўрин – 201-мактаб 4 «Б» синф ўқувчиси Ўринбоева Зилола.

«Ўзбекистон келажаги менинг тасаввуримда» – иншолар танлови натижаларига кўра қуйидагилар ғолиб бўлди:

1-ўрин – 259-мактабнинг 5 «А» синф ўқувчиси Жовлиева Севинч;

2-ўрин – 135-мактабнинг 9 «В» синф ўқувчиси Зуҳурова Адолат;

2-ўрин – 293-мактабнинг 9 «А» синф ўқувчиси Абдувоҳидова Дилбар;

2-ўрин – 41-мактабнинг 6 «В» синф ўқувчиси Маҳкамова Камола;

3-ўрин – 300 сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 9 «Г» синф ўқувчиси Раззоқова Лазиза;

3-ўрин – 278-мактабнинг 9 «Б» синф ўқувчиси Шокирова Ширин;

3-ўрин– 162-мактабнинг 8 «А» синф ўқувчиси Ёдгорхўжаева Робиябону.

«Мустақил юрт манзаралари» мавзусидаги фототанловга Ўзбекистон табиати, анъаналари, шаҳарларининг фотосуратлари юборилган эди. Ғолиблар Ўзбекистон Миллий кутухонасининг расмий Facebook саҳифасида овоз бериш йўли билан аниқланди. Улар қуйидагилар:

1-ўрин – Иван Иванов;

2-ўрин – Виола Гайнутдинова;

3-ўрин – Антон Песня.

Ғолибларга Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан диплом ва қимматли совғалар топширилди.






## 4 КУН. 27 ОКТЯБРЬ. БИЛИМЛАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР КУНИ

Ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасидаги «Билимлар ва хорижий тиллар куни»да ёш авлодда чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотиш ва уни ривожлантиришга кўмаклашишга бағишланди.

Унда хорижда таълим олиш имкониятлари ва шартлари, хорижий давлатлар таълим тизими билан таништирувчи ва у ерда таълимни тугатгач, истиқболдаги имкониятлар ҳақида суҳбатлар ва маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Халқаро алоқаларни ташкил этиш хизмати томонидан ташкиллаштирилган «Испан тилини баҳолаш бўйича имтиҳон DELE» тренинги доирасида, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳам испан тилини ўрганувчилар сони ошиб бораётганлигини ҳамда DELE имтиҳонлари ҳақида маълумот берди. Ҳозирда Испаниянинг расмий давлат тили ҳисобланган испан тили Испаниядан ташқари 20 та Лотин Америкаси давлатларида ва Америка Қўшма Штатларида ҳам расмий тиллардан бири сифатида ишлатилади. Шунинг учун ҳам, испан тили дунёда энг кўп ишлатиладиган тиллар қаторида туради. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунё бўйича испан тилида сўзлашувчилар сони 500 миллионни ташкил этади.

Тошкентдаги Гёте институти ўқитувчиси Насиба Абдуллаева немис тилини ўрганиш бўйича амалий тавсияларга бағишланган тренингда немис тилини ўрганувчилар учун амалий тавсиялар, фойдали ва самарали услублар ва ўқув дастурлар ҳақида маълумот берди. Шунингдек, иштирокчилар немис тилини ўрганишга ёрдам берувчи, мустаҳкам ва асосли Интернет ресурслари билан танишдилар ва улар билан ишлашни амалда синаб кўрдилар.

Корея Республикаси ҳалқаро таълим грантлари тақдимотида эса, Кореяда олий таълим тизими ҳақида маълумотлар, абитуриентларга қўйилган талаблар, керакли ҳужжатлар ҳақида маълумотлар берилди. Тренер йиғилганларга ушбу таълим грантлари Кореядаги 360 та университетдан бирида ўқиш имкониятини бериши ва ҳар бир университет веб-сайтида ушбу грантларга ҳужжат топшириш ва ўқишга қабул қилиниш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, Нагойя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда университет таълим дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда асосий мавзу сифатида Японияниng G30 дастури ҳақида сўз борди. Ушбу дастурнинг асосий вазифалари хорижлик ёшларга Япония олийгоҳларида таълим олиш имкониятларини яратиш, иқтидорли ёшларга грантлар тақдим этишдир. Иштирокчилар Нагойя университетининг профессори Эйти Имамура томонидан Япониядаги таълим тизими ва хорижлик талабалар учун яратилган шароитлар, грантлар ва япон университетларининг истиқболи ҳақида маълумотлар берди.

Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда бутун дунё бўйича испан тилида сўзлашувчилар сони 500 миллионни ташкил этади

Нагойя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда университет таълим дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда асосий мавзу сифатида Японияниng G30 дастури ҳақида сўз борди







## «АХБОРОТ-КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» СЕМИНАР-ТРЕНИНГИ

Ўзбекистонда каталоглаштириш соҳасида қабул қилинган стандартларни шарҳлаб бердилар, ахборот-ктубхона ресурсларининг библиографик маълумотлар манбаси асосида библиографик ёзувларни шакллантиришда улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари билан таништирдилар

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Ахборот-кутубхона ресурсларини каталоглаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинарда вазирлик ва идораларнинг ахборот-кутубхона муассасаларинининг каталогизаторлари иштирок этдилар.

Тадбирнинг мақсади – ахборот-кутубхона ресурслари қидирувининг сифатини ошириш, ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларини каталоглаштиришнинг асосий масалалари билан таништириш.

Мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларининг бугунги кундаги ривожланиш босқичида фойдаланувчиларнинг буюртмаларига биноан ахборот-кутубхона ресурсларини тез ва сифатли қидирувида электрон каталогларнинг самарали фаолияти долзарб масалага айланмоқда. Шу мақсадда каталог орқали ахборот қидирувининг барча мезонларига жавоб бера оладиган тўлиқ библиографик ёзув ярата оладиган профессионал каталогизаторларга эҳтиёж кучаймоқда.

Семинар иштирокчилари каталогизаторлар малакасини ошириш масаласини муҳокама этишди.

Семинар доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси туркумлаштириш ва каталоглаштириш хизмати мутахассислари амалий машғулотлар ўтказдилар. Амалий машғулотларда улар Ўзбекистонда каталоглаштириш соҳасида қабул қилинган стандартларни шарҳлаб бердилар, ахборот-кутубхона ресурсларининг библиографик маълумотлар манбаси асосида библиографик ёзувларни шакллантиришда улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари билан таништирдилар.






## «СЎЗ ВА МУСИҚА ҚАНОТИДА» ИЖОДИЙ КЕЧА

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондларидан жой олган «Звезда Востока» журналининг 1946 йилдан бугунга қадар чоп этилган сонларидан кўргазма ташкил этилди

«INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Сўз ва мусиқа қанотида» мавзусида ижодий кеча бўлиб ўтди. «Звезда Востока» адабий-бадиий журнали таҳририяти билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур кечада журнал фахрийлари, ёзувчилар, шоирлар ва журнал муштарийлари иштирок этдилар.

Ижодий учрашувнинг асосий мақсади – мамлакатимизда ижод қилаётган русийзабон ижодкорлар, дунёнинг кўзга кўринган адабиёт намуналари, ижодий янгиликлар билан ёшларни таништириш, мутолаа маданиятини шакллантиришдир. Зеро, «Звезда Востока» журналининг кўп сонли ўқувчилари билан янада яқинлашиш, адабиётни қадрловчиларни ижод саҳифаларига кўпроқ жалб қилиш ёшлар келажагида муҳим аҳамият касб этади.

«Звезда Востока» журналининг таҳририяти учрашувда асарларини журнал саҳифаларида доимий равишда чоп эттираётган машҳур ёзувчилар билан бир қаторда, ёш ёзувчиларни ҳам таништирди. Учрашувда мухлисларга улар ижодидан намуналар ҳавола этилди. Шунингдек, тадбирда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри яккахон ижрочилари, халқаро ва Республика танловлари лауреатлари Надежда Банделет ва Анастасия Юдиналар мусиқий чиқишлари билан иштирок этдилар.

Мусиқий-бадиий кеча доирасида тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондларидан жой олган «Звезда Востока» журналининг 1946 йилдан бугунга қадар чоп этилган сонларидан ташкил этилган кўргазма билан танишдилар ва тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдирдилар.

## «ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМДА EBSCO ИЛМИЙ-ТАЪЛИМИЙ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ» ВЕБИНАРИ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Илм-фан ва таълимда EBSCO илмий-таълимий маълумотлар базаларидан фойдаланиш» – вебинари (онлайн-семинар) бўлиб ўтди. Вебинарда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот-ресурс марказлари, Фанлар академияси илмий ва илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси етакчи ахборот-кутубхона муассасаларининг 70 дан зиёд мутахассислари иштирок этди.

Вебинарнинг мақсади – EBSCO илмий-таълимий маълумотлари базаларидан фойдаланиш бўйича ахборот бериш, шунингдек, ташкилотларнинг жамоавий обуна бўлиш доирасида 2016 йил июнь ойидан октябрь ойигача EBSCO маълумотлар базаларидан фойдаланиш статистикасини тақдим қилишдан иборат.

Онлайн тарзида ўтган семинар доирасида EBSCO компаниясининг МДҲ мамлакатлари координатори Комила Миркамолова билан видеомулоқот ўрнатилди. Унда К. Миркамолова компаниянинг мақсад ва вазифалари билан таништирди. У илмий-таълимий базалар ва уларда мавжуд ресурсларга бепул кириш имкониятини берувчи кўмакчилар, зарур ахборот-ресурсини тезкорлик билан топиш, уларни юклаб олиш ва тўла матнда ўқиш имкониятлари, шунингдек, тадқиқотчилар учун мавжуд қулайликлар, етакчи илмий журналлар ва илмий тўпламлар ҳақида гапириб берди.



## «БИР АКТЁР ТЕАТРИ» – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МАЛИКА ИБРОҲИМОВА БИЛАН ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова билан «Бир актёр театри» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Ўз ижоди ҳақида ҳикоя қилар экан, Малика Иброҳимова романтик, фожеали ва кучли характерли аёлларнинг образини гавдалантирган «Олис, олисларда», «Ўн икки», «Варшава воқеаси», «Руҳлар исёни», «Оналар даласи» ва «Нарёғига жимжитлик» спектаклларидаги ролларини алоҳида айтиб ўтди. Актриса унинг энг севимли спектакллари – моноспектакллар эканлигини тан олди. Кўпгина фестивалларда юқори баҳоланган «Ёлғиз аёл» ва «Медея» спектакллари жамиятни адолатсизликдан хўрланган аёлларни қўллаб-қувватлашга чақиришини айтди.

М. Иброҳимова «Илон-пари», «Эрлихон шоҳ ва ўғрилар», «Тоҳир ва Зуҳра, «Кашмир сеҳргари», «Бектемир ботир» эртаклари ва Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи каби бир қатор аудио китоблар ёзилишида ҳам иштирок этган.

Ижодий учрашувда Малика Иброҳимова «Ёлғиз аёл» спектаклидан парча ижро этиб, уни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси саҳнасида ижро этиш чоғида ҳар бир томошабиннинг қалбини ўзига ром этди. Бу эса актёр учун жуда муҳим. «Мен учун биргина, томошабиннинг эътибори кифоя. Баъзан тўлиб турган залдан кўра, шу биргина сени бутун вужуди билан тинглаётган томошабин учун ўйнаш жуда мароқли», деди у.

Малика Иброҳимова: «Мен учун биргина томошабиннинг эътибори кифоя. Баъзан тўлиб турган залдан кўра, шу биргина, сени бутун вужуди билан тинглаётган томошабин учун ўйнаш жуда мароқли»





«Китоблар хазинаси ороли» квест-ўйини бу – жамоавий ўйин. Жамоанинг мақсади – босқичма-босқич вазифаларни бажариб, айтиб туриладиган топшириқларни олган ҳолда китоблар токчаларидаги барча яширинган хазинани топиш

Кўҳна ўзбек фильмлари унутилиши ва йўқолиб бориши мумкинлигини инобатга олиб, томошабинларнинг кино меросимиз билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг лойиҳамиз «кино археологияси» билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилган

## 5 КУН. 28 ОКТЯБРЬ. МАДАНИЯТЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ КУНИ

### «КИТОБЛАР ХАЗИНАСИ ОРОЛИ» АДАБИЙ КВЕСТ-ЎЙИНИ

V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида «Китоблар хазинаси ороли» адабий квест-ўйини бўлиб ўтди. Унда касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси илмий-методик ва тадқиқот хизмати раҳбари В. Полякова ва уларга ўйиндан кўзланган мақсад ва вазифаларни санаб ўтди: «Квест қидирув ўйини сермазмун, интерфаол, «жамоада ишлашни ўргатувчи», энг асосийси – ахборот ресурслари билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиради, улкан позитив куч-қувватга эга», деди ва асосий урғу мантиқий топишмоқларни ечишга, сирли белгиларни қидиришга ва турли вазифаларни бажаришга қаратилган ўйиннинг қоидаси ва шартлари билан таништирди.

«Китоблар хазинаси ороли» квест-ўйини, бу – жамоавий ўйин. Жамоанинг мақсади – босқичма-босқич вазифаларни бажариб, айтиб туриладиган топшириқларни олган ҳолда, китоблар токчаларидаги барча яширинган хазинани топиш. Ўйин ҳомийси – «KALEON» компанияси кутубхона бўйлаб 12 та савол ёзилган универсал кодли белгиларни яширган. Жамоаларнинг вазифалари ушбу код маълумотларини топиш. Код маълумотлари ўзига хос йўналиш бўйлаб кейинги саволга олиб борди. Топшириқлар Telegram мобил иловаси орқали бериб борилди.

Ўйин сўнггида жамоаларга «KALEON» компанияси ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг эсдалик совғалари топширилди ташкилотчиларга қизиқарли ва мазмунли ўйин учун миннатдорчилик билдирдилар ва ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.



## «МОХОВ ҚИЗ» ОВОЗСИЗ ФИЛЬМИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ НАМОЙИШИ

Ҳафталик доирасида «Мохов қиз» (1928 ) овозсиз фильмининг ретроспектив намойиши бўлиб ўтди. Унда санъатшунос, киношунос, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги вакиллари, адабиётшунослар ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар кино санъатининг ёш авлоднинг эстетик тарбиясидаги ўрни ва вазифаларини эътироф этдилар.

Санъатшунослик фанлари номзоди, киношунос, лойиҳа муаллифи Нигора Каримова тадбир иштирокчиларини лойиҳанинг долзарблиги билан таништирди ва намойиш этилажак фильмнинг сюжети ҳақида сўзлаб берди. «Кўҳна ўзбек фильмлари унутилиши ва йўқолиб бориши мумкинлигини инобатга олиб, томошабинларнинг кино меросимиз билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун уларни кенг тарғиб этиш керак, маданий матн сифатида уларни кенг оммага етказиб бери-шимиз лозим. Бизнинг лойиҳамиз кино ар-хеологияси билан шуғулланишни ўз олдига мақсад қилган. 1928 йилда режиссёр Олег Фрелих томонидан суратга олинган «Мохов қиз» фильми мажбуран турмушга узатилган ва ўз севгиси томон ошиқаётган Тиллаой исмли қизнинг отлар туёқлари остида ҳалок бўлиши ҳақида ҳикоя қилади».

Фильм томошабинларда кескин ҳиссиётларни уйғотди, улар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар ва таассуротлари билан ўртоқлашдилар.





## МАДАНИЯТЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ КУНИ

Ҳафталик доирасидаги маданиятлар хилма-хиллиги куни «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» акцияси ғолибларини тақдирлаш маросими, миллий, анъанавий амалий санъат намуналари кўргазмаси, халқ ҳунармандларининг маҳорат дарслари, Ўзбекистон Республикаси байналмилал миллий маданий марказларининг концерт дастурлари, «Джойнт» – яҳудий миллий маданий марказининг спектакли ва «Баркамол авлод» Республика маркази болалар ансамблининг чиқиши бўлиб ўтди.

Республикамиз ҳудудларини халқаро ва маҳаллий миқёсдаги туристик жозибадорлигини ошириш, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари ва маданий мероси тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиб бериш мақсадида UZINFOCOM Маркази томонидан «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси» акцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон тарихини сақлаш, уларни келажак авлодга етказиш ва мамлакатимиздаги барча диққатга сазовор жойлар ҳамда маданий мерос тўғрисидаги маълумотларни тарғиб қилувчилар иштирок этдилар. Акциянинг якуний натижаларига кўра, «Ўзбекистон мўъжизаси» номига Регистон ансамбли, И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Тошкент телеминораси, Форумлар саройи, Мирзо Улуғбек обсерваторияси (Самарқанд ш.), Ичан-қалъа меъморий комплекси, Гўри-Амир мақбараси объектлари сазовор бўлди.

Шу куни кутубхона фойесида «Джойнт» – яҳудий миллий маданий маркази яҳудий халқининг тўй маросимлари, урф-одатлари ва таомиллари ҳақида ҳикоя қилувчи «Оила кувончлари» мавзусида спектакли намойиш этилди. Миллий маданий марказларнинг концерт дастурида эса Ўзбекистон байналмилал маданият маркази қошидаги озарбайжон, рус, белорус, уйғур ва қирғиз, маданият марказларининг бадиий чиқишлари ўрин олди.



## «INFOLIB – 2016» V МИЛЛИЙ АХБОРОТ-КУТУБХОНА ҲАФТАЛИГИНИНГ ТАНТАНАЛИ ЁПИЛИШИ

28 октябрь куни ахборот маданиятини юқори даражага кўтариш ҳамда республика миллий маданий меросини асраш, мутолаага бўлган меҳрни ошириш, аҳолининг турли қатламларига хизмат кўрсатишни ташкил этишда кутубхоналарнинг ижтимоий-маданий ролини ошириш ва машҳур ёзувчилар, шоирлар, артистлар, хонандалар ва ҳунармандлар билан таништиришни мақсад қилган «INFOLIB – 2016» V Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ўз ишини тамомлади. Ҳафталик доирасида китоб тақдимотлари, китоблар ва амалий санъат намуналари кўргазмалари, семинарлар, давра суҳбатлари, экскурсиялар, маҳорат дарслари, танловлар, акциялар, машҳур ёзувчи, шоир, рассом, артистлар билан ижодий учрашувлар, викториналар ва шахмат турнири бўлиб ўтди.

Ҳафталикнинг ёпилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А. Ходжаев Ҳафталикда фаол иштирок этган барча ҳамкорларга, ҳомий ташкилотларга, иштирокчиларга, меҳмонларга миннатдорчилик билдириб, Ҳафталикнинг долзарблиги ва аҳамиятини эътироф этди. Ҳафталик давомида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жами 46 та тадбир ўтказилиб, уларга 305 000 дан зиёд киши ташриф буюрганлигини айтиб ўтди. ■

«INFOLIB – 2016» ҳафталиги давомида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жами 46 та тадбир ўтказилиб, уларга 305 000 дан зиёд киши ташриф буюрди

Ҳафталикнинг ёпилиш маросимида унинг долзарблиги ва аҳамияти эътироф этилиб, фаол иштирок этган барча ҳамкорлар, ҳомий ташкилотлар, иштирокчилар ва меҳмонларга миннатдорчилик билдирилди













# БИБЛИОГРАФИРОВАНИЕ ТРУДОВ ДЕЯТЕЛЕЙ НАУКИ И КУЛЬТУРЫ: МЕТОДИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПОДГОТОВКИ БАЗ ДАННЫХ И УКАЗАТЕЛЕЙ



**Людмила Мандринина,**
старший научный сотрудник отдела научной библиографии Государственной публичной научно-технической библиотеки Сибирского отделения Российской академии наук

ГПНТБ СО РАН, как крупнейший научно-информационный центр Сибири, более пятнадцати лет занимается библиографированием трудов деятелей науки и культуры, биографических публикаций, созданием комплексной системы биобиблиографических ресурсов. Эти ресурсы представлены электронными биобиблиографическими базами данных (БД) собственной генерации и печатными указателями на их основе. Комплекс биобиблиографических ресурсов является важной частью информационного сопровождения научных направлений Сибирского отделения РАН, необходим для пропаганды достижений сибирской науки и для изучения истории науки. В 2001–2016 гг. ГПНТБ СО РАН сформировано 11 БД, на основе которых изданы биобиблиографические указатели, посвященные сибирским ученым: академикам РАН – А. Л. Асееву, В. А. Коптюгу Г. И. Марчуку, академику РАМН В. П. Казначееву, чл.-корреспонденту РАН А. К. Тулохонову, д-ру техн. наук, профессору Б. С. Елепову, д-р пед. наук, кандидату пед. наук, Е. Б. Соболевой.

Общую методику подготовки биобиблиографических пособий, характеристику разных видов биобиблиографической продукции можно найти в «Справочнике библиографа». В настоящей статье представлены особенности методики создания биобиблиографических и полнотекстовых ресурсов и даны методические рекомендации на основе практического опыта ГПНТБ СО РАН по подготовке биобиблиографических БД и печатных указателей деятелей сибирской науки.

Биобиблиографические пособия готовятся на основе электронных БД. Это позволяет использовать сервисы БД для поиска нужной информации и формирования биобиблиографических справочников, отвечающих современным требованиям. Необходимо четко определить для каких целей готовится биобиблиографическое пособие, каким образом будут представлены и раскрыты в нем документы. И здесь очень важным является подготовка краткого плана-проспекта биобиблиографического указателя, позволяющего четко организовать работу составителей.

План-проспект указателя:

1. Краткая характеристика деятельности ученого, в каких областях науки он работает (или работал), годы жизни и творческой деятельности.
2. Первоначальный список публикаций ученого.
3. Виды публикаций, включаемые в БД и указатель.
4. Вторичные источники для просмотра, сверки с первоначальным списком и отбора новых материалов (в виде текстового файла).
5. Особенности библиографического описания в указателе.
6. Рубрикатор биобиблиографической БД.
7. Группировка материалов в указателе.
8. Просмотр первичных публикаций de visu.
9. Вспомогательные указатели.
10. Индекс цитирования трудов ученого.
11. Биографический очерк и хроника жизни и деятельности ученого.
12. Предисловие «От составителей».
13. Другие виды материалов, включаемые в указатель.
14. Методические решения по указателю.
15. Особенности формирования БД.

План-проспект указателя – это руководство к действию. Он должен быть составлен очень обдуманно и без спешки, т.к. от этого во многом зависит качество подготовки персонального указателя. При этом совсем не обязательно писать план-проспект на десятках

страниц. Он должен быть четким и лаконичным. Пояснения в плане должны иметь однозначную трактовку, без расплывчатых формулировок и неясностей. Остановимся подробнее на пунктах плана-проспекта.

**Характеристика деятельности ученого.** Эти данные важны при просмотре литературы de visu и обследовании вторичных источников. Четкое знание предмета деятельности ученого, географических регионов, в которых он работал, дат его жизни и творческой деятельности сокращают время просмотра вторичных источников и позволяют избегать отбора случайных материалов.

**Первоначальный список публикаций.** Этот список может быть получен от автора, взят в отделе кадров или передан организацией-заказчиком. Таким списком может быть также ранее изданный биобиблиографический указатель, посвященный данному деятелю науки. Если такой указатель составлен профессионально, и его материалы ранее просматривались de visu, их можно вводить в БД, но перед этим обязательно просмотреть и откорректировать, исходя из задач нового указателя. Перед вводом необходимо проставить индексы рубрикатора БД и рубрики вспомогательных указателей.

**Вторичные источники для просмотра.** Создается электронная картотека (файл) вторичных источников. Определяются группы основных и дополнительных источников. Основные вторичные источники просматриваются с наибольшей полнотой, дополнительные – выборочно. После просмотра каждого источника в электронной картотеке делается пометка об этом и другие необходимые пометки. Например, указывается отсутствие в библиотеке каких-то номеров нужного периодического издания или, если вторичный источник «пустой», указывается, что документов по теме нет. Пишется также фамилия библиографа, просмотревшего источник. Примерный перечень вторичных источников:

- список публикаций из личного дела или предоставленный автором или организацией-заказчиком;
- электронные и карточные каталоги ГПНТБ СО РАН, НИУ СО РАН, крупнейших библиотек России;
- картотеки трудов ученых в библиотеках НИУ;
- ранее опубликованные биобиблиографические пособия, посвященные ученому;
- БД ГПНТБ СО РАН, ВИНИТИ, ИНИОН;

**ПРИМЕРНЫЙ ПЕРЕЧЕНЬ РУБРИК:**




- БД Science Citation Index;
- Реферативные журналы (РЖ) и библиографические указатели ВИНИТИ, ИНИОН, касающиеся той отрасли науки (а также смежных областей), в которой работал автор;
- издания государственной библиографии Российской книжной палаты («Ежегодный библиографический указатель книг России», «Книги России», «Статьи из российских журналов», «Статьи из российских газет» «Рецензии из российских изданий», «Авторефераты диссертаций» др. Заметим, что с 2015 года все издания РКП (в связи со сменой статуса организации) поменяли свои названия (ранее в их названиях было слово «летопись»);
- ресурсы Интернет;
- тематические указатели;
- отраслевые и универсальные отечественные и зарубежные энциклопедии;
- прикнижные и пристатейные библиографические списки.

**Особенности библиографического описания.** На наш взгляд, наилучший вариант библиографического описания для персонального указателя – это первым элементом библиографической записи сделать заглавие (название книги или статьи ученого), а в сведениях об ответственности указывать фамилию ученого и всех его соавторов в той последовательности, в какой они даны в источнике.

Пример: новый адсорбционный буфер влаги для обеспечения сохранности библиотечных, архивных и музейных материалов / Ю. И. Аристов, И. С. Глазнев, Л. Г. Гордеева, И. В. Сальникова, И. А. Шилова, Л. П. Кундо, Б.

В настоящей статье представлены особенности методики создания биобиблиографических и полнотекстовых ресурсов и даны методические рекомендации на основе практического опыта ГПНТБ СО РАН по подготовке биобиблиографических БД и печатных указателей деятелей сибирской науки

С. Елепов, В. Н. Алексеев // Библиосфера. – 2009. – № 1. – С. 85–88.

**Рубрикатор биобиблиографической БД.** В соответствии с этим рубрикатором формируются разделы указателя.

Рубрики могут объединяться или расширяться в зависимости от того, какие материалы представлены в указателе. Так, в рубрике «литература об ученом» можно выделить подрубрику «официальные материалы об ученом». Можно сделать рубрику «труды ученого» и в ней выделить подрубрики: «научные работы», «редакторские работы» «публицистические работы». В тексте указателя эти подрубрики можно выделить с помощью «звездочек», с указанием пометки «ред.:» перед каждой редакторской работой, помещая редакторские работы после научных трудов и т. д.

Большое значение для определения рейтинга научных публикаций имеет индекс цитирования. Помещение материалов по индексу цитирования в указатель помогает полнее раскрыть деятельность ученого, показать мировую значимость его работ

**Просмотр публикаций de visu.** Исходя из большого опыта подготовки персональных указателей, можно констатировать, что наилучший способ создания качественного указателя – это просмотр всех публикации ученого de visu (т. е. просмотр текста публикаций). Обычно в первоначальном списке, который предоставлен библиографам автором или организацией-заказчиком, и, по их мнению, «почти готовым» для опубликования, очень много ошибок, неточностей, опечаток и т.д. Часть их корректируется при сверке с вторичными источниками, но во вторичных источниках тоже есть какие-то ошибки. Поэтому, чтобы свести эти ошибки к минимуму, мы рекомендуем просмотр всех документов de visu. Если это по каким-то причинам невозможно, то тогда без такого просмотра надо включать документы из наиболее достоверных источников – изданий государственной библиографии, реферативных журналов ВИНИТИ, ИНИОН. Следует напомнить, что сейчас отсутствующие в библиотеке издания можно найти в Интернете: есть сайты многих научных журналов, базы патентов, PDF-файлы статей и отдельных монографий. Библиографические записи публикаций ученого можно найти в электронных каталогах крупных библиотек.

**Внутри основных разделов возможно деление по видам изданий:**




При выявлении трудов деятелей науки, документов, посвященных их деятельности, очень важна работа с книжными и архивными фондами, принадлежащими ученым. Так, при подготовке биобиблиографии академика В. А. Коптюга, сотрудниками нашего отдела был проведен просмотр папок с материалами, посвященными В. А. Коптюгу, его книг. Эта работа принесла много ценных находок, особенно касающихся публикаций в зарубежных изданиях. Были найдены интересные материалы об ученых, не отраженные в обследованных вторичных источниках.

**Индекс цитирования.** Большое значение для определения рейтинга научных публикаций имеет индекс их цитирования. Помещение материалов по индексу цитирования в указатель помогает полнее раскрыть деятельность ученого, показать мировую значимость его работ. Такие материалы были включены в персональные указатели, посвященные В.А. Коптюгу и Б. С. Елепову.

**Биографический очерк, хроника жизни и деятельности.** В процессе работы над составлением биобиблиографии одновременно ведется работа по подготовке биографического очерка и хроники жизни и деятельности ученого. Очерк обычно пишется коллегами ученого, которые его хорошо знали (знают), или специалистом в данной области науки. Основные даты жизни и деятельности (хроника, обычно какая-то основа) дается автором или заказчиком, дополняется и дорабатывается библиографами. При подготовке хроники необходимо консультироваться со специалистами, коллегами по работе ученого, смотреть материалы в интернете. Биографические даты, представленные в очерке, тщательно сверяются с «хроникой» на предмет устранения фактических неточностей и разночтений в датах, названиях каких либо документов, мероприятий, мест творческих или научных командировок, должностей, ученых званий и т.д. Если ученый имел (имеет) много наград и почетных званий, то информацию о них можно представить в отдельном разделе «Награды и почетные звания». Так было сделано в указателе «А.К. Тулохонов».

**Предисловие от составителей.** На последнем этапе подготовки биобиблиографического пособия пишется краткое предисловие «От составителей», в котором указываются звания и должности ученого, временные рамки включенных в пособие публикаций, основные разделы указателя, способы группировки материалов, перечень вспомогательных указателей и т.д. Обязательно включается информация о том, что библиографическое пособие сформировано на основе персональной БД, и дается ее адрес в интернете.

**Другие виды материалов, включаемые в указатель.** В биобиблиографическом справочнике, кроме стандартных компонентов (биографический очерк, хроника), могут быть включены и другие материалы, направленные на разностороннее раскрытие личности ученого и его деятельности. Это могут быть воспоминания соратников ученого, фотоматериалы, полные тексты наиболее актуальных или злободневных публикаций автора. Так, в указателе «Борис Степанович Елепов» (2002) вместо традиционного биографического очерка было помещено интервью с ученым «Как вам живется, директор?», которое внесло элемент нестандартности, динамизма в издание. В указателях, посвященных Н.С. Карташову, Е.Б. Соболевой были помещены полные тексты статей, воспоминаний соратников и коллег библиотечных деятелей, включены фотодокументы.

**Особенности формирования биобиблиографической БД.** Общая методика формирования БД описана в вышеупомянутом «Справочнике библиографа». Выбор состава полей библиографической записи на основе коммуникативного формата осуществляется в соответствии с целью создания и назначением конкретной БД. К стандартному набору основных полей добавляются поля, необходимые для формирования вспомогательных указателей (предметно-тематического, географического и т.д.). Добавляется служебное поле «рабочие заметки», в которое вводятся сведения о просмотре документа de visu, особенностях написания фамилий соавторов, отдельных слов, научных терминов и т.д. Это важно при редактировании БД, когда у библиографа возникает сомнение по поводу каких-либо элементов библиографической записи, а в этом поле он видит подтверждение правильности данных в библиографической записи.

Цель создания БД – показать в полноте диапазон деятельности ученого, весь спектр его интересов, представить информацию о нем, отдать дань памяти замечательному человеку, ученому, организатору науки, предоставить удобные сервисы для пользователей. Эта работа стала возможной благодаря уже имеющемуся опыту ГПНТБ СО РАН по созданию полнотекстовых БД. Уже созданные биобиблиографические БД преобразуются в полнотекстовые путем проведения комплекса работ по сканированию и присоединению полных текстов. При этом должны учитываться требования авторского права, а это – работа с соавторами, редакциями издательств (для получения разрешения на полные тексты изданий).

Библиографирование трудов деятелей науки и культуры, биографических публикаций – одно и важных направлений деятельности библиотек России. Биобиблиографические базы данных занимают свое, выверенное временем, место в системе библиографического информирования. Наряду с общими положениями подготовки библиографических ресурсов большое значение имеют частные методики, алгоритм которых создается на основе использования данных практического опыта. Полагаем, что методика создания биобиблиографических ресурсов (библиографических и полнотекстовых БД, указателей на их основе) и методические рекомендации, разработанные на основе опыта работы ГПНТБ СО РАН, крупнейшего библиотечно-информационного центра, представляют интерес для библиотечного сообщества.

Цель создания БД – показать в полноте диапазон деятельности ученого, весь спектр его интересов, представить информацию о нем, отдать дань памяти замечательному человеку, ученому, организатору науки, предоставить удобные сервисы для пользователей

Библиографирование трудов деятелей науки и культуры, биографических публикаций – одно и важных направлений деятельности библиотек. Биобиблиографические базы данных занимают свое, выверенное временем, место в системе библиографического информирования

*Людмила Мандринина, Россия фанлар академияси Сибир бўлимидаги Давлат илмий-техника кутубхонасининг илмий библиография бўлимининг катта илмий ходими.*

*Муаллиф мазкур мақолада Россия фанлар академиясиниг Сибир бўлимида илм-фан ва маданият арбобларининг 15 йилллик даврда чоп этилган илмий мақолалари, монографияларининг библиографик ёзувлари ҳақида батафсил маълумотлар йиғиш билан, уларнинг базаларини шакллантиришдаги йўналишлари тўғрисида маълумотлар бериб ўтган. Ундан ташқари, библиографик ёзувларни шакллантиришда Сибир бўлимидаги Давлат илмий-техника кутубхонасининг тажрибасига асосланган услубий йўналишдан фойдаланишни таклиф этади.* ■



# ОБУЧЕНИЕ БАКАЛАВРОВ БИБЛИОТЕЧНО-ИНФОРМАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОСНОВАМ БИБЛИОТЕЧНОГО ДИЗАЙНА



**Марина Колесникова,**
доктор педагогических наук, профессор, заведующая кафедрой библиотековедения и теории чтения Санкт-Петербургского государственного института культуры

Сегодня очевидно, что важной закономерностью развития современной науки является непрерывная интенсификация процесса ее взаимодействия и взаимопроникновения

Учебная дисциплина «Архитектура и дизайн библиотек» была инициирована и разработана на кафедре библиотековедения и теории чтения в 2011 г. Она преподается студентам 4-го курса библиотечно-информационного факультета (БИФ) в рамках профиля «Менеджмент библиотечно-информационной деятельности». Очевидная специфика и сложность дисциплины требует аргументированного обоснования возможности и необходимости преподавания ее будущим библиотекарям.

Во-первых, следует определить, каковы научные основы названной учебной дисциплины. Сегодня очевидно, что «важной закономерностью развития современной науки является непрерывная интенсификация процесса ее взаимодействия и взаимопроникновения. Библиотековедческая мысль обращена на расширение круга наук, на поиски новых взаимосвязей, что в значительной степени обогащает изучение различных сторон библиотечной практики».

В данном случае библиотековедение берет из архитектуры и дизайна как самостоятельных областей знания, как и из многих других дисциплин гуманитарного и технического характера, не всегда родственных ему,



«отдельные теоретические положения, фактические данные, методы исследования» и др. Таким образом, учебная дисциплина «Архитектура и дизайн библиотек» формируется и развивается как интегрированная дидактическая система знаний на основе достижений названных наук, которая может быть статуирована как междисциплинарный раздел библиотековедения. Такое понимание дисциплины открывает более широкие возможности для преподавания ее студентам БИФ и не только архитекторами, но и библиотековедами, преподавателями кафедры, занимающимися изучением и разработкой теоретических и практических основ организации пространства библиотек в сотрудничестве с профессионалами в области архитектуры, дизайна, художественного проектирования. В стране сложилась научно-практическая школа архитектуры библиотечных зданий. Трудами наших предшественников, их учеников и последователей ныне создана серьезная научная платформа для развития учебных дисциплин и спецкурсов по вопросам библиотечной архитектуры и дизайна, включающая диссертации, монографии, справочные пособия и т.д., например: Алешин Л. И. Проектирование зданий библиотек / Л.И.Алешин. Москва, 2008; Балашова Е. В. Библиотечный дизайн / Е. В. Балашова, М. Н. Тищенко, А. Н. Ванеев. Москва : Гардарики, 2004 и др.

Во-вторых, преподавание междисциплинарного курса «Архитектура и дизайн библиотек» в отсутствие преподавателей с соответствующим профильным образованием и без специально оборудованной аудитории с необходимыми материалами весьма проблематично.

Но, к счастью, нам удалось привлечь к сотрудничеству ведущих преподавателей знаменитой Санкт-Петербургской государст-

венной художественно-промышленной академии им. А.Л. Штиглица, проявивших интерес к нашей дисциплине и оказавших свою бескорыстную помощь в виде учебно-методического и научного консультирования, проведения мастер-классов, что позволило придать дисциплине необходимый формат преподавания и установить тот уровень сложности формируемых компетенций, который доступен для студентов совсем иной специальности с учетом имеющихся у них знаний, умений и способностей. Отсутствие на кафедре компьютерных проектировочных программ также не стало препятствием для обучения студентов. На практических занятиях использовались доступные в Интернете версии онлайн планировщиков интерьеров и учебные версии архитектурных программ для проектирования внутренних помещений библиотеки в режиме 3D-моделирования. Помимо конструирования в виртуальной среде, студенты осуществляли дизайн-проектирование в виде компактных макетов на материальных носителях.

В-третьих, со стороны студентов не было отторжения предложенной для освоения дисциплины, что, в свою очередь, является дополнительным стимулом для нас, преподавателей. В результате обучения бакалавры приобретают основные знания, умения и навыки организации библиотечного пространства – его зонирования, планировки, оформления, осваивают специальную терминологию, что необходимо им в дальнейшей профессиональной деятельности для полноценного диалога с архитекторами, проектировщиками, занимающимися созданием пространства библиотек, и постановки для них конкретных задач. Отсутствие художественного образования, выраженных способностей к рисованию, дизайну и т.п. талантов не стало непреодолимым препятствием для наших студентов. Это подтверждается еще одним убедительным примером – только в 2016 году выпускниками кафедры было защищено четыре дипломных работы по вопросам проектирования и оформления пространства библиотек, получивших отличные





оценки. В частности, проект зонирования пространства второго этажа (читального зала и зоны мастер-классов) ЦРБ им. А.П. Чехова ЦБС Фрунзенского района г. Санкт-Петербурга, выполненный под руководством проф. М.Н.Колесниковой, участвовал в конкурсе дипломных работ «Студенты — городу 2016», а автор – Е.Г.Назарова отмечена почётным званием лауреата и специальной премией Правительства Санкт-Петербурга.

К настоящему времени на кафедре библиотековедения и теории чтения БИФ СПбГИК создан банк дипломных работ по библиотечному дизайну за ряд лет. Разумеется, не каждый студент берется за подготовку подобного проекта. Нередко это – выпускники художественных школ и училищ, имеющие базовую подготовку. Объектами дизайн-проектирования у нас уже были самые разные, реально существующие библиотеки – школьные, детские, научные, вузовские и др.

Безусловно, проектированием пространства библиотеки должен заниматься специалист, имеющий определенные знания и навыки. Однако библиотекари, планирующие изменение пространства своей библиотеки (а, может быть, и строительство новой), неизбежно должны сами представить концепцию этого нового пространства, сформулировать задачи, требования и пожелания тем профессионалам (архитекторам, художникам, строителям и т.д.), кто будет воплощать ее в реальность с материально-технической стороны. Для этого библиотекари должны иметь базовые знания и умения проектирования библиотечного пространства, и задачу их формирования призвана выполнять такая учебная дисциплина, как «Архитектура и дизайн библиотек».

В 2016 году выпускниками кафедры было защищено четыре дипломных работы по вопросам проектирования и оформления пространства библиотек, получивших отличные оценки

***Марина Колесникова, педагогика фанлари доктори, профессор, Санкт-Петербург давлат маданият институтининг кутубхонашунослик илмий-назария кафедраси мудири***

*Мақолада кутубхона соҳасини ривожлантиришнинг асосий белгиларидан бири биноларнинг архитектураси ва дизайн лойиҳаларини профессионал мутахассислар ёрдамида тайёрлаш ҳақида сўз юритилади. Мазкур соҳага катта ҳисса қўшган мутахассисларнинг илмий ғоялари ҳамда уларни амалда қўллаш мумкин бўлган оригинал усулларини кутубхоначилик йўналиши бўйича жорий этиш баён этилган.*

# ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ – 20 ЁШДА





**Хуршид Файзиев,**
Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди

Мустақиллик йилларида буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида бобокалонимиз Амир Темур шахси қадр топди. Унинг жаҳон тарихидаги ўрни, дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси кенг миқёсда эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилиши, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда нишонланиши, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида бобокалонимизнинг улуғвор ҳайкаллари қад ростлаши буюк аждодимиз хотирасини эъзозлаш, номини абадийлаштириш йўлида олиб борилган хайрли ишлар сирасидандир. Шунингдек, пойтахтимиз марказидаги хиёбон, шоҳкўча, метро бекати, юртимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканларига ҳам Амир Темур номи берилган.

1996 йилда Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи давлат музейининг бунёд этилиши халқимизнинг Соҳибқирон сиймосига ҳурмат-эҳтироми ва ифтихорини, юртимизда илм-фан, маданият соҳаси тараққиётининг тарихий илдизини дунёга кўз-кўз этди. Яна бир эътиборли жиҳати, бетакрор меъморий ечими ва салобати билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳ ва меҳмонларни ҳайратда қолдириб келаётган бу улуғвор кошона ёш авлодни бой тарихимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром ва Ватанимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.



Музейнинг асосий вазифаси – Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва миллий истиқлол ғоясини сингдиришдан иборатдир.

Музей «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи ашёлар сақланади. Булар – Амир Темур ва Темурийлар даври тарихига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Амир Темур мақбарасидан олинган асори-атиқалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX – XX асрларга оид китоблар, нумизматик ашёлар, этнографик буюмлар ва ҳ.к.з. Ҳозирги кунда музей экспозициясидан мингдан ортиқ экспонат жой олган.

Музей хазинасини Франциядаги Лувр му-



зейи томонидан совға қилинган Амир Темур сиймосининг нусхалари, Эрон элчихонасидан Амир Темур ва Темурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан дипломатик ёзишмалари, Ҳиндистон элчихонасидан бир нечта қўлёзма саҳифаларидан нусхалар, Покистон, Хитой элчихоналари, Малайзия, Қозоғистон, Россия, Грузия, Туркия ва бошқа давлатларнинг совғалари янада бойитди.

Ҳозирги кунга қадар музей фонди 5 000 дан зиёд экспонатлар билан тўлдирилди. Жумладан, музейга тақдим этилган ашёлар ва коллекциялар, турли давлат раҳбарлари, меҳмонлар томонидан тақдим этилган ашёлар, шахсий коллекция эгалари томонидан совға қилинган сўзаналар, мис ва жез буюмлар, тарихий китоблар, қўлёзмалар шулар жумласидандир. Хусусан, Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қўлёзма асарлар, турли давлатлар ҳукмдорлари билан ёзишмалар, нодир китоблар, қадимий тангалар, қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари томошабинларда катта таассурот қолдиряпти.

Музей нафақат Темурийлар даврига оид ашёларни намойиш этиш, балки Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишларни ҳам амалга ошириб келмоқда.

Музейда доимий равишда илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинади. Унда темуршунос олимлар, катта илмий ходим изланувчилар ҳамда талабалар иштирок этиб келмоқдалар. Ўтказилган республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар иштирокчиларига, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари қатнашчиларига Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар тўғрисида мазмунли экскурсиялар ташкил этилади. Шунингдек, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтиришда, ўзбек халқининг бой тарихи билан маънавий озиқлантириш мақсадида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган кам таъминланган оилалар фарзандлари, мактабгача таълим муассаса болалари, меҳрибонлик уйлари табиялanувчилари учун бепул экскурсиялар олиб борилади.

Музейда ҳар йили ташкил этиладиган кўргазмалар эса ташриф буюрувчиларга янгидан-янги маълумотларни етказишга хизмат қилиб келмоқда. Бундай кўргазмаларда Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни, унинг нафақат буюк ҳарбий саркарда ва йирик давлат арбоби, балки теран бунёдкор шахс бўлганлиги ва у асос солган бунёдкорлик фаолияти авлодлари томонидан давом эттирилгани ўз аксини топган. Шу ўринда биз музейда ташкил этилган баъзи кўргазмаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.



«Зафарнома», Шарафиддин Али Йазди
Соҳибқирон эришган ғалабалари ва ҳарбий юришларига бағишланган асар
1419 – 1425 йилларда ёзилган

Музейда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари, музейлари билан ҳамкорликда Республика миқёсида йирик кўргазмалар ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ўзбекистон тарихига оид энг ноёб ашёлардан ташкил топган «Ўзбекистон. Мозий дурдоналари», Амир Темур давлати билан Кастилия қироллиги ўртасида ўрнатилган дипломатик алоқаларнинг 600 йиллигига бағишланган «Амир Темур – Клавихо – Самарқанд», ўзбек давлатчилиги тарихининг ёзув маданияти билан узвий боғлиқлигини ашёлар воситасида ифодаловчи «Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи», «Ноёб қўлёзмалар» ва «Ноёб қўлёзмалар хазинасидан (тошбосма китоблар)» кўргазмалари фикримизнинг далилидир.

Бугунги кунда турли сабабларга кўра чет элларга олиб чиқиб кетилган Темурийлар

Мазкур улуғвор музей ҳақли равишда мустақил Ўзбекистон меъморчилигининг энг ноёб намуналаридан биридир. Биринчи Президентимиз И. Каримов: «Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир», дея муносиб баҳо берган





Амир Темур музейи «Давлат ноёб илмий объектлари» рўйхатига киритилган бўлиб, унинг хазинасида Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи ашёлар сақланади

даврига оид қўлёзма асарлар, бадиий ҳунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида намойиш этилиб, томошабинларни ҳайратга солиб келмоқда. «Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жавоҳирлар» кўргазмасидан Россия, Туркия, АҚШ, Франция, Англия каби давлатларда сақланаётган Темурийлар даврига оид ашёларнинг, жумладан, Улуғбек Мирзо, Султон Ҳусайн Мирзо номи ёзилган пиёлаларнинг, Мироншоҳ Мирзо, Гавҳаршодбегимнинг узук-муҳрларининг ҳамда Темурийлар даври бадиий ҳунармандчилик буюмларининг нусхалари жой олган.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 680 йил тўлиши муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Халқаро Амир Темур жамоат фондининг 2016 йилда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисидаги таклифлари ҳукуматимиз томонидан маъқулланди.

Музей нафақат Темурийлар даврига оид ашёларни намойиш этиш, балки Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш билан боғлиқ илмий изланишларни ҳам амалга ошириб келмоқда

Ана шу режани амалга ошириш учун музей томонидан бир қанча кўргазмалар ташкил этилди. Жумладан, «Темурийларга оид дунё бўйлаб тарқалган дурдоналар», «Музей хазинасидаги нодир қўлёзмалар», «Истиқлол йилларида Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид нашр этилган китоблар» кўргазмалари ташкил этилди.

Шунингдек, музейда мунтазам равишда 18 май – Халқаро музейлар кунига бағишлаб, «Музейлар: тарих, замонавийлик ва келажак истиқболлари» мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилади, маърузалар тингланиб, сўровномалар ўтказилади.

Музейда ахборот тизимининг яхши йўлга қўйилганлиги ва у зарур мутахассислар билан таъминлангани боис, бошқа давлат музейлари билан яқин алоқа ўрнатилган. Ҳозирги кунда музей илмий ходимлари томонидан Интернет тизими орқали кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жаҳон кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қўлёзма ва манбаларни излаб топиш, ўрганиш ҳамда имкониятдан келиб чиққан ҳолда, улардан нусхалар (ксерокопия, сканер, фотокопия) олиш ишлари йўлга қўйилган.

Музейнинг интернетда www.temurid.uz веб саҳифаси ҳам мавжуд. Бу ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги саҳифада музейда бўлаётган илмий янгиликлар, намойиш этилаётган экспозициялар, музей тадбирлари ва музейга ташриф буюраётган расмий меҳмонлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда намойиш этиб келинади. Шунингдек, музейнинг виртуал кўриниши яратилди. Унда музей заллари бўйлаб саёҳат ва экспонатларнинг 3D кўриниши акс эттирилган. Бу лойиҳа орқали фойдаланувчилар экспонатлар ҳақидаги маълумотларга батафсил эга бўлишлари мумкин. Бугунги кунда ушбу лойиҳа музейда жойлаштирилган киоскда намойиш этиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, музей ўзининг йигирма йиллик қисқа фаолияти даврида йирик илм ва маърифат марказига айланиб улгурди, чунончи, бугун бу ерда йирик темуршунос олимлар билан кенг жамоатчилик вакиллари, академиклар, фан докторлари билан биргаликда, ҳамжиҳатликда фаолият юритиб келмоқда.

*Хуршид Файзиев, директор Государственного музея истории Темуридов, кандидат исторических наук*

*В статье Государственный музей истории Темуридов для многих стал окном в историю, посредством которого его посетители получают массу достоверной информаций о личности Амира Темура, его деяниях и жизни потомков. Каждый человек, который сюда приходит, с гордостью уходит за своего великого предка, желая быть достойным его поколения и своими успехами внести свою лепту в развитие страны. Музей стал одним из самых любимых достопримечательностей жителей и гостей г.Ташкента. Со дня образования его посетили более 2 млн. человек. Музей посещают множество зарубежных государственных деятелей и официальных делегаций.* ■

Cornell University Library

We gratefully acknowledge support from the Simons Foundation and Carnegie Mellon University Libraries

# arXiv.org

Login

Search or Article-id (Help | Advanced search)

All papers Go!

Open access to 1,065,194 e-prints in Physics, Mathematics, Computer Science, Quantitative Biology, Quantitative Finance and Statistics

Subject search and browse: Physics Search Form Interface Catchup

29 Nov 2016: Alfred P. Sloan Foundation awards grant for arXiv upgrade
28 Nov 2016: Attention Submitters: Effective January 2, 2017, the daily freeze will change to 14:00 Eastern time
14 Nov 2016: arXiv and Allen Institute for Artificial Intelligence (AI2) collaborate on Semantic Scholar pilot for Computer Science papers

## Physics

- Astrophysics (astro-ph new, recent, find)
includes: Astrophysics of Galaxies; Cosmology and Nongalactic Astrophysics; Earth and Planetary Astrophysics; High Energy Astrophysical Phenomena; Instrumentation and Methods for Astrophysics; Solar and Stellar Astrophysics
- Condensed Matter (cond-mat new, recent, find)
includes: Disordered Systems and Neural Networks; Materials Science; Mesoscale and Nanoscale Physics; Other Condensed Matter; Quantum Gases; Soft Condensed Matter; Statistical Mechanics; Strongly Correlated Electrons; Superconductivity
- General Relativity and Quantum Cosmology (gr-qc new, recent, find)
- High Energy Physics – Experiment (hep-ex new, recent, find)
- High Energy Physics – Lattice (hep-lat new, recent, find)
- High Energy Physics – Phenomenology (hep-ph new, recent, find)
- High Energy Physics – Theory (hep-th new, recent, find)

arXiv.org – крупнейший бесплатный архив электронных научных публикаций по всевозможным разделам физики, математики, информатики, биологии, статистики, содержащий более 1 млн. публикаций. arXiv.org поддерживается и управляется университетской библиотекой Корнеллского научно-консультативного совета и с помощью многочисленных предметных модераторов.

Каждый месяц в arXiv.org добавляется 3000 – 4000 статей. Большинство публикаций архива доступно в исходном виде в формате TeX, но можно также скачать автоматически генерирующиеся документы в форматах PostScript и PDF.

Национальная библиотека Узбекистана имеет доступ к научно-образовательной базе arXiv.org

# ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ КИТОБЛАРДА





**Зульфия Сейтниязова,**
Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика Ахборот-ресурс маркази директори

Асрлар давомида кутубхоналарнинг бош мақсади билимли жамият қуришдан иборат бўлиб келган бўлса, китоб билимнинг бош қуроли бўлиб қолаверади. Таъкидлаш жоизки, китоблар асрлар давомида папирус, пергамант, қоғозли каби уч босқични босиб ўтган. Бизнинг давримизда эса китоблар тўртинчи, яъни электрон босқичда. Бу вазият болаларимизни китобхон этиб тарбиялашдаги тарбиячи ролидан озод этгани эмас, аскинча, тарбиячи ролини янаям муҳим ва илҳомлантирувчи шакл сифатида кўрсатади. Болаларимизнинг билимли бўлиб вояга етишида ва ўсиб ривожланишида учрайдиган бўшлиқларни тўлдиришимиз зарур. Чунки интернет, компьютер ва мобил телефонларда китобдагидек сўз сеҳри, сўз жозибаси, сўз завқи йўқ эканлигини яхши биламиз. Болаларимиз-чи? Буни биладими? Йўқ. Мана шуни болаларга тушунтириш бизнинг зиммамизга юкланади. Ҳалқимизда гап бор: «Соғинганни эслаб турмасанг, бора-бора унитилади». Китоб ўқишда ўрнак зарур. Қани энди, китобхонлик ирсиятдан берилганда эди. Бола туғилгандан бошлаб барча ота-она ўз боласининг умри йўлида муваффақиятларга эришишини истайди. Лекин биз ўзимиз қанча билимли, иқтидорли бўлмайлик, шу нарсаларни болаларимизга етказиб бера оламизми? деган савол пайдо бўлади. Ёки, болаларимизни қандай қилиб китобхон этиб тарбияласа бўлади? Мен бу саволга жавоб топиш учун кўплаб ресурслар билан танишдим ва кўплаб олимларнинг китобга бўлган қизиқишларини уйғотиш бўйича ўтказилган изланишлар исботи асосида бу мақоламни тайёрладим.



Интерактив ўқиш, бу – ота-онанинг боласи билан китоб ёнида биргаликдаги ўтгазган вақти билан чекланиш эмас, балки бу жараённинг моҳияти ота-онанинг бола билан ўзаро мулоқотида. Сабаби, психологларнинг айтишича, 7-10 ёшдаги болалар ўзига хос ривожланиш давридан ўтади. Болалар бу ёшда ўзининг аниқ ички сезгисини, онгини англайди. Ўзини бир вақтнинг ўзида катталар сингари ҳис этиш ва аста секин баҳолаш, ўзини тутиш сезгилари уйғонади. Шунинг учун ҳам, бу ёшда болалар учун ота-она, ўқитувчи ва устознинг роли жуда аҳамият касб этади. Асосан, катталарга ўзаро ва теран ишонч пайдо бўлади. Шунингдек, бу циклда болаларда асосий энергетик ресурслар ва салоҳият уйғонади. У ҳаракатчанг, жуда фаол бўлиб, ички дунёси ҳам, фикри, ақли ҳам шундай тарзга айланади. Бу цикл ота-она ва устозларга, ҳар бир содир бўлаётган воқеага асл қизиқиш уйғотишга имкон беради. Балки биз шу тасодифни ўтказиб олиб, болани умри давомида қобилиятсизликда айблаймиз!

Болага Ўқи! Ўқи! Ўқи! – деган билан у ўқимайди. Биз унинг қалбига йўл очишимиз керак ва қизиқтиришимиз керак. Бу эса катта масъулият ҳисобланади.

Китобхонликка ўргатиш бу – скрипка чалиш ёки баскетбол ўйнашни ўргатиш сингари одатий мураккаб ҳаракат.

Китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида биз кўп эшитганмиз. Бу фойда нималардан иборат?

Бизда китоб ўқиганда аниқ қандай кўникмалар яхшиланади?

Олимларнинг айтишича, инсон китобни қанча кўп ўқиса шунча бошқаларга ўхшамайди. Бундан ташқари китоб ўқиш жараёни мия ҳаракатини рағбатлантиришда аҳамиятли ижтимоий вазифага эга. Инсон китоб ўқиш орқали ўз фикрини тўғри ва тушунарли айтиш қобилиятига эга бўлади. Социологларнинг фикрича, китоб кўп ўқиган инсон, телевизор кўп кўрадиганларни бошқара олади. Телевизор номли электр ускуна инсоннинг интеллектуал ривожланишига замин бўла олмайди. Шу туфайли олимлар телевизорни 2 соатдан ортиқ кўрмасликни тавсия этади. Ҳар куни камида 2 соат китоб ўқишни маслаҳат этади. Чунки китоб ўқиш мия учун раҳмдил фойдали машқ саналади. Ўқиш пайтида қон босими бош миянинг бошқаришга жавоб берадиган ҳудудидан ташқари, «қобилият» ва «диққат» билан боғлиқ бўлимларига етиб боради. Бу дегани, таъсирчан ўқийдиган китобхоннинг миясида ҳали иштирок этмаган минтақалари ишга туширилади.

Олимларнинг айтишича, ўртача ҳар бир бола кунига телевизор олдида, компьютер ёки телефонда минимум 2 соат ўтирар экан. Дам олиш кунлари эса 8 соатдан 10 соатгача. Яъни ҳафтасига 36 соат кўпми ёки 5 соат адабиёт дарсими? Болангизнинг телевизор олдида қанча вақт ўтказиши сизга боғлиқ! Мана шу нарса китоб ўқишга мотив ёки стимул бўлиши керак! Китоб ўқишни мажбурият юзасидан эмас, балки ихтиёрий равишда амалга оширувчи болалар аввало мактабда, сўнг эса катта ҳаётда кўпроқ натижаларни қўлга киритар экан.

Ёзувчи, педагог Даниэль Пеннак таъкидлагандек: «боланинг айрим белгиланган болалик чоғи босқичларида у китоб ўқимасликка ҳаққи бор, лекин у «ўқишдан белгили бир вақтга» маҳрум бўлиши дегани эмас, жамият ҳар доим болага кўплаб ҳар хил йўлларни ва имкониятларни мафтун қилмоғи ва эзгулик оламига қайтариш лозим».




Ҳар қандай вазиятда китоб ўқишга мажбурлаш акс таъсир кўрсатади. Биз бола онгига китоб ўқишнинг фойдаси ҳақидаги фикрларни етказишимиз зарур. У китобхонлик-ни ривожлантиришга – китоб ўқишга сабаб бўлиши мумкин. Ҳар бир болага бу жараённи аҳамиятли эканлигига ишонтириш керак.

Кутубхоналар – бу, ҳақиқатдан ҳам, келажак учун катта дарвоза ҳисобланади. Ҳар доим биз янги қирраларни ўйлаб топишимиз зарур. Бир қараганда, олам жуда катта биз эса ҳар биримиз шахс сифатида унга солиштирганда жуда ҳам кичкинамиз. Лекин ҳақиқат шундан иборатки, шахс оламни ўзгартиради. Инсонлар ҳар доим янги ва янги нарсаларни ўйлаб топмоқда. Биз китоб ажойиб нарса эканлигига болаларимизни уқтиршимиз зарур. Бир вақтлари Альберт Эйнштейндан сўрашган экан: «Болаларимиз ақлли бўлиши учун нималар қилсак бўлади?» Унинг жавоби оддий ва доно бўлган. «Агар болаларингизнинг ақлли бўлишини хоҳласангиз, уларга эртак китоблар ўқинг. Агар болаларингиз ундан ҳам ақлли бўлишини хоҳласангиз, янада кўпроқ эртаклар ўқинг», деган экан.

Альберт Эйнштейндан сўрашган экан: «Болаларимиз ақлли бўлиши учун нималар қилсак бўлади?» Унинг жавоби оддий ва доно бўлган. «Агар болаларингизнинг ақлли бўлишини хоҳласангиз, уларга эртак китоблар ўқинг. Агар болаларингиз ундан ҳам ақлли бўлишини хоҳласангиз, янада кўпроқ эртаклар ўқинг», деган экан

*Зульфия Сейтниязова, директор Республиканского информационно-ресурсного центра Республики Каракалпакстан*

*Статья посвящена интерактивной работе по приобщению детей к чтению. В статье проводятся советы специалистам и родителям как следует читать детям; как убедить упрямца не желающего читать, проводит время с книгой; как извлечь из чтения вслух максимум пользы. Научить родителей читать детям правильно должно быт первоочередной задачей для библиотекарей. Родители должный создать для ребёнка опыт правильного чтения. Его суть не во в времяпровождении ребёнка и родителя за книгой, а в диалоге между ребёнком и книгой. Правильное чтение вслух может повысить интеллект ребёнка. Важен не только сам факт того, что вы читаете ребёнку, а то, как вы читаете.* ■

# ДУНЁ КУТУБХОНАСИ ЁНИНГИЗДА БУГУН





**Дилдора Холмуҳамедова,**
Адабиётларни бериш ва диспетчерлик хизмати раҳбари

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий кутбхонаси фондида фаннинг ҳамма соҳалари бўйича ҳимоя қилинган 13 мингдан зиёд докторлик ва номзодлик диссертациялари, 558 мингдан зиёд авторефератлар сақланмоқда

Кутубхоначи бўлиш велосипедчи бўлиш билан баробар, агар ҳаракатдан тўхтасанг ва олдинга интилмасанг, қулашинг муқаррар (Д. Шумахер). Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80 – 90 йилларида электрон каталог, «электрон китоб», «электрон кутубхона» деган терминлар кутубхоначилик тарихига янгилик бўлиб кириб келган бўлса, бугунги кунда бу воситалардан кутубхоначилик амалиётда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги ахборот технологиялари асрида, Интернет ва янги ахборот технологиялари ҳамма соҳада бўлгани каби, кутубхоналар фаолиятининг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Авваллари технологик тараққиёт кутубхоначилик ишига бу қадар кучли таъсир этмаган бўлса, ҳозирги вақтда кутубхоналар ўз фаолиятида туб бурилиш ясашлари ва серқирра ахборот оламида ўз фаолиятини қайтадан кашф этишдек вазифаларни юкламоқда. Ахборот технологиялари тараққиёт тезлигини тўхтатиш имкони йўқ: «Фақат тезкор ахборот магистралидан чиқмоқ мумкин, лекин бу ахборотлар оқими дунёни қамраб олишга ҳалақит қилмайди». Шиддаткор замонда ахборот ва унга бўлган талаб, уни олиш усуллари кундан-кунга ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Замонавий ахборот технологиялари кутубхоначилик тизимини шакллантиришнинг янги концепциясини ҳам тақозо қилдики, унинг асосий моҳияти ахборотларни фойдаланувчиларга тезкорлик билан етказиб беришдан иборат.

Шу тамойилларни чуқур англаган ҳолда, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг жонкуяр фидойи раҳбар ва ходимлари фойдаланувчиларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг янги усулларини иш фаолиятига жадаллик билан жорий қилиш учун замонавий лойиҳалар ишлаб чиқиш устида тинимсиз изланмоқдалар. Бу изланишлар самараси ўларок, «Ҳужжатларни электрон етказиб бериш», электрон «Имидж каталог», «Аудио ва видео мультимедия базаси», «Нодир нашрлар ва қўлёзмалар базаси» каби лойиҳалар вужудга келди. Хусусан, 2013 йилда BePro – Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаш маркази билан ҳамкорликда ишга туширилган «Диссертация ва илмий ишларнинг ягона базаси» шулар жумласидандир. Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий кутбхонаси фондида фаннинг ҳамма соҳалари бўйича ҳимоя қилинган 13 мингдан зиёд докторлик ва номзодлик диссертациялари, 558 мингдан зиёд авторефератлар сақланмоқда. Янги база ана шу илм-маърифат дурдоналарини фойдаланувчиларга қулай тарзда diss.natlib.uz сайти орқали тақдим этишни кўзда тутади.

Маълумотлар базаси интерфейси содда ва фойдаланиш учун қулай бўлиб, илмий ишлар турлари бўйича ажратилган, янги киритилган ҳужжатлар панеллари жойлаштирилган.

Интерфейснинг юқори қисмида қидирув тизими жойлашган бўлиб, бу тизимда бир қанча элементлар асосида қидирув олиб бориш имкониятини беради. Кенгайтирилган қидирув мутахассислик йўналишини қамраб олган ҳолда, муаллиф, мавзу, йўналиш шифри ва бошқалар бўйича қидирувни амалга ошириш имконини беради.

Демо кўриш тугмасини танлаш орқали, диссертацияларнинг дастлабки 15 бетини, авторефератларни эса тўлиқ матнини кўриш мумкин.

Илмий ишлар базасида ҳужжатларни ҳимоялаб кўриш имконини берувчи тизимдан фойдаланилган. Бу тизим ҳужжатларни варақлаб, тасвирлар тўплами кўринишида тақдим этади, экранни суратлашни таъқиқлайди ҳамда ҳужжатни фойдаланувчи компьютерининг доимий хотирасида сақламайди, шу йўл билан, Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи талабларини бажарган ҳолда, ба-





Демо-просмотр

АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ
имени академика С.Ю.ЮНУСОВА

На правах рукописи
УДК 547+543.42.062:543.429.23

БОБАКУЛОВ ХАЙРУЛЛА МАМАДИЕВИЧ

ПРИМЕНЕНИЕ СПЕКТРОСКОПИИ 'Н ЯМР В КОЛИЧЕСТВЕННЫХ ИЗМЕРЕНИЯХ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ХИМИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ

02.00.10 - Биоорганическая химия, химия природных и физиологически активных веществ.

ДИССЕРТАЦИЯ
на соискание ученой степени кандидата химических наук

Научный руководитель:
кандидат химических наук
Абдуллаев Н.Д.

ТАШКЕНТ-2008

NATLIB.UZ

зада мавжуд бўлган электрон илмий материалларни тақдим этиш имконини беради. Тизимда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар учун ҳужжатни тўлиқ шаклда кўриш имконияти ҳам назарда тутилган.

Шунингдек, кутубхона ўз иш фаолиятида фойдаланувчиларига хориж тажрибаларини ўрганиш учун ҳам қулайликлар яратишга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу ҳаракатлар натижасида дунёнинг йирик электрон кутубхоналари маълумот базасидан очиқ фойдаланиш учун имконият яратишга эришилди. Pro Quest Dissertation, East View Information Services, eLIBRARY.RU, Library Press Display, JSTOR («Journal Storage»), EBSCO каби хорижий илмий журналлар, онлайн газеталар киоски ва диссертациялар базалари шулар жумласидандир.

Биргина ProQuest Dissertations – базаси орқали фойдаланувчилар 1861 йилдан бошлаб инглиз тилида ҳимоя қилинган докторлик ва магистрлик ишларидан фойдаланишлари мумкин.

ProQuest Dissertations –АҚШ Конгресс кутубхонасининг расмий рақамли архиви бўлиб, аспирантлар ва тадқиқотчилар учун мўлжалланган. Маълумотлар базаси 88 мамлакатнинг 3,5 миллиондан ортиқ техника, табиий фанлар, иқтисод, тиббиёт, экология, ижтимоий фанлар, санъатга оид диссертация ва тезисларни жамлаган. Ҳар йили ҳамкорлик доирасида нуфузли 700 дан ортиқ етакчи илмий муассасаларнинг 100 мингдан зиёд янги диссертациялари рақамлаштирилади ва маълумотлар базаси тўлдириб борилади. Платформада рус тилидаги интерфейсни танлаш, мақолаларнинг қисқача шарҳини рус тилига таржима қилиш имконияти мавжуд. Бу фойдаланувчилар учун катта қулайликлар эшигини очиб берди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Россия Давлат кутубхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, бу ҳамкорлик натижасида 2007 йилдан эътиборан кутубхонанинг «Илм» диссертациялар ўқиш залида Россия Давлат кутубхонаси виртуал ўқиш зали ишга туширилган. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси №322 виртуал ўқиш зали сифатида рўйхатга олинган бўлиб, «Илм» ўқиш залида кутубхона фойдаланувчиларини виртуал ўқув залида рўйхатга олиш иши йўлга қўйилган.

Россия давлат кутубхонаси диссертациялар электрон базаси –лойиҳаси 2003 йилда ишга туширилган бўлиб, бу база ташкил этилган кунидан бошлаб ривожлантириб тўлдириб борилмоқда. Бугунги кунда базада фаннинг барча соҳалари бўйича Россия ва МДҲ

Маълумотлар базаси интерфейси содда ва фойдаланиш учун қулай бўлиб, илмий ишлар турлари бўйича ажратилган, янги киритилган ҳужжатлар панеллари жойлаштирилган

Биргина ProQuest Dissertations базаси орқали фойдаланувчилар 1861 йилдан бошлаб инглиз тилида ҳимоя қилинган 2 млн. дан зиёд докторлик ва магистрлик ишларидан фойдаланишлари мумкин




Илм залида рўйхатдан ўтган ҳар бир фойдаланувчи Россия кутубхонаси фондида фаннинг барча соҳалари бўйича Россия ва МДҲ давлатларида ҳимоя қилинган 901 800 дан зиёд диссертация ва авторефератлардан тўлиқ электрон шаклда фойдаланиш имкониятига эга

давлатларида ҳимоя қилинган 901 800 дан зиёд тўлиқ матнли автореферат ва диссертациялар Ўзбекистон, Тожикистон, Козоғистон, Озарбайжон, Венгрия, Украина, Америка Қўшма Штатлари каби дунёнинг 10 дан зиёд йирик мамлакатлари фойдаланувчиларига виртуал ўқув заллари орқали тўлиқ электрон кўринишда тақдим этилмоқда.

Россия давлат кутубхонаси виртуал ўқиш зали қисқа вақт ичида ўзига кўплаб фойдаланувчиларни жалб қилди, дастлаб 30 240 дан зиёд саҳифа кўрилишига эришилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 104 800 саҳифани ташкил этиб, қарийб 3 баробарга ошди ва бу виртуал ўқиш зали маълумотларига талаб йил сайин ортиб бораётганлигининг яққол ифодасидир.

Виртуал ўқиш залига таъриф берар эканмиз, БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан нашр этилган «Ахборот коммуникация технологиялари изоҳли луғати»да: Виртуал (ингл.:virtual) – Воқелик бўлиб кўринган, бироқ вазифалари бошқа мосламалар томонидан бажариладиган функционал мослама; Виртуал офис (ингл.: virtual office) – Компаниянинг интернет ресурслари ёки унинг қисми. У географик нуқтаи назардан узоқда жойлашган ходимларга ахборотни алмашиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқарув таъсирларини узатиш ягона тизими ёрдамида ташкилот сифатида ўзаро ишлаш имконини беради – деган таърифларни учратишимиз мумкин. Бу луғатда айнан виртуал ўқиш зали деган термин келтирилмаган бўлса-да, юқоридаги тарифларни умумлаштириб виртуал ўқув залига – географик нуқтаи назардан узоқда жойлашган фойдаланувчиларга, кутубхонанинг электрон ресурси ёки унинг қисмидан ахборот олиш, сақлаш, алмашиш имконини берувчи тизим деб қарашимиз мукин. Виртуал ўқиш залларини кутубхоналар амалиётига татбиқ этиш – хизмат кўрсатиш жараёнида янги хизмат тури бўлибгина қолмай, ахборот муҳити томонидан тақдим этилган маълумотлардан фойдаланувчилар нақадар мақбул фойдаланишлари кўрсаткичини намоён этади. Виртуал ўқиш залининг катта ютуғи, бу – ахборот фойдаланувчилари вақти ва маблағини тежаб, самарали иш фаолият юритишига кўмак беришидир.

Дастлаб келтирилган иқтибосда катта магистралда ҳаракатланаётган велосипедчига қиёсланган кутубхоначилик фаолияти ҳаракатдан тўхтагани йўқ, мутахассислар кундан-кунга янги ғоя ва таклифлар билан иш фаолиятида янгиликлар қилиш учун интилмокдалар. Кутубхонада лойиҳалаштирган Илмий ишлар базасини янада такомиллаштириш ишлари давом этмоқда, бу база келажакда юртимизнниг чекка вилоятларида, қолаверса, бошқа мамлакат кутубхоналарида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси виртуал ўқиш заллари ташкил этилиб, фондимизда сақланаётган диссертацияларни чет эл фойдаланувчиларига ҳам тақдим этиш учун замин яратади.

*Дилдора Холмухамедова, руководитель диспетчерской службы и выдачи литература*

*В статье представлена информация о виртуальном читальном зале проекта «База данных научных работ», а также о доступных зарубежных электронных ресурсах в библиотеке. Виртуальный читальный зал – это форма организации доступа к электронным библиотечным ресурсам для удаленных пользователей. Национальная Библиотека Узбекистана с 2007 г. является виртуальным читальным залом библиотеки РГБ. В настоящее время Электронная библиотека диссертаций РГБ содержит около 901 800 полных текстов диссертаций и авторефератов. Пользователи, зарегистрированные в Национальной библиотеке Узбекистана имеют доступ к этим ресурсам. Также в течение нескольких лет библиотекой разрабатываются новые инновационные проекты. На сегодняшний день в фонде Национальной библиотеки Узбекистана хранятся свыше 14 тысяч диссертаций запущенных в Республике Узбекистана и более 558 тысяч авторефератов.* ■




Научная электронная библиотека **elibrary.ru** – это крупнейший российский информационный портал в области, науки, технологии, медицины и образования, содержащий рефераты и полные тексты более 14 млн. научных статей и публикаций, библиографическую роспись 1600 российских журналов, полные тексты статей из более 930 российских журналов, списки литературы к каждой статье – более 4,5 млн. ссылок, базу данных по российским авторам – более 486 тыс. персон.

Перечисленные данные входят в состав Российского индекса научного цитирования (РИНЦ), создаваемого на базе **elibrary.ru**

Национальная библиотека Узбекистана имеет доступ к научно-образовательной базе данных **eLIBRARY.RU**

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ БИРЛАШГАН ТАРИХИЙ-МЕЪМОРИЙ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ – 120 ЁШДА






**Зубайдулло Ибрагимов,**
Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси илмий кутубхонаси мудири

Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси 1896 йилдан ўз фаолиятини олиб бормоқда

Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаёти тарихида китоб ва китобхоналар маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Китоб ўлка халқларининг нафақат моддий мероси, балки уларнинг бебаҳо маънавий бойлиги, қимматли тарихий манбаи ҳам ҳисобланади.

Китоб, китоб ўқиш маданияти, кутубхона ишлари марказлари, уларнинг маданий ҳаётдаги ўрни ва роли тўғрисида кўплаб тадқиқотлар ва мақолалар эълон қилинган. Ўзбекистон худудидаги кутубхоналар фаолияти ва шаклланиши тарихи бўйича ҳам қатор мақолалар яратилган. Уларнинг асосий қисмини араб графикасидаги қўлёзма китоблар, тошбосма нашрлар ва ҳужжатлар ташкил этади. Қўлёзмалар, уларни расмийлаштириш, китобат қилиш анъаналари ҳамда кутубхоналар Мовароуннаҳрда Аҳамонийлар давридаёқ мавжуд бўлган. Бу анъаналар кейинчалик ўзгарган кўринишда бутун Ислом оламига ҳамда Византия орқали Европага ўтган.

Кутубхоналар султон саройлари, йирик илмий маданият марказлар, ўқув юртлари қошида мавжуд бўлган. Китоблар коллекцияси мерос тариқасида ўтган, олди-сотди, мамлакатлараро савдо манбаига айланган. Кейинчалик кўплаб саводли кишилар, маҳаллий ҳукмдорлар, йирик амалдорлар, сўфийлик тариқатининг намояндалари ўзларининг кутубхоналарига эга бўлганлар. Уларнинг ўзлари ҳам буюртмачи, ҳам китобчилик ишининг ҳомийлари бўлиб танилганлар.



Бизга Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида жойлашган Сомонийлар кутубхонаси (Савониҳ-ал-ҳикма), Урганчдаги Хоразмшоҳлар (Маъмун Академияси), Темурийлар, Шайбонийлар, XVII – XX аср бошларидаги Ўрта Осиё хонликлари ҳукмдорлари кутубхоналари маълум. Ўрта Осиё чоризм томонидан истило қилингач, кўпгина тарихий қимматга эга бўлган қўлёзма китоблар турли йўллар билан Россияга, шахсий коллекцияларга ва ҳар хил жамғармаларга олиб кетилган.

Бундан ташқари, Самарқанд шаҳри эгаллганидан сўнг рус аскарлари томонидан Бибихоним жомеъ масжидида сақланаётган машҳур Усмон Қуръони ва маданий бойликларимиз олиб чиқиб кетилган. Бой тарихий меросимизни қайта тиклаш ва ўрганишда ватандошларимизда, хусусан, ёшларда тарихга меҳрни шакллантиришда кутубхоналарда сақланаётган қимматли китоблар, тарихий маълумотлар мажмуаси бўлган ҳужжатларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Мана шундай қимматли маълумотлар мажмуасига эга бўлган кутубхоналардан бири Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси тасарруфидаги илмий-методик кутубхонадир. Ҳозирги пайтда бу кутубхона фондида 26 мингдан ортиқ турли даврларда чоп этилган илмий ва бадиий китоблар, бундан ташқари, альбомлар, открирткалар, журналлар ва газеталар сақланмоқда.

Китоблар жамаланмаси, газета ва журналлар, альбом ва бошқа ёзма ашёлар алоҳида соҳалар бўйича ажратилган бўлиб, улар махсус китоб жавонларида ҳамда 2 та заҳира хонасида сақланмоқда.

Музей илмий ходимлари ва бошқа корхона-ташкилотлар, муассасалар, хусусан, таъ-





«Ал фавоид-уз-Зиёия», Абдурраҳмон Жомий
Қўлёзма. Араб тилида.1574 йилда ёзилган

лим муассасаларидан келувчи китобхонлар, тадқиқотчилар учун замон талабларига жавоб берадиган, барча шарт-шароитлар яратилган ўқув хонаси хизматда.

Айтиш жоизки, кутубхона ҳисобидаги 1917 йилгача нашр қилинган китоблар Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси бош директорининг 2016 йил февралдаги буйруғига биноан, қайта кўриб чиқилиб, далолатнома асосида фонд ҳисобига ўтказилди. Шу билан биргаликда, кутубхона ҳисобидаги китоблар жамланмаси, газета ва журналлар, альбом ва бошқалар ҳам қайта хатловдан ўтказилиб, уларнинг электрон каталоги яратилди.

Фаолият олиб бораётган кутубхона ходимлари ўқувчиларга нафақат китоб тарқатиш, шу билан биргаликда, турли илмий йўл-йўриқлар кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган музей илмий ходимлари ва йўлланма билан келаётган ходимлар ҳам кутубхонамиз фондида сақланаётган китобларимиздаги қимматли маълумотлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Мавжуд китоблар билан чекланиб қолмасдан, кутубхона фондини турли адабиётлар билан бойитиб бориш мақсад қилиб қўйилган ва у тарихий, илмий, бадиий асарлар билан бойитилмоқда.

Ҳар йили 200 дан ортиқ нусхадаги даврий нашрлар (газета ва журналлар) га обуна ташкил қилинади. Даврий нашрларга обуна бўлишдан мақсад, музейларимизда фаолият олиб бораётган барча ходимларнинг кундалик ҳаётда содир бўлаётган янгиликлардан, илмий кашфиётлар, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишларини таъминлашдир.

Бугунги кунда хорижий юртларда, жумладан, Франция, Германия, Англия, Швеция, Корея ва Япония каби мамлакатларда нашр қилинаётган китобларлар кутубхона фондидан ўрин олмоқда. Хорижий давлатлар музейлари билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари мана шундай имкониятга кенг эшик очмоқда.

Музей илмий ходимлари мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ташкил этилаётган илмий конференцияларда иштирок этиб, хорижлик хамкасблари томонидан тухфа этилган китобларни бевосита ўрганиб, улардан ўрганилган маълумотларни ўзларининг иш фаолияти ва илмий-тадқиқот ишларида амалий қўллаб келмоқдалар.

Кутубхона фондида юз йилдан буён сақланиб келинаётган китоблар, газета ва журналларда илмий изланувчилар учун муҳим бўлган тарихий воқелар, тарихий саркардалар, буюк қомусий олимлар, сўз санъаткорлари, адиблар, тарихий ёдгорликлар, олиму фузалолар, хунармандлар тўғрисидаги қимматбаҳо маълумотларни топиш ва ўрганиш мумкин.

Мозий билан бугунги кун ўртасида кўприк вазифасини ўтаётган илмий кутубхона эшиклари изланишда бўлган ҳар қандай фойдаланувчи учун доимо очиқдир.

Кутубхона ҳисобидаги 1917 йилгача нашр қилинган китоблар жамланмаси, газета ва журналлар, альбом ва бошқалар ҳам қайта хатловдан ўтказилиб, уларнинг электрон каталоги яратилди

***Зубайдулло Ибрагимов, заведующий научной библиотекой Самаркандского Государственного музея-заповедника***

*Научная библиотека Самаркандского Государственного музея-заповедника одна из старейших библиотек, которая функционирует более 100 лет. А настоящее время в библиотека насчитывает более 26 тысяч экземпляров научной литературы и подшивку газет с 1886 года. Библиотека обслуживает научных работников государственного музея-заповедника.* ■

# ОЗНАКОМИТЕЛЬНЫЙ ТУР ПО БИБЛИОТЕКАМ ГОРОДА БЕРЛИНА






**Владимир Борисов,**
руководитель службы каталогизации и систематизации Национальной библиотеки Узбекистана

Самая выдающаяся библиотека — Берлинская государственная библиотека, также известная как Берлинская государственная библиотека - Прусское культурное наследие, является крупнейшей научной библиотекой в немецко-говорящих странах

В рамках проекта «Повышение квалификации информационно-библиотечных специалистов Республики организованного совместно Национальной библиотекой Узбекистана и филиалом Гёте Института в Ташкенте с 5-15 сентября 2016 г. состоялась ознакомительная поездка в г. Берлин, Федеративная республика Германия. В ознакомительном туре приняли участие 12 специалистов информационно-библиотечной сферы из различных информационно-библиотечных учреждений республики, в том числе пять специалистов из Национальной библиотеки Узбекистана.

Целью поездки являлось изучение деятельности библиотек Берлина: особенности информационно-библиотечного обслуживания пользователей, организация процессов реставрации редких и особо ценных изданий и рукописей, ознакомление с методами оцифровки печатных документов.

Группа посетила ряд ведущих крупных библиотек Берлина.

Самая выдающаяся библиотека, расположенная в двух зданиях в городе, – Берлинская государственная библиотека, также известная как Берлинская государственная библиотека – Прусское культурное наследие, является крупнейшей научной библиотекой в немецко-говорящих странах. Основанная в 1661 году, финансируемая из Фонда прусского культурного наследия, она собирает научную литературу по гуманитарным и общественным наукам на всех языках мира и насчитывает более 11 миллионов книг.

Одно здание библиотеки, расположено на Потсдамской улице, напоминает собой гигантский корабль или как его еще называют «Книжный корабль», построенно по проекту архитектора Ганса Бернхарда Шаруна в 1967 – 1978 годах.

Второе здание находится на Унтер-ден-Линден и является центром исторических исследований. Это самое крупное историческое здание в округе Митте было возведено в 1903 – 1914 годах для Королевской библиотеки по проекту архитектора и придворного зодчего Эрнста фон Ине. В 1944 году был разрушен функциональный и архитектурный центр здания – Купольный зал. В 2000 – 2012 годах проводилась реконструкция здания с одновременным возведением новых сооружений: главного читального зала, книгохранилища открытого доступа, сейфовых книгохранилищ, читального зала редких изданий и помещений общественного назначения.

Берлинская государственная библиотека хранит в своих фондах специальные коллекции национального и мирового культурного наследия. Это около 11 490 255 – книг, 217 280 – редких изданий, 4 461 – инкунабул, 1 164 106 – картографических материалов, 466 980 – нотных изданий, 243 660 – плакатов. Также содержит 66 720 редчайших музыкальных рукописей великих композиторов (И.С. Баха, В.А. Моцарта и др.).

Уникальные рукописи партитур знаменитых симфонии Бетховена № 4, 5, 8 и 9, последняя из которых зарегистрирована программой ЮНЕСКО «Память мира».

Фонд восточных рукописей составляет – 42 170 единиц, среди которых находится еврейская пергаментная Библия и свиток Торы.

Западные рукописи насчитывают – 18 500 единиц, в коллекции которых содержатся три из девяти полностью сохранившихся рукописей в оригинале произведения «Песнь о Нибелунгах» (Nibelungenlied).

Берлинская государственная библиотека ведет огромный проект по оцифровке старинных книг и рукописей, который представлен в открытом доступе на сайте библиотеки: http://digital.staatsbibliothek-berlin.de.

В настоящее время доступно в цифровом

виде 117 355 произведений, которые можно найти по распределенным коллекциям. Сканирование и хранение на сервере производится в формате TIF, а при скачивании онлайн программа может скомпоновать файлы в формат PDF.

В библиотеках Германии принята своя научная классификация – Регенсбургская система классификации. Классификация используется для систематизации информационных массивов в библиотеках Германии. Она была разработана около 1964 года в библиотеке вновь созданного университета Регенсбурга и используется в значительной части Баварии и за её пределами как система классификации в академических библиотеках. Рабочая группа по вопросам совершенствования классификации находится в библиотеке университета Регенсбурга и сотрудничает с различными библиотеками.

Классификация состоит из 33 верхних классов и подклассов, которые обозначаются заглавными буквами латинского алфавита. Детальная классификация производится с помощью индекса, состоящего из трех до пяти цифр последовательности чисел.

Далее для формирования полочных шифров присваиваются авторские знаки по таблицам авторских знаков Каттера, по имени основателя Чарльза Каттера. В этой таблице фамилия автора соотносится с первой буквой фамилии автора и сочетанием трех или двух цифр.

Например: Древнее использование библиотек – AN 59100 H694

A – Общий раздел

AN – Библиотечное дело, Информатика

AN 50000 – AN 89900 библиотечное дело

AN 58000 – AN 64950 Биография, История

AN 59000 – AN 59600 История Библиотек

AN 59100 – античность

Авторский знак по фамилии автора Hoepfner, Wolfram – H694

При просмотре записей в электронном каталоге, можно увидеть индекс данной классификации, который является гиперссылкой



для всех записей с подобным индексом. Таким образом, можно отсортировать и просмотреть все записи в каталоге по этой теме.

Самая интересная библиотека – Американская мемориальная библиотека, являющаяся одной из крупнейших публичных библиотек в Берлине. Здание было спроектировано американскими и немецкими архитекторами. Библиотека была открыта 17 сентября 1954 года и стала центральной библиотекой Берлина.

В здании библиотеки выдаются на дом книги, видео- и аудио диски сроком на две недели. Футляры аудио- и видео- дисков защищены специальным электронным замком, который открывается, если просунуть его в специальное устройство при выходе из библиотеки, оформив предварительно заказ.

В этой библиотеке имеется небольшой киоск, на котором представлена электронная библиотека. Можно совершить поиск по категориям, просмотреть несколько страниц нужной книги и загрузить её по паролю на свое мобильное устройство. Такая книга будет доступна на устройстве пользователя в течение некоторого времени.

Посещение Берлинских библиотек обогатило группу специалистов из Узбекистана профессиональными идеями, которые с радостью будем воплощать в практику нашей работы и новые направления деятельности, внедрять новое техническое оснащение во благо наших пользователей.

В библиотеках Германии принята своя научная классификация — Регенсбургская система классификации, которая используется для систематизации информационных массивов в библиотеках

***Владимир Борисов, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг каталоглаштириш ва туркумлаштириш хизмати раҳбари***

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Республикадаги бошқа ахборот-кутубхона муассасаларидан жами 12 та мутахассис тажриба орттириш мақсадида жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентдаги Гёте институти ҳамкорлигида Германия Федератив Республикасининг Берлин шаҳридаги бир қанча йирик кутубхоналарга ташрифи ҳақида маълумотлар берилган. Асосий мақсадлардан бири – Берлин Давлат кутубхонасида фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, нодир китобларни реставрация қилиш ҳамда босма нашрларни рақамлаштириш бўйича маълумотлар бериб, имкон даражасида, улардан ўрганиш тавсия қилинган.* ■



# КАК ПИСАТЬ ПРОЕКТ ИЛИ КРАТКОЕ ОБУЧЕНИЕ ГРАНТРАЙТИНГУ?



**Ойдин Рустамова,**
ведущий специалист Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан

Хотелось бы начать словами «Добро пожаловать в мир грантрайтинга!» Но прежде, что такое «грантрайтинг». Это буквально от английского «grant writing», написание проектов для получения денежных субсидий. В любой отрасли – грантрайтинг значимый этап бизнес-процесса.

С течением времени правила грантрайтинга менялись и до сих пор продолжают меняться. Но основные моменты остались неизменными. Поэтому, чтобы помочь специалистам информационно-библиотечных учреждений с успехом преодолеть все трудности разработки и написания проектов и заявок, возникла необходимость в описании самого процесса грантрайтинга. Этот процесс я постараюсь описать, как можно проще и понятнее, на примере проектной деятельности информационно-библиотечных учреждений республики.

Как правило, искусные грантрайтеры первым делом начинают поиск доноров. То есть осуществляют файндрайзинг. Файндрайзинг – это процесс привлечения для компании или учреждения и т.д. внешних, сторонних ресурсов, необходимых для реализации или выполнения проекта.

Специалисты информационно-библиотечных учреждений Узбекистана зачастую уже обладают информацией в какие ведомства, организации, фонды и учреждения обращаться для подачи проекта. Наверное поэтому файндрайзинг в нашей стране так и не получил своего развития, в отличии от зарубежных стран.

### Обозначение проблемы

Все мы сталкиваемся с различными проблемами, как частного, так и рабочего характера, которые необходимо решить. Специалист информационно-библиотечного учреждения, которого я беру в пример, прекрасно знает все трудности и проблемы, с которыми он повседневно или иногда сталкивается в процессе своей деятельности.

Таким образом, квалифицированный специалист всегда знает свою проблему и ее ориентировочное решение.

### Давайте немного отвлечемся!

Подсчеты и расчеты! Ошибка в расчетах может вылиться в непоправимую ошибку при внедрении проекта. Поэтому всегда нужно ответственно относиться к грантрайтингу, особенно к расчетам.

### Решение проблемы

В предыдущей рубрике мы определили, что опытный специалист всегда знает свою проблему. То же можно сказать и о решении проблемы.

Возникает проблема, в той или иной степени специалист пытается ее решить своими силами, если не получается, то он предполагает, что если бы у него было бы то-то, то он бы справился с этой проблемой так-то.

Остается начинать процесс написания самого проекта – грантрайтинга, куда входит формирование каркаса проекта.

### Из чего состоит каркас проекта?

Каркас проекта это «скелет», отдельные части которого составляют основу основ проекта.

1. Проблема (актуальность проекта)

Выше мы уже рассмотрели этот раздел и что он в себя включает. Грантрайтеру требуется только вкратце его изложить. Описать его актуальность. Постараться описать проблему, при этом текст не должен превышать четырех абзацев.

1 абзац - описание негативного события.

2 абзац – выявление причины возникшего негативного явления и определение его последствия.

3 абзац – сопоставить или указать ссылки, которыми нужно было воспользоваться, но

ими не воспользовались по какой-либо причине, где нужно указать конкретные факты и проведенные мероприятия, не давшие никаких результатов.

4 абзац – подведение промежуточного итога, выраженного одним предложением, с указанием прогноза негативных последствий развития сложившейся ситуации.

**Давайте немного отвлечемся!**

Наверняка, эксперт, который принимает проект, за день должен просмотреть большое количество такого рода документов. Поэтому так важно, чтобы он мог четко и визуально понять и запомнить вашу проблему.

Если грантрайтер хорошо сформулировал свою проблему, то из этого уже возможно в дальнейшем лепить проект, т.е. продолжить грантрайтинг.

2. Цель проекта

Одним или двумя предложениями описать ту ситуацию, которая возникнет после того как решится описанная проблема, при этом отвечая на вопрос «что или кто? где? и что будет?».

Например:

Внедрение данного проекта позволит существенно сократить в N- информационно-библиотечном учреждении время на выполнение N- процесса, также уменьшит количество операций между N- процессами отделов, что увеличит производительность данных отделов в три раза.

3. Задачи проекта

Задачи проекта – это те результаты (количественные и качественные), которые можно увидеть и каким-то образом измерить.

Например:

а) провести анализ N- процессов деятельности сотрудников N- отдела информационно-библиотечных учреждений и подсчитать их трудоемкость;

б) провести мероприятия по разработке новой системы, ее внедрение и тестирование;

в) организовать Акцию, выставку и т.д.

4. Стратегия и методы проекта

В описание стратегии обычно входят основные направления деятельности по осуществлению проекта.




В описание методов проекта входят различного рода мероприятия, способствующие решению поставленных задач и достижению цели.

Примером стратегии, на основе описанного примера выше: Совместная работа между N- количеством отделов информационно-библиотечных учреждений. Для того, чтобы получить максимальный эффект от проведенной работы, разделить их на этапы.

**Какие применить методы?**

Сначала следует задать себе вопрос, а что нужно сделать, чтобы осуществить первую задачу, а именно, провести анализ N- процессов деятельности сотрудников N- отдела информационно-библиотечного учреждения и подсчитать их трудоемкость?

Нужно договориться с заинтересованными информационно-библиотечными учреждениями о времени и месте проведения эксперимента собрать рабочую группу, которая будет заниматься анализом и т.д.

Я не ставила себе цель написать обо всех этапах грантрайтинга, не хватило бы места в журнале. Вкратце могу отметить, что составив основной каркас, легче определить его продолжительность и стоимость проекта.

Надеюсь, что теперь специалисты информационно-библиотечного учреждения сможет начать писать проект, составив при этом вначале конечно его каркас.

Как правило, искусные грантрайтеры первым делом начинают поиск доноров. То есть осуществляют файндрайзинг. Файндрайзинг – это процесс привлечения для компании или учреждения и т.д. внешних, сторонних ресурсов, необходимых для реализации или выполнения проекта

*Ойдин Рустамова, Ахборот технологиялари ва комуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг етакчи мутахассиси*

*Мақолада АРМ ва АКМларнинг моддий базасини яхшилаш мақсадида грантрайтинг, яъни лойиҳа тузилмасини яратиш, жорий этиш ҳамда ҳомий донорларни излашда ёрдам берадиган жараён ҳақида сўз боради. Бу лойиҳани амалга ошириш учун бир қанча муаммоли ечимларни ҳал этишда батафсил кўрсатмалар берилган.* ■

# ЎҚУВЧИЛАРДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ – МУҲИМ ОМИЛ





**Ҳайратгул Мухторова,**
Бухоро вилоят Ахборот-ресурс маркази директори

Жамиятимизда ўқувчиларда китобхонлик маданиятини тарбиялаш ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш орқали мустақил билим олишга ёрдам сифатида ўқишга раҳбарлик қилиш, болалар ва ўсмирлар ўртасида китобхонликни юксак поғонага кўтариш ва ривожлантиришга ёрдам берадиган ғояларни жорий этиш мақсадида замон талабларига мос замонавий ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилаётган ахборот-кутубхона хизмати аҳолининг маънавий онги ва интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантиришда яхши самара бермоқда.

Вилоят ҳокимлиги Халқ таълим бошқармаси тасарруфидаги вилоят Ахборот-ресурс маркази вилоятдаги 12 та туман, шаҳар, 14 та Болалар Баркамол авлод маркази АРМлари ва 476 та мактаб кутубхоналари, 17 та Болалар мусиқа ва санъат мактаби, 4 та махсус мактаб-интернати ва Меҳрибонлик уйи кутубхоналари учун услубий марказ ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоят Ахборот-ресурс марказининг умумий ахборот кутубхона фонди 80 200 нусхани ташкил этади. 2016 йил давомида ахборот-кутубхона фонди бюджет маблағлари ҳисобидан 24 846 000 сўмлик 2 300 нусхадаги янги бадиий, илмий-омма-




боп, маънавий, ўқув методик адабиётлар билан тўлдирилди. 5 063 197 сўмлик 48 номдаги журнал ва 60 номдаги газеталарга обуна таш-кил қилинган. Фойдаланувчилар сони 6 333 нафардан иборат бўлиб, уларга 112 400 дона адабиёт ўқишга берилди. Ўқувчи-ёшлар ва аҳолининг мутолаа қилиши учун кенг имконият яратиб бериш мақсадида болалар боғчалари, шаҳардаги 1-синф ўқувчилари, вилоят ИИБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва бир қатор маҳаллаларда 15 та кўчма кутубхоналар ташкил этилиб, улардаги 3 250 нафар китобхонга 10 560 нусха адабиётлар ўқишга берилди. Шунингдек, МФЙ кўмагида ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхати тузилиб, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий абонемент ишлари ташкил этилган ва уларни қизиқарли китоблар билан таъминлаш, китоб ўқиб бериш хизмати мавжуд.

Фойдаланувчиларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш, Интернет тармоғи орқали инновацион кутубхоначилик хизмат турларини кўрсатиш, электрон каталогни шакллантириш, маънавий-маърифий тадбирларнинг сифат даражасини яхшилаш, китобхонлар ўртасида кўргазмали тарғибот ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Марказ замон талабларига мос ҳолда, 38 та компьютер, 13 та нусха кўчириш, 2 та проектор, 2 та телевизор каби техник воситалар билан таъминланди. Вилоят, туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказларининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан беғараз ёрдам сифатида 150 089 900 сўмлик моддий-техника жиҳозлари билан таъминланди. Электрон кутубхонада «Кадата» дастури асосида, умумий китоб фондининг 60 фоизи,




Вилоят, туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказларининг фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 150 089 900 сўмлик моддий-техника жиҳозлари билан таъминланди

яъни 48 600 нусха китоб электрон каталогга киритилди.

Вилоят АРМ Интернет тармоғига уланган бўлиб, мутахассис ходимлар фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиб, фаннинг турли йўналишлари бўйича маълумотларни DVD, CD дискларда, флешкалар орқали тақдим қилмоқда. Ўқувчи ёшлар учун дарсдан ташқари чуқурроқ билим олишлари мақсадида Интернет хизмати ташкил этилган. Китобхонларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида «NET CITY» компьютер клуби ташкил этилган бўлиб, компьютер ва Интернетдан фойдаланиш йўл-йўриқлари ўргатилмоқда. Бу китобхонлар учун кўпроқ ахборот олиш имконини бермоқда.

Ахборот-ресурс маркази қошида «Инглиз тилини ўрганамиз» тўгараги фаолият юритади. Замонавий ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, уйғун камол топган ўқимишли, замонавий фикрловчи ўқувчиларни тарбиялаш, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларда ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш мақсадида ўқув машғулотлар белгиланган режа асосида якка ва гуруҳли тартибда олиб борилмоқда. 2016 йилда тил ўрганувчилар сони 1 200 нафарни ташкил этди.

Ахборот-ресурс маркази мутахассислари туман(шаҳар) АРМ методистлари учун уларнинг медиасаводхонлигини ошириш, касбий билим ва кўникма ҳосил қилиш, ўз фаолиятида янги иш шаклларини татбиқ қилишга доир ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Мактабгача таълим ёшидаги болажонлар учун медиастудия ташкил этилган бўлиб, режа асосида мультимедиа ресурсларидан фойдаланган ҳолда мультфильмлар намойиш этилиб, болажонларнинг медиасаводхонлигини ошириш, фикрлаш қобилиятини ўстириш, ижодкорлигини шакллантириш мақсадида «Болаликнинг сеҳрли китоби», «Болалар китоби оламига саёҳат», «Севимли китоблар», «Эртакнинг севимли қаҳрамонлари» савол-жавоблар, овозли ўқишлар, уста-синфлар, расмли, ҳаракатли ўйинлар, қизиқарли, иллюстрацияли янги китоблар тақдимоти доимий равишда олиб борилади.

Вилоят Ахборот-ресурс марказида ўқувчи-ёшларни китобга бўлган қизиқишини кучайтириш, китоб ўқиш маданиятини шакллантириш мақсадида республикадаги «Infolib» Миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг ўтказилишидан илҳомланиб, бир қатор мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида китоб ҳафталиги ўтказилмоқда.

Электрон кутубхонада «Кадата» дастури асосида, умумий китоб фондининг 60 фоизи, яъни 48 600 нусха китоб электрон каталогга киритилди

***Хайратгул Мухтарова, директор информационно-ресурсного центра Бухарской области***

*В статье представлена инновационная комплексная программа поддержки чтения учащихся и молодёжи. Уделено внимание вопросам популяризации чтения, создания модели читательского общения, обеспечивающей совместную деятельность детей и взрослых на основе общего интереса к книге. Раскрываются формы и методы работы ИРЦ, направленные на продвижении книги и чтения, отражающие духовно-историческое наследие, интеллектуальное, нравственное достояние и ценности народа Узбекистана, а также пути формирования современной информационно-библиотечной деятельности по воспитанию информационной культуры учащихся на основе ИКТ.* ■

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ АРХИВИ ФАОЛИЯТИДАН






**Машҳура Дармонова,**
Тошкент шаҳар давлат архиви архивчиси

Архивда 1917 йилдан ҳозиргача бўлган даврдаги ҳужжатлар, жумладан, 319 491 сақлов бирлигидаги доимий сақланувчи Миллий архив фонди ҳужжатлари, 76 353 сақлов бирлигидаги узоқ муддат сақланувчи шахсий таркиб ҳужжатлари сақланмоқда

Архив – ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи давлат ёки нодавлат муассасаси бўлиб, унда мужассамлашган ҳужжатларда миллатнинг босиб ўтган тарихий йўли, маданияти, урф-одати ва қадриятлари акс этади.

Бугунги кунда архив фаолиятини ривожлантиришга, архив ишини янада такомиллаштириш, жаҳон талаблари даражасида жамиятни ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган бир қанча ҳукумат қарорлари ва меъёрий ҳужжатлар тасдиқланган.

Тошкент шаҳар давлат архивида – кўп йиллик тарихга эга бўлган, Ўзбекистон тарихи акс эттирилган корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳужжатлари, Тошкент шаҳар тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёти ва турмушига тегишли ҳужжатли ёдгорликлар, Тошкент шаҳар давлат архиви ҳужжатларини тўлдирувчи илмий-тадқиқот, ахборот, маълумот ва бошқа архив ишлари учун ишлатиладиган тасвирий, қўлёзма, матбуот ва бошқа материаллар, архив фондлари таркиби ва мазмунини очиб берувчи илмий қўлланмалар ва ҳужжатлар тўпламлари (рўйхатлар, каталоглар, йўл-кўрсаткичлар, маълумотномалар, шарҳлар, ҳисобга олиш ҳужжатлари ва бошқалар), шунингдек, архивнинг маълумот ахборот жамғармаси (МАЖ) таркибига кирувчи матбуот нашрлари ва бошқа материаллар сақланади.

Тошкент шаҳар давлат архиви 1973 йилда ташкил этилган бўлиб, унда 1917 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврдаги ҳужжатлар, жумладан, 319 491 сақлов бирлигидаги доимий сақланувчи Миллий архив фонди ҳужжатлари, 76 353 сақлов бирлигидаги узоқ муддат сақланувчи шахсий таркиб ҳужжатлари, шунингдек, шаҳар давлат архивининг Учтепа биносида 150 000 сақлов бирлигидаги шахсий таркиб ҳужжатлари сақланмоқда.

Архивга мурожаат этган фуқаролар тўғрисидаги статистик маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, давлат архивига бир кунда ижтимоий-ҳуқуқий ва мавзули сўровлар бўйича мурожаат қиладиган фуқаролар сони 100 дан зиёдни ташкил этмоқда.

Хусусан, 2016 йил давомида Тошкент шаҳар давлат архивига 810 та мавзули сўровлар асосида мурожаатлар келиб тушган бўлса, шулардан 795 таси ижобий ҳал этилди. Ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровлар эса 17 171 тани ташкил этиб, улардан 16956 таси ижобий ҳал этилди. Ушбу сўровлар архив томонидан бепул бажарилади, буларга асосан эвакуация, меҳнат стажи, иш ҳақи, тақдирланиш, ўқиш даврини тасдиқлаш, васийликка олиш каби хизматлар киради.

Мавзули сўровларга эса олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя шартномалари, ворислик ҳақидаги гувоҳномалар, қурилиш ва ижара шартномлари, ер ажратиш ҳақидаги ҳокимликлар қарорлари, фармойишлари каби сўровлар кириб, булар пуллик амалга оширилади.

Бугунги кунда нафақат архив ҳужжатларини сақлаш, балки замонавий ахборот-технологиялари ёрдамида улардан нусха кўчириш, сифатини тиклаш ва алоҳида қимматли ҳужжатларни рақамлаштириш, яъни электрон тизимга ўтказиш ишлари жадал суратларда олиб борилмоқда. Архив ўқув хонаси тадқиқотчиларга сифатли хизмат кўрсатиш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан тўлиқ таъминланган, жумладан, уларга ҳужжатлар қоғоз асосида эмас, балки электрон шаклда тақдим этилади. Натижада, архив ҳужжатига тегинмаслик, ҳужжатнинг асл ҳолати сақлаб қолинишига эришилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг вақти тежалишига ва ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилмоқда.

Тошкент шаҳар давлат архивида 38 000






сақлов бирлигидаги алоҳида қимматли ҳужжатлар рўйхатлари мавжуд бўлиб, 2015 йил давомида 200 дан ортиқ йиғма жилдлар ҳужжатларидан 31 000 дан зиёд кадрлар, яъни алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 7 фоизи рақамлаштирилди.

Тошкент шаҳар давлат архиви қошида «Ташкилотлар ҳужжатларини шартнома асосида тартибга келтириш» бўлими фаолият юритади, бўлимнинг асосий вазифалари, давлат архивининг жамлаш манбаи бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда ва бошқа идораларда сақланадиган ҳужжатларнинг қийматини экспертиза қилиш бўйича ишларни амалга ошириш, ана шу ташкилотларнинг бошқарув, илмий-тадқиқот ва бошқа махсус ҳужжатлари, шахсий таркибга оид ҳужжатлар, шахсий йиғма жилдларга илмий, техникавий ишлов беришни ташкил этиш ва ўтказишдан иборат.

Архивнинг жамлаш манбаига ҳозирги кунда 300 дан ортиқ ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар киритилган бўлиб, ушбу ташкилотларнинг идоравий архивларига иш юритиш, архив фаолияти бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатилиб келинади. Бундан асосий мақсад идоравий архивларда сақланаётган Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатларининг тарихан таркиб топган ва доимо бойитиб бориладиган Миллий архив фонди ҳужжатларини, шахсий таркиб ҳужжатларини ҳамда вақтинча сақланаётган ҳужжатларнинг ҳисобини юритишдир.

Давлат архиви жамлаш манбаи бўлган ташкилотлар, корхоналар, муассасаларда иш юритилади ва архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқади. Давлат сақловига топшириш лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини ва уларга илмий маълумотнома ахборотини (ИМА) тузади.

Тошкент давлат архивининг Учтепа биносида 600 000 дан ортиқ сақлов бирлигидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига киритилган ҳужжатларни давлат сақловига қабул қилиш шароитлари яратилди. Шунингдек, бу бинода жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш, тадқиқотчилар ва фойдаланувчилар учун ўқув заллари, жисмоний зарар етказилган ҳужжатларни тиклаш ва таъмирлаш бўйича устахона, алоҳида қимматли ҳужжатларни рақамлаштириш бўйича электрон архивлар, 20 дан ортиқ ҳужжатхоналар қуриб ишга туширилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, архивлар халқ ўтмиши, кечаги ва бугунги кун ҳужжатларини келажак авлодга етказаётган, ватан тарихини яратишда муҳим роль ўйнайдиган асосий манбалардан бири ҳисобланади. Тарихий ҳужжатлар ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир. Шунинг учун ҳам, уларни кўз қорачиғидай эхтиёткорлик билан асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг асосий вазифаси, ўтмиш ва ўзликни англатувчи бу қимматли манбани келажак авлодга тўлиқ етказиш эса инсоний бурчидир.

Архивда 38 000 сақлов бирлигидаги алоҳида қимматли ҳужжатлар рўйхатлари мавжуд бўлиб, 2015 йил давомида 200 дан ортиқ йиғма жилдлар ҳужжатларидан 31 000 дан зиёд кадрлар, яъни алоҳида қимматли ҳужжатларнинг 7 фоизи рақамлаштирилди

***Машхура Дармонова, архивист Государственного архива города Ташкента***

*В статье свете новейших знаний представлена информация о деятельности Государственного архива г. Ташкента в современный период. В частности, раскрываются мероприятия по полноценному комплектованию архива документами за период Независимости Республики, обеспечение сохранности и внедрение новых информационных технологий в архивное дело. Освещаются работы по организации и использования архивных документов. К примеру, за прошедший 2016 год было выполнено 795 тематических запросов из 810, а также 16 956 из 17 171 социально-правовых запросов граждан.* ■

# ИНФОРМАЦИОННО-РЕСУРСНЫЙ ЦЕНТР ФИЛИАЛА МГУ ИМЕНИ М.В. ЛОМОНОСОВА В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ





**Наталья Мусаева,**
директор информационно-ресурсного центра филиала МГУ имени М.В. Ломоносова в г. Ташкенте

Информационно-ресурсный центр – одно из важных структурных подразделений филиала, наиболее полно и эффективно обеспечивающий книгами, документами и информацией учебно-воспитательный процесс и научные исследования

Началу работы филиала Московского Государственного университета им. Михаила Васильевича Ломоносова в г.Ташкенте и, в его стенах, информационно-ресурсному центру, положило Постановление Президента Республики Узбекистан И.А. Каримова «Об организации деятельности филиала МГУ имени М.В. Ломоносова в г. Ташкенте» от 24 февраля 2006 года. Информационно-ресурсный центр (ИРЦ) – один из важных структурных подразделений филиала, наиболее полно и эффективно обеспечивающий книгами, документами и информацией. Учебно-воспитательный процесс и научные исследования, также являются центром по распространению знаний духовного и интеллектуального общения, культуры.

Информационно-ресурсные центры многих вузов нашей страны, а также Национальная библиотека Узбекистана оказали огромную помощь в формировании фондов ИРЦ филиала, безвозмездно прислав более 2 тысяч экземпляров учебных и общественно-политических печатных изданий. Также, было приобретено более 2 тысяч самых современных учебников и учебных пособий по направлениям образования в филиале: прикладной математике и информатике, психологии и общегуманитарным дисциплинам. Свой вклад в формирование фондов внесли Московский Государственный университет и Центр Рос-сотрудничества в Узбекистане.

Сотрудники ИРЦ обеспечивают высокую культуру обслуживания, оказывают читателям помощь в выборе необходимых произведений печати и иных материалов путем устных консультаций, справочно-библиографических и информационных материалов, проведение дней информации и других мероприятия. Создают и поддерживают комфортные условия для работы читателей.

Электронные информационные ресурсы для пользователей предоставляются через локальную сеть (ЛВС) филиала. Собственная полнотекстовая база данных ИРЦ филиала составляет 6156 наименований учебных, научных, справочных и периодических изданий, а также художественной литературы.

ИРЦ предоставляет свободный доступ к сети Интернет. Пользователи ИРЦ имеют доступ к научной библиотеке МГУ им. М.В.Ломоносова и электронным библиотекам факультетов МГУ, которые предоставляют студентам филиала возможность доступа к базам данных профильной тематики, таким как eLibrary.ru, lib.mexmat.ru, psyjournals.ru, онлайн-библиотекам издательств «ЮРАЙТ» и «ЛАНЬ» и многим другим.

Доступ к основному книжному фонду ИРЦ свободный. Для облегчения доступа к ресурсам, работниками ИРЦ по мере обращения пользователей, оказывается консультационная помощь в нахождении и выборе необходимой литературы и других информационных ресурсах. Студенты консультируются по наличию в фондах ИРЦ литературы по изучаемым дисциплинам, а также по литературе для курсовых работ и дипломных проектов. Преподаватели также получают полную информацию о наличии литературы и электронных ресурсов по читаемым ими дисциплинам. Проведётся работа по привлечению сотрудников филиала к пользованию ИРЦ, а также проводится обзор художественной и другой литературы в фондах ИРЦ.

**Информационная работа с пользователями.**

Ежегодно в первых числах сентября проводится «День информации» для студентов 1-х курсов, который включает в себя знакомство с ИРЦ, экскурсию по залам и фондам, принципами расстановки фондов, знакомство со справочно-библиографическим

аппаратом, методикой доступа к электронным информационным ресурсам, методам поиска необходимых учебных и научных изданий, видеоматериалов и пр. В этот день, также проводится регистрация вновь поступивших студентов, знакомство их с правилами пользования ИРЦ и инструктаж об оформлении полученных изданий.

В рамках традиционных научно-практических конференций, проводимых кафедрой общегуманитарных и социально-экономических дисциплин филиала организуется тематическая выставка «Пресса о нас», на которой участники конференции могут ознакомиться с последними материалами СМИ, посвященными деятельности филиала.

Сотрудники ИРЦ оказывают всестороннюю помощь кафедрам, учебному отделу, отделу «Маънавият и маърифат», студенческому совету «Камолот» филиала в проведении видеоконференцзале ИРЦ различных мероприятий и встреч, принимают активное участие на «Днях открытых дверей» в филиале. В рамках данных мероприятий только в 1 полугодии 2016 года ИРЦ филиала посетили 1 292 человека – преподавателей, студентов и гостей филиала.

**Справочно-библиографическая и информационная работа.**

Для анализа состава фонда библиотеки и анализа обеспеченности учебных курсов необходимой литературой, в библиотеке имеется:

- сводный электронный каталог, куда вносится вновь поступившая литература – 3 545 библиографических записей;

- электронная база данных статей, опубликованная в сборниках, хрестоматиях, научных журналах;

-литература, в том числе база данных опубликованных сборников речей и докладов Первого Президента Республики Узбекистан – 8 203 библиографических записи;

- алфавитный и систематический электронный каталог.

Картотека регистрации поступления периодических изданий, а также электронная база данных поступающих периодических изданий.

База данных учебной литературы формируется по двум направлениям, согласно основной учебной программой:

- полнотекстовая база электронных информационных ресурсов – 6 156 наименований, предоставляется пользователям ИРЦ через локальную сеть (ЛВС) филиала и включает в себя электронные тексты и мультимедиа-материалы;

- полученные от преподавателей МГУ учебные материалы;

- литература, взятая из сети Интернет;

- отсканированные малокомплектные учебные издания.

Ежеквартально издаются электронные версии «Бюллетеня новых поступлений в ИРЦ», которые рассылаются по электронной почте руководству филиала и преподавателям.

В 1 полугодии 2016 года были организованы 6 выставок новых поступлений в фонды ИРЦ. Проводился обзор новых поступлений для студентов и преподавателей филиала.

21 – 30 апреля 2016 г. была организована книжная выставка «В помощь изучающим английский язык». Проведена беседа у выставки с преподавателями иностранного языка, на которой преподаватели были ознакомлены с учебниками и учебными пособиями по дисциплине, а также с профессиональной, общественной и художественной литературой на английском языке, имеющейся в фонде ИРЦ филиала.

В апреле-мае 2016 года организована выставка литературы в помощь выпускникам для подготовки к Государственным экзаменам по двум направлениям обучения. Общее количество выставленных учебников и учебных пособий – 29 экз.

Подобраны издания для выставки литературы, посвященной Московскому университету в составе экспозиции филиала на



Доступ к основному книжному фонду ИРЦ свободный. Для облегчения доступа к ресурсам, работниками ИРЦ по мере обращения пользователей, оказывается консультационная помощь в нахождении и выборе необходимой литературы и других информационных ресурсов

международных выставках «Образование и карьера» в столичном дворце творчества молодежи.

В рамках подготовки к празднованию 25-летия Независимости Республики Узбекистан, а также к 10-летию образования филиала МГУ им. М.В.Ломоносова в г.Ташкенте, информационно-ресурсным центром проведена следующая работа:

1. Исследован архив фото и видеоматериалов о филиале, общий объем которого составляет более 10 Гб;

2. Сформирован архив фотографий (в электронном виде);

3. Сформирован архив видеоматериалов, включающий в себя видеосъемку мероприятий, проходивших в филиале, а также 3 видеоролика, опубликованных в СМИ и видеофильм, снятый компанией «Узбеккино» о 3-х филиалах зарубежных вузов в Ташкенте в 2010 году;

4. Видеоматериалы и некоторые фотографии переданы в Музей истории Узбекистана для оформления выставки «Развитие образования в Узбекистане за годы Независимости». Материалы будут демонстрироваться в инфокиосках музея;

5. Сформирован полнотекстовой архив статей о филиале в электронных республиканских и зарубежных СМИ за 2006 – 2016 годы;

6. Сформирован и продолжает пополняться архив газетных статей за 2006 - 2016 годы;

7. На основе данных архивов подготовлен библиографический указатель «Ташкентский филиал МГУ в республиканской и зарубежной прессе», содержащий 74 опубликованных статьи с аннотациями и фотографиями;

**Формирование и организация информационных ресурсов.**

Ежегодно книжный фонд информационно-ресурсного центра филиала МГУ им. М.В.Ломоносова в г. Ташкенте пополняется современными изданиями по направлениям обучения в филиале. На сегодняшний день фонд ИРЦ составляет 13 714 единиц хранения, в том числе 8 943 экземпляра учебной и учебно-методический литературы по направлениям образования, что даёт возможность обеспечения комплектом учебной литературы по дисциплинам всех студентов первых-вторых курсов и более 85 % студентов старших курсов.

Постоянно проводится мониторинг обеспеченности учебной литературой по дисциплинам для каждого курса на основе учебных и рабочих программ по изучаемым дисциплинам. Изучаются каталоги издательств, собираются заявки от кафедр филиала с необходимым перечнем учебных изданий, на основе которых приобретаются новейшие учебники и учебные пособия. Только в 1 полугодии 2016 года фонд пополнился 136 наименованиями различных изданий в количестве 398 экземпляров.

Также учебная и научная литература поступает в дар от преподавателей факультета психологии МГУ им. М.В.Ломоносова (Т.Ю.Базаров, А.В.Булгаков, А.С.Кузнецова, В.Ф. Петренко, Г.Н.Солнцева и многих других), кафедры интеллектуальных систем механико-математического факультета МГУ им. М.В.Ломоносова, от различных государственных и общественных организаций Республики Узбекистан. Свой вклад внесла библиотека психологической литературы им. В.В. Лучкова при факультете психологии МГУ, приславшая в дар 40 зарубежных изданий классиков психологии на английском языке.

Ежедневно поступают 29 наименований периодических изданий Республики Узбекистан, в том числе 17 наименований газет и 12 наименований журналов.

Администрация, профессорско-преподавательский состав и студенты филиала выражают свою искреннюю благодарность всем, кто внес свой вклад в пополнение книжного фонда информационно-ресурсного центра филиала, который Республики принесет неоценимую пользу в обучении и профессиональном становлении нового поколения, граждан Узбекистана.

Ежеквартально издаются электронные версии «Бюллетеня новых поступлений в ИРЦ», которые рассылаются по электронной почте руководству филиала и преподавателям

Ежегодно книжный фонд информационно-ресурсного центра филиала МГУ им. М.В.Ломоносова в г. Ташкенте пополняется современными изданиями по направлениям обучения в филиале. На сегодняшний день фонд информационно-ресурсного центра составляет 13 714 единиц хранения

*Наталья Мусаева, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали Ахборот-ресурс маркази директори*

*Мазкур мақолада Тошкентдаги нуфузли университет ахборот-ресурс марказининг 10 йил давомида амалий математика, информатика, психология ҳамда гуманитар соҳаларда мутахассислар тайёрлаш бўйича фаолияти ҳақида сўз боради. АРМ фойдаланувчилари МДУнинг барча факультетларидан ахборот олиш имкониятлари мавжуд эканлиги ҳамда сифатли маълумотлар берилиши билан бир қаторда, китобхонларга замонавий ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш ҳақида фикр юритилади.*

# LIBRARY PRESSDISPLAY

***ТЫСЯЧИ ГАЗЕТ И ЖУРНАЛОВ – ВАШЕ ОКНО В МИР***




**Library Press Display –** это самостоятельный веб-портал, запущенный в 2003 году, созданный специально для библиотек и образовательных учреждений.

**Library Press Display** стала стандартом распространения электронного новостного контента (газеты и журналы) в более чем 10 000 библиотеках по всему миру и представляет собой самый большой киоск ежедневной прессы, предлагая полные цифровые копии более 2300 газет и журналов из 100 стран на 54 языках и мгновенный перевод с 13 языков – уникальный ресурс для поиска необходимой информации.

Основные характеристики Library Press Display:
- чтение «в сети» полных цифровых копий печатных изданий;
- возможность выбора издания по стране, языку или в алфавитном порядке;
- первые полосы ведущей периодики со всего мира и показ наиболее читаемых статей;
- технология смарт навигации с широким спектром отображения информации.

Национальная библиотека Узбекистана имеет доступ к базе данных LIBRARY PRESSDISPLAY

# ОРГАНИЗАЦИЯ АРХИВНОГО ДЕЛА В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ





**Ямиля Байнова,**
архивист Государственного архива Хорезмской области

Архивному делу Хорезма – 90 лет. Архивное бюро Хорезмской области было основано в 1926 году. Архивные документы Государственного архива Хорезмской области являются неотъемлемой частью Национального архивного фонда Республики Узбекистан. Собранные и хранящиеся в нём документы имеют историческое, научное, социальное, экономическое, политическое и культурное значение, являющиеся неотъемлемой частью историко-культурного наследия народов Республики Узбекистан и подлежащих постоянному хранению. Если в 1926 году в 21 архивном фонде было 1 176 дел, в 1935 году в 46 фондах 13 тысяч дел,то на конец 2016 года количество фондов по Хорезмской области составило 1 815, а количество находящихся в них единиц хранения превысило 350 тысяч.

После обретения Узбекистаном независимости была проведена большая работа по комплектованию, учёту, хранению и использованию архивных документов с целью доведения до общественности результатов исследования различных направлений нашего прошлого и настоящего, а также организация свободного доступа к ним.

Многое изменилось в последнее время и в деятельности государственных архивов Хорезмской области.

В 2012 году Правительством страны было выделено свыше 2 миллиардов сумов на строительство, были построены новые здания государственных архивов в Хивинском, Ханкинском и Янгибазарском районе.

В госархивах области для оперативного и качественного обслуживания посетителей создана электронная база документации. Установлена программа «Система поиска архивных документов», которая постоянно пополняется новыми данными для оперативного рассмотрения обращений граждан с целью установлена наличия или отсутствия документов предприятий и организации, где они осуществляли свою деятельность, образован «ИНФОКИОСК» обращение к которому путем интерактивного общения с помощью базы данных, размещенной в нем, позволяет получить в короткие сроки достоверную и конкретную информацию. На 01.12.2016 го-

В госархива области для оперативного и качественного обслуживания посетителей создана электронная база документации. Установлена программа «Система поиска архивных документов, которая постоянно пополняется новыми данными, для оперативного рассмотрения обращений граждан





да облгосархивом исполнено 986 запросов социально-правового характера.

Вопрос использования архивных документов, имеющихся в наших хранилищах, в целях осведомления граждан о различных фактах из истории страны за разные годы имеет очень большое значение. Это помогает нам не только узнать наше прошлое, но с уверенностью смотреть в будущее.

Для граждан, занимающихся научной и исследовательской работой созданы все необходимые условия в специально отведенном для этого помещении, в читальном зале установлены кондиционер, компьютер, проектор, специальная мебель. По архивным документам написаны книги: «Йиллар ва йуллар» автор Комил Тожиев – 2006 год, «Хоразм пахта тозалаш саноати тарихи» автор Машариф Худайбергенов – 2004 год, «Ветеринария хизмати фидокорлари» автор Нурмат Нуржанов – 2008 год, «Хоразмликлар дона сурганда» автор Рустам Рахманов – 2011 год, «Хоразм саноатининг тўнғичи» автор Комил Нуржанов – 2014 год и другие.

В настоящее время архивные объекты оснащены оборудованием по поддержанию нужной температуры в хранилищах, металлическими стеллажами. Приобретены также специальные картонные коробки и металлические шкафы для хранения документов, а также системы очистки воздуха, видеонаблюдения и пожаротушения, компьютерная техника и другие необходимые средства.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об архивном деле» ведется постоянная работа по обеспечению сохранности в надлежащем состоянии документов, внедрению современных информационных и архивных технологий.

Статья 25 Закона, принятого 15 июня 2010 года, направлена на «обеспечение сохранности архивных документов» и в том числе создание на особо ценные и уникальные документы страховых копий.

С каждым годом электронные документы все больше превращаются в важнейшее средство закрепления обмена и хранения информации о современном обществе, практически все управленческие и хозяйственные субъекты в своей работе в той или иной степени используют информационные технологии. Следует ожидать, что в ближайшие годы электронные документы превратятся в серьёзные источники информации для принятия важнейших решений на всех уровнях управления.



В госархиве Хорезмской области путем изготовления электронных копий особо ценных документов, создаётся электронный фонд использования, сегодня в архиве создано более 160 тысяч электронных копии (кадров) документов.

Хорезмские архивы имеют давнюю историю, здесь хранятся документы по которым можно восстановить события минувших лет.

Трудно перечислить все виды документов, хранящихся в архиве. Они различны в зависимости от характера их учреждений, в процессе которых они откладываются, от времени их происхождения. Тысячи связок и каждое зарегистрировано, имеет свой номер и точное определенное место на стеллаже по топографическому указателю.

Архивное дело является велением жизни и времени и мы, работники этой сферы, стремимся, чтобы наша работа отвечала современным требованиям.

В госархиве Хорезмской области путем изготовления электронные копии особо ценных документов, создаётся электронный фонд использования, сегодня в архиве создано более 160 тысяч электронных копии (кадров) документов

***Ямиля Байнова, Хоразм вилояти Давлат архиви архивчиси***

*Мақолада Хоразм вилояти Давлат архиви 1926 йил ташкил қилинган бўлиб, бу йил 90 йиллик иш фаолиятини олиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб вилоят бўйича архивда материалларнинг умумий сони 350 000 минг сақлов бирлиги бўлиб, шу билан бир қаторда, ҳужжатларнинг 160 000 дан зиёди электрон шаклга ўтказилганлиги ва вилоят архиви 2012 йилда замонавий, янги қурилган бинога кўчиб ўтиб, яратилган барча замонавий имкониятлардан кенг фойдаланиб келаётганлиги ҳақида сўз боради.* ■

# ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА БЕМИННАТ КЎМАКЧИ






**Гулшан Эшонқулова,**
Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказининг Илмий-услубий бўлими бошлиғи

Бизга тарих зарварақларидан маълумки, инсоният цивилизациясида кутубхонанинг ўрни жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳар бир даврнинг буюк алломалари, олиму уламолари, фозилу фузалолари бор экан, улар атрофида илм чашмасини ёритгувчи, билимга бўлган чанқоғини қондирувчи китоблар жамланмаси – кутубхоналар ҳисобланган.

Қашқадарё воҳасининг илк университети бўлган Қарши давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс маркази ҳам фойдаланувчиларнинг илмга бўлган чанқоғини қондиришда асосий муассасаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу масканга 1946 йилда асос солинган бўлиб, ўша пайтларда фаолият юритган Педагогика билим юрти қошида ўз ишини бошлаган. 1961 йилда эса Қарши институти кутубхонаси мақоми берилган. Ўша даврда кутубхонанинг умумий фонди рус ва ўзбек тилларидаги дарсликлар, ўқув қўлланма, илмий ва бадиий адабиётлар билан сезиларли даражада ошган бўлиб, 2 285 нусхага етган. Кутубхонада харита ва санъатшуносликка оид материаллар эса 700 дан ортиқ нусхани ташкил этган. Ўша даврда тажрибали мутахассис-ходимлар 785 нафар китобхонга хизмат кўрсатган. Кутубхонада 3 та бўлим фаолият олиб борган.

Ҳозирги кунда ахборот-ресурс марказидаги дарслик, ўқув қўлланма, илмий ва услубий қўлланма, бадиий адабиётлар сони 554 000 нусхани ташкил этади.

Фойдаланувчиларни мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган янгиликлардан бохабар бўлиб боришларини таъминлаш, шунингдек, юксак ахлоқий қадриятларнинг тарғиб қилиниши, маънавий-маърифийислоҳотлар жараёни, бу борадаги муаммолар, жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттирилиши, глобал муаммолар ва улар ечимларининг ёритилиши ва инсонларнинг уларга онгли муносабатини уйғотишда дастуриламал бўлиб ҳисобланувчи 23 номдаги ўзбек ва рус тилларидаги газеталар ва 21 номдаги журналлар обунаси ҳам ташкил қилинган. Жами фойдаланувчилар сони эса 21 500 нафарни ташкил этади.

Ахборот-ресурс марказида Маркетинг ва ахборот, Илмий-услубий, Китоб сақлаш ва узатиш, Электрон ахборот-ресурс ва адабиётлар, Адабиётларга техник ишлов бериш бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу бўлимларда 37 нафар тажрибали мутахассис ходимлар хизмат кўрсатиб келишмоқда.







Аҳолининг фойдаланиши учун қулай жойларда Ахборот-ресурс марказининг 3 та бўлими фаолият юритади.

Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг тарғиб қилиш мақсадида ахборот-ресурс марказида 52 та компьютер, 2 та сканер, нусха кўчириш ускуналари, проекторлар ва 2 та Wi-Fi тармоғига уланган компьютерлар мажмуаси фойдаланувчилар ихтиёрида. Университет профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган электрон ресурслар жами 16 725 та бўлиб, дарсликларнинг электрон шакллари сони 6 492, ўқув-қўлланмалар сони 9 528 та, ўқув-услубий мажмуаларнинг электрон шакллари 705 нусха, мультимедиа ва овозли ресурслар 271 нусха ва бошқалардан иборат. АРМАТ дастурига 15 325 нусхадаги адабиётнинг библиографик ёзуви киритилди. Ахборот-ресурс маркази фонди мамлакатимизнинг турли нашриётларида чоп этилган дарслик, ўқув қўлланмалар ва бадиий адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Ҳар йили фонд 5 000 – 5 500 нусхага яқин манба билан бойитиб борилади.

250 ўринга мўлжалланган 4 та ўқув зали мавжуд бўлиб, ҳар куни 900 – 950 нафардан ортиқ фойдаланувчига хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, 6 та талабалар турар жойларида ҳам кутубхоналар мавжуд бўлиб, улар маънавият хоналари сифатида талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида фаолият олиб бормоқда. Масъул ходимлар томонидан бу маънавият хоналарига ҳам турли соҳаларга оид бўлган адабиётлар ва вақтли матбуот нашрлари бериб борилади, бу орқали фойдаланувчининг билим ва малакаларини оширишга хизмат қилинади.

Йил давомида миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган саналарга, мумтоз адабиёт намояндалари ва атоқли адиблар таваллудига бағишланган адабий кечалар ва китоб кўргазмалари, давра суҳбатлари ва тадбирлар мунтазам ўтказиб борилади.

Ҳар бир вилоятда замонавий ахборот технологиялари ва тегишли дастурий таъминот, илмий-оммабоп электрон ахборот-ресурсларини жорий қилган ҳолда, намунавий-ҳудудий ахборот-кутубхона муассасасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Шунга мувофиқ Қарши давлат университети Ахборот-ресурс маркази ҳудудий-намунавий ахборот-ресурс маркази сирасига киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим ва тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигига эришишда ахборот-ресурс марказининг ўрни жуда муҳимдир. Миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва интеллектуал ёш авлодни тарбиялаш учун китоб фондлари, маълумотларнинг электрон базалари, Интернет ресурслари орқали зарур хизматларни ташкил этиш ахборот-ресурс марказининг асосий вазифасидир.

Ушбу масканга 1946 йилда асос солинган бўлиб, ўша пайтларда фаолият юритган Педагогика билим юрти қошида ўз ишини бошлаган. 1961 йилда эса Қарши институти кутубхонаси мақоми берилган

250 ўринга мўлжалланган 4 та ўқув зали мавжуд бўлиб, ҳар куни 900 – 950 нафардан ортиқ фойдаланувчига хизмат кўрсатилади

***Гулшан Эшонкулова, заведующая научно-методического отдела информационного-ресурсного центра Каршинского государственного университета***

*В статье представлена информация о деятельности информационного-ресурсного центра Каршинского государственного университета: об условиях, созданных для пользователей, о сформированных современных видах информационных услуг, посредством организации книжных выставок и различных мероприятий. Автор отмечает особую роль информационно-ресурсных центров в современных процессах глобализации и развития общества.* ■

# ЁШ ФАРМАЦЕВТЛАР КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА






**Феруза Ахмедова,**
Тошкент Фармацевтика институти Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси

Тошкент Фармацевтика институти 1937 йилда Тошкент тиббиёт институтининг негизида ташкил топди. Ўша даврда у Ўрта Осиёда ягона фармацевтика бўйича мутахассислар тайёрлайдиган илм масканларидан бири бўлган. Бугунги кунгача кўплаб мутахассис олимларни етказиб берди. Ушбу даргоҳда кутубхона 500м$^2$ майдони эгаллаган бўлиб, фонди 1 000 га яқин китоблардан иборат бўлган. Институт олимлари кутубхона фондига ҳадя тариқасида берган адабиётларидан илмий фонд ташкил топа бошлаган. Кутубхонада 2 та ходим ишлар, кутубхона тўғри фаолиятини юритиш учун бошқа бўлимларни ҳам уларнинг ташкил қилиш ва юритиш барча бўлимларини тузиш ҳамда ташкил қилиш уларнинг зиммасига юклатилган эди. Орадан беш йил вақт ўтгач, кутубхона фонди 20 000 нусхадан ошди.

Ўтган тарихий давр давомида республикамизда фармацевт кадрлар фақат дорихона муассасалари учун тайёрланиб, олий таълим тизимида битта «Фармация» мутахассислиги мавжуд бўлган. Дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналари, клиникалар, косметик препаратлар ишлаб чиқариш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш кўзда тутилмаган эди. Ҳозирда талабаларимиз юқорида айтиб ўтилган барча корхоналарда ўз иш фаолиятини олиб бормоқдалар.

Ахборот-ресурс марказининг фонди ўзбек, рус ва хорижий тиллардаги 366 950 номдаги ресурсларга эга бўлиб, йил давомида 20 000 дан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатади

Ҳозирги кунда Фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказининг фонди ўзбек, рус ва хорижий тиллардаги 366 950 номдаги ресурсларга эга.

Фонд ўз таркибига кўра: дарсликлар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётлар, диссертациялар, авторефератлар, диплом ишлари, маъруза матнлари, вақтли матбуот, шунингдек, CD дисклар, видеокассеталар (илмий ва ўқув адабиётларнинг электрон версиялари)ни ўз ичига олади. Ахборот-ресурс марказида XVII – XIX асрлар фармациясига доир нодир нашрлар ҳам мавжуд. Институт раҳбарияти ҳамда институт изланувчилари томонидан чет эл сафарларидан олиб келинган адабиётлар АРМга беғараз ёрдам сифатида тақдим этиб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мутахассисликлар бўйича чет эл нашрларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

АРМ ходимлари хизмат кўрсатиш бўлимида, асосий ўқув зали ва электрон зал, талабалар турар жойидаги кутубхона ўқув залларида 2 500 дан ортиқ фойдаланувчи рўйхатдан ўтказилиб, йил давомида 20 000 дан ортиқ китобхонларга хизмат кўрсатади.

АРМнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳолати, шунингдек, янги замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. АРМ давлат таълим стандарти талабига жавоб берадиган замонавий компьютер техникаси (27 та компьютер, нусха кўчириш, принтер ва сканер аппарати) билан таъминланди.

АРМ нинг компьютерлари интернет тармоғига уланган ҳамда локал тармоқда фойдаланувчилар учун CD-диск ва электрон шаклдаги дарслик, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётлар, Президент асарлари, энциклопедиялар, инглиз тилидаги электрон адабиётлар, жами 4 722 та манба билан хизмат кўрсатади. Улардан 155 таси CD кўринишидаги «олтин мерос» фонди бўлиб, институт профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилган машғулотлар тасвирга туширилган. Қолган 3 431 таси харид қилинган, МДҲ давлатларидан келтирилган ва беғараз ёрдам сифатида АРМга топширилган ҳамда талабалар томонидан ҳадя қилинган электрон адабиётлардир.

Институтнинг pharmi.uz сайти орқали кутубхона базасига кириш имконияти мавжуд бўлиб, бу ерда талабалар ўзлари учун керак-





ли барча маълумотларни олишлари билан бирга, АРМнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишлари хам мумкин.

Ахборот-ресурс маркази «АРМАТ» дастурида иш фаолиятини олиб боради, ҳозирги кунга келиб электрон каталогда 33 260 та библиографик ёзув ҳамда тўлиқ матнли электрон адабиёт мавжуд.

Институтда илмий изланувчилар учун: EBSCO, Oxford University Press, ProQuest, Springer каби хорижий илмий-таълимий маълумотлар базаларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

АРМ анъанавий алифболи, тизимли, бош топографик каталоглар ҳамда библиография картотекалари асосида иш юритади. Картотекаларнинг турли мавзудалиги китобхонларга зарур материални топишга ёрдам беради. Олим Ҳ. Холматов томонидан тузилган «Доривор ўсимликлар картотекаси» АРМнинг «Олтин мероси» ҳисобланиб, у изланувчиларга, талаба ёшларга доривор ўсимликлардан фойдаланишда қулайлик яратади. «Реферетив журнал»лар картотекасини тузишда манбаа бўлиб хизмат қилади. Мазмунига кўра, бу картотекани ноёб ҳисоблаш мумкин.

Тошкент фармацевтика институти 1992 йилдан бошлаб «Фармацевтика журнали»ни чоп этади. Фармацевтика журналида мамлакатимизнинг илмий изланувчилари, институт профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари томонидан ёзилган мақолалар чоп этилади. Мақолаларда: дори воситалари, дориханалар фаолиятининг иқтисодий таҳлили, доривор ўсимликлар хусусиятлари, фармацевтикага оид барча мавзулар ва ҳ.к баён этилади.

Институт ёш илмий изланувчилари, магистрантлари ва талабаларнинг самарали таълим олишлари учун барча шароитлар мавжуд. Жумладан,фармацевтикага оид адабиётлар: кимё, фармакология, фармакогнозия, фармацевтик кимё, фармацевтик технология мутахассисларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Талабаларни билимга янада қизиқтириш мақсадида ва ҳордиқ чиқаришлари учун АРМга янги келиб тушган адабиётлар кўргазмалари, ижодий учрашувлар, викторина ўйинлари Маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда ўтказилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ахборот-ресурс маркази ёш фармацевтларни малакали бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб, юртимиз янада ривожланиши, фармацевтика соҳаси гуллабяшнаши учун бор маҳоратларини ишга солмоқдалар. Буюк олим ва табиб Абу Али ибн Сино таълимотини мукаммал ўрганиб, келажакда малакали фармацевтларнинг ортиб боришига сидқидилдан ҳаракат қилмоқдалар. Фармацевтика таълимининг келажаги замонавий жамиятнинг талабларига жавоб бера оладиган, узлуксиз ўз устида ишлаш ва касбий маҳоратини доимо ошрадиган кадрлар тайёрлаш билан боғлиқдир.

Ахборот-ресурс маркази «АРМАТ» дастурида иш фаолиятини олиб боради, ҳозирги кунга келиб электрон каталогда 33 260 та библиографик ёзув ҳамда тўлиқ матнли электрон адабиёт мавжуд

*Феруза Ахмедова, библиотекарь информационно-ресурсного центра Ташкентского Фармацевтического института*

*Ташкентский фармацевтический институт является одним из престижных высщих учебных заведений Узбекистана.*

*В статье представлена информация о картотеке материалов о лекарственных растениях, произрастающих не только в Узбекистане, но и в дальнем и ближнем Зарубежье, что представляет огромный интерес для ученых различных сфер, занимающихся научными изысканиями.*

# МАЪНАВИЯТГА ВА ЭЗГУЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ БУ – КУТУБХОНА





**Нилуфар Жабборова,**
Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят Ахборот-кутубхона марказининг Илмий-услубият бўлими мутахассиси

Оммага китоб етказиш маркази, албатта, кутубхонадир. «Агар кутубхона бўлмаганда эди, – дейди машҳур кутубхонашунос Л.Б. Хавкина, – нашр этилган мавжуд китоблар ҳамма томонга тарқалиб кетиб, комета сингари вақт ўпқонига сингиб кетарди ва улардан фақатгина библиографик маълумот қолиб, китобларсиз бу маълумотлар қабрга қўйилган тошларга ўхшаб қолар эди». Дарҳақиқат, китоб, бу – инсон ақл-заковатидан пайдо бўлиб, доимо унинг хизматида бўлган, унинг ҳаётини, дунёдаги воқеа-ҳодисаларни акс эттириб аждодларга етказиб келган битмас-туганмас ахборот манбаидир. Инсон бутун умри давомида китоб билан ҳамкор ва ҳамнафасдир. Тарихда одамлар, қабилалар, ҳатто буюк давлатлар ҳам йўқ бўлиб кетган, лекин китобда уларнинг ҳаёти сақланиб қолган. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний: «Ахборот турларидан бири, балки муҳимроғи китобат ёзувидир, агар у бўлмаганда, қадимий воқеалар, илмлар ҳақида маълумотларга эришиб бўлмас эди», деб ёзади.

Ҳужжатларни йиғиш ва сақлаш ҳамда фойдаланувчилар талабини қондириш, бу – кутубхонанинг бош вазифаси ҳисобланади.

Ана шундай масканлардан бири Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят Ахборот-кутубхона марказидир. Маскан 1974 йилнинг 2 сентябрида ўз иш фаолиятини бошлаган.

1983 йилда вилоят кутубхонасига Шароф Рашидов номи берилганидан кейин, кутубхона Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят илмий-универсал кутубхонаси деб юритила бошланди.

Аҳолини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни, уларнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда, янада кенгроқ, тизимли ахборот билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жумладан, АКМда автоматлаштирилган иш жойлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда ИРБИС ҳамда KaDaTa дастурлари асосида иш олиб борилмоқда ва ҳозирги кунгача 40 018 нусхадаги адабиётни библиографик тавсифи компьютер хотирасига туширилган. Электрон кутубхоналар яратиш борасида эса 90 нусхадаги адабиёт сканер қилиниб тўлиқ матнли маълумотлар базалари шакллантирилмоқда.

Булардан ташқари, АКМнинг барча бўлим-





лари компьютерлар билан таъминланган ва локал тармоққа уланган ҳамда алоҳида электрон ўқув зали мавжуд. АКМда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларини қондириш учун рақамли кутубхоналар, яъни электрон кутубхоналарда янги технологияларни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида компьютерлар Интернет ва «Ziyo-NET» тармоқларига уланган бўлиб, фойдаланувчилар ушбу тармоқлардан унумли фойдаланишмоқда.

Буларнинг натижасида фойдаланувчига ва ходимларга қулай шароитлар яратилди ҳамда бугунги фойдаланувчи қуйидагиларга эришди:

- ахборот-кутубхона марказидаги нафақат босма асарлардан, балки электрон шаклдаги ахборотлар, электрон китоблар, мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланиш;
- ўзига керакли ахборотни электрон қидирув дастури ёрдамида тез ва қулай топиш;
- Интернет орқали хорижий илмий-таълим электрон базаларидан фойдаланиш имкониятларига эга бўлдилар.

Ҳозирга кунда АКМда 7 та бўлим ва 4 та сектор фаолият олиб бормоқда. Жумладан:

1. Адабиётларни бутлаш, жамлама ҳисобга ва рўйхатга олиш бўлими.
2. Ҳужжатларга ишлов бериш ва каталоглаштириш бўлими.
3. Адабиётларни сақлаш бўлими.
4. Хизмат кўрсатиш бўлими.
5. Маълумотнома-библиография бўлими.
6. Ахборот технологиялари бўлими.
7. Илмий-услубият бўлими.

Секторлар:

1.Ўқув зали сектори.
2. Ёшлар билан маънавий-маърифий ишлаш сектори.
3. Электрон ўқув зали сектори.
4.Йиғма электрон каталог сектори.

Марказ жамғармаси ҳар йили фойдаланувчиларнинг талабларига асосан камида 500 – 600 номдаги адабиёт ва 70 номдаги вақтли матбуот нашри билан таъминланади.

Ҳозирги кунга келиб, АКМ жамғармасида 26 200 номда 46 400 нусхадаги адабиётлар,

## 2016 ЙИЛ КЎРСАТКИЧЛАРИ




8 600 номда 8 700 нусха электрон нашр, 240 номда 3 142 нусхадаги журнал, 300 номда 42 100 нусхадаги газетага етди.

Вилоятимизда жами 97 та АРМ 559 та кутубхона фаолият олиб боради.

Шулардан:

- Олий таълим тизимига қарашли 2 та АРМ ва уларнинг 12 филиал АРМлари;
- Касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли 39 АРМ ва 40 кутубхоналар;
- Халқ таълимига қарашли 44 АРМ ва 495 кутубхоналар;
- Тиббиёт кутубхонаси 12 та;
- Марказий ҳарбий округга қарашли кутубхоналар 8 та;
- Маданият ва спорт ишлари бошқармасига қарашли 4 та кутубхона мавжуд.

Ушбу кутубхоналар учун услубий марказ – вилоят АКМ ҳисобланади.

АКМда кутубхоначилар учун ўқув семинарлари, амалий-услубий машғулотлар, «Маҳорат» дарслари, «Компьютер саводхонлиги», «Адабиёт кунлари» каби малака ошириш дарслари ва машғулотлари ўтказиб келинади.

Кутубхоналар ижтимоий жиҳатдан муҳим маскан бўлиб, улар жамиятдаги барча каттаю кичик аҳолига хизмат қилади, китобхонларнинг талаб ва таклифлари бўйича иш олиб боради. Вилоятимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Ана шу ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда кутубхоналарнинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Марказ жамғармаси ҳар йили фойдаланувчиларнинг талабларига асосан камида 500 – 600 номдаги адабиётлар ва 70 номдаги вақтли матбуот нашрлари билан таъминланади

***Нилуфар Джаббарова, заведующая научно-методического отдела информационно-библиотечного центра Джизакской области***

*В статье освещена деятельность информационно-библиотечного центра Джизакской области имени Шарафа Рашидова: об условиях, созданных для пользователей, о сформированных современных видах информационных и эксклюзивных услуг, оказанных пользователям в рамках информационно-библиотечного обслуживания.* ■

# МУЗЕЙЛАР ҚОШИДА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ





**Камола Нишонова,**
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик кафедраси мудири

Музейларимиз томошабинларнинг ҳордиқ чиқариши, уларга ахборот бериш билан бирга, жамиятнинг маданий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади

Бугунги кунда музейлар маданий меросни сақлаш бўйича институт ролини бажармоқдалар. Музейлар ўзларининг ижтимоий вазифаларини бажариш жараёнида миллатлараро алоқаларни, турли хил маданий урф-одатлар ва халқларга таянган ҳолда, инсониятнинг диний ва маданий бирлигини сақлашга қодирдир.

Музей тушунчаси институт ёки муассаса, инсон ва унинг атрофидаги моддий ва номоддий ашёларни тўплаш, ўрганиш, экспозицияга қўйиш учун лойиҳалаштирилган махсус макон. Асрлар давомида музейларнинг шакли ва вазифалари сезиларли даражада ўзгарган.

Шу маънода Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизими мавжуд. Афсуски, шўролар даврида музейлардан мафкуравий майдон сифатида фойдаланиш жараёни рўй берди. Музейларда экспозициялар тарихий тараққиётни кўрсатувчи ашё сифатида эмас, балки мафкурага хизмат қилувчи жисмларга айланди. Натижада, тарих бузиб кўрсатилди, кўп ҳолларда сохталаштирилди.

Фақат истиқлол йилларида мамлакатимиз музейлар фондларида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой тарихини, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, боййтиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, Истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш йўлида кенг фойдаланиш тизими юзага келди.

Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда музейлар ишида туб бурилиш ясади.

Унда Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимини янада takомиллаштириш, уларнинг халқ маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос, юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шарт-шароит яратиш музейлар фаолиятини қайта ташкил этишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Музейларимиз томошабинларнинг ҳордиқ чиқариши, уларга ахборот бериш билан бирга, жамиятнинг маданий ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади.

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД МЕМОРИАЛ БОҒ-МУЗЕЙИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ







Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музейи

Бугунги кунда миллий музей фонд ишида энг долзарб масалалардан бири электрон маълумотлар базасини яратишдир. Фонд маълумотлар базасини яратиш жуда мураккаб ва узлуксиз иш. Электрон ахборот тарқатувчининг мавжудлиги, музей мутахассисларини ҳисоб ҳужжатларини қоғозга ёзиб расмийлаштиришдан ҳоли этмайди, чунки улар юридик кучга эга. Лекин фонд бўлимлари фаолиятини компьютерлаштириш, сезиларли даражада меҳнат самарадорлигини оширади, хатоликларга йўл қўйиш камаяди ва тайёрланаётган ҳужжатларга ўзгартириш киритишга имконият яратади.

Шу билан бирга, бугунги кунда республикамизда рўйхатдан ўтган 130 зиёд музейларимиз фаолият юритмоқда. Барча музейлар қошида илмий ёрдамчи фондлар – кутубхоналар мавжуд. Биргина Ўзбекистон Давлат санъат музейи кутубхонасида 23 086 нусха адабиёт шундан 40 нусхаси нодир қўлёзмалар, Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонасида 6 288 нусха, Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасида 2 864 нусха қўлёзма ва 1 639 нусха ҳужжатлар ҳамда уй-музейларда ноёб китоблар, нодир қўлёзмалар ва тошбосмалар сақланмоқда.

Ўзликни англашда, миллий маънавият ва маданиятни танитишда моддий мероснинг ўрни беқиёс. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, бир неча минг йиллик тарихга эга моддий ва номоддий мерослар қайта тикланди. Маданиятнинг барча соҳаларига катта эътибор қаратилиб, тарих саҳифаларидан ўчиб бораётган ёдгорликлар юзага чиқарилди. Жумладан, Камолиддин Беҳзод шахсига чуқур ҳурмат рамзи этиб, унинг номи билан аталувчи муҳташам музей бунёд этилди. Музей фонди ёзма манбаларга бой бўлиб, ўрта асрлардан тортиб XIX асрда битилган қўлёзма ва тошбосма китобларга эга.

Музейлар мураккаб ҳисобга олиш жараёнида фаолият олиб боради. Дастлабки ашёларни қабул қилиш далолатномалари, атрибуция, кирим китоби ва илмий рўйхатга олиш китоби, илмий паспорт (фотосуратлари билан), муаллифлик, географик, топографик, мавзули картотекаларга тўлиқ маълумотлар киритилади.

Ноёб ва нодир китоблар ҳам илмий рўйхатга олиш китобига муаллифи, яратилиш йили, яратилган жойи, ҳажми, турли хил белгилари (имзо, экслибрис), сақланиш юзасидан аниқланган барча (биологик, физик, химиявий зиёнлар) ҳолатлар ҳамда кейинги йилларда амалга оширилган реставрация жараёнлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Юқоридаги масалаларни инобатга олиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан «Очиқ таълим манбаларини ривожлантириш ва кутубхоналарда ҳужжатли меросни сақлаш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Ушбу семинарда ахборот-ресурс марказлари ходимлари билан бир қаторда, музей ходимлари ҳам иштирок этишиб, китобларни сақлаш ва таъмирлаш юзасидан тажриба алмашиб, кўплаб фойдали маълумотларни олишди.

Республикамизда рўйхатдан ўтган 130 зиёд музейларимиз фаолият юритмоқдалар. Барча музейлар қошида илмий ёрдамчи фондлар – кутубхоналар мавжуд

Ўзбекистон Давлат санъат музейи кутубхонасида 23 086 нусха адабиётлар, Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонасида 6 288 нусха, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонасида 2 864 нусха қўлёзмалар ва 1 639 нусха ҳужжатлар ҳамда уй-музейларда ноёб китоблар, нодир қўлёзмалар ва тошбосмалар сақланмоқда

*Камола Нишанова, заведующая кафедрой Музееведения Национального института художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода*

*В годы Независимости была поставлена задача формирование у народа чувства национальной гордости, любви к родной стране путем сохранения, обогащения и пропаганды музейных фондов. Поворотным пунктом в этом направлении стало принятие Закона Республики Узбекистан «О музеях». В этот период была сохранена деятельность основных музеев республики. Были приняты нормативно-правовые документы по обновлению и улучшению музейного дела, способствующие выполнению задач, поставленных перед музеями страны.*



# БУНДА ЧЕМПИОНЛАР КИТОБ ЎҚИЙДИ



**Марғуба Миёрбекова,**
Тошкент вилояти Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директори ўринбосари

Тошкент вилояти мамлакатимизда ўзига хос ўрни, нуфузи ва салоҳиятига эга. Бу масканда юзга яқин миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқликда яшаб, самарали меҳнатлари билан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Саноат шаҳри бўлган Чирчиқ шаҳри эса шу азиз масканнинг ажралмас бир қисмидир. Ана шундай бетакрор заминда жисмоний соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашдек устувор вазифа ҳам тўла-тўкис амалга оширилиб келинаяпти. Шундай билим юртларидан бири Чирчиқ Олимпия захиралари коллежидир.

Коллеж 1978 йил Республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти филиали сифатида иш бошлаган.

1990 йил эса, Чирчиқ шаҳрида мустақил Республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти фаолият юрита бошлади.

2004 – 2005 ўқув йилига қайта қуриб топширилган коллеж биноси ишга тушди. 13 500 ўринли стадион, 2 500 томошабинни қабул қила оладиган манеж, ёпиқ ва иккита очиқ бассейн, барча қулайликларга эга бўлган 300 ўринли ётоқхона, 250 ўринли шинам ошхона, 72 кв.м га эга 40 ўринли ахборот-ресурс маркази, иккита фаоллар зали, иккита лингафон хонаси, иккита информатика хонаси спортчи-ўқувчиларга хизмат қила бошлади.



Ёшларга таълим ва тарбия бериш қадим замонлардан бери жамият ва инсонлар олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Зеро болага қандай таълим ва тарбия берилса, кексаларга шундай ҳурмат, иззат ва эҳтиром кўрсатилади. Таълим ва тарбия жараёнини амалга оширишда бошқа муассасалар қатори, ахборот-ресурс марказлари ҳам ўзининг холисона ҳиссасини қўшади.

Чунки дунёда рўй бераётган барча воқеа ва ҳодисалар, янгиликлар, кашфиётлар, албатта, матбуотда ўз аксини топади. Характери, руҳий олами энди шаклланиб келаётган бола ушбу ахборотларни ўқийди, таҳлил қилади, ўзига сингдириб олади ва шу асосда тарбияланиб боради.

Шу қаторда, Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи Ахборот-ресурс марказида янги инновацион технологиялар жорий этилган бўлиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган.

Ҳозирги вақтда ахборот-ресурс марказининг умумий фонди 42 800 нусхадан ортиқ адабиётларни ташкил этади. Аҳолига қулайликлар яратиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун аҳоли гавжум жойда ахборот-ресурс марказининг бўлими ҳам фаолият олиб бормоқда. АРМ коллеж биносида жойлашган бўлиб, бунда 4 300 нусхадан ортиқ адабиёт сақланади.

Бундан ташқари, 4 000 дан ортиқ электрон матнлар, 37 нусха мультимедиа дарсликлари ҳамда 3 864 нусха электрон ресурслар билан таъминланган.

АРМ бўлими Мирзо Улуғбек номидаги 2-маҳалла, Воҳид Ҳайдаров номли 3-маҳалла, Гулистон номли 4-МҲФ ҳудудидаги 13- ва 14-мактаб ўқувчиларига ҳамда аҳолига хизмат кўрсатади. Ушбу бўлимда эса 35 704 нусхадан ортиқ адабиёт мавжуд.

Бўлимнинг 1 500 нафардан ортиқ фойдаланувчиси мавжуд. Ахборот-ресурс маркази



фойдаланувчиларга ахборотлардан фойдаланиш ва етказиб бериш учун замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган ва коллежининг web сайти www.chozk.uz да АРМ ҳақида маълумотлар ҳамда тадбирлари, қўлланмалар, бадиий адабиётлар, спортга оид адабиётлар, дарсликлар бўлимлари мавжуд бўлиб, фойдаланувчилар АРМга келган янги адабиётлар билан танишиш ҳамда уларнинг электрон вариантини юклаб олиш имкониятларига эга.

Ахборот-ресурс марказида 2016 йил учун 28 номдаги газета ва 12 номдаги журналга обуна ташкил қилинди.

Фойдаланувчиларни АРМга жалб қилиш, адабиётларни тарғиб қилиш, фойдаланувчиларни рағбатлантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш, АРМ нуфузини янада ошириш мақсадида 3 босқичдан иборат «Рекордчи китобхон», «Йил китобхони» кўрик-танловини ўтказиб бориш анъанага айланиб бормоқда. Ушбу кўрик танловлар фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда ва бу фойдаланувчиларнинг кўрик танлов қатнашчилари сонининг йил сайин ошишига туртки бўлмоқда.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар ҳамда фойдаланувчилар учун яратилаётган имкониятлар АРМнинг йиллик статистик кўрсаткичларида намоён бўлади.

2015 – 2016 ўқув йили давомида ахборот-ресурс марказига – 856 нафар китобхон аъзо бўлди, қатновлар сони – 5 462 нафар, берилган адабиётлар 16 000 нусхани ташкил қилди.

АРМ мутахассислари ахборот-кутубхона фаолияти бўйича иш жараёнларини автоматлаштириш, маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда фойдаланувчиларга янада қулай шароитлар ва имкониятлар яратиш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида «Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими» дастури асосида ахборот-ресурс маркази ходимлари учун мўлжалланган ўқув курсида ўқиб ўз кўникма, малака ва тажрибаларини янада оширмоқдалар.

Ҳозирги кунда ахборот-ресурс маркази фаолияти автоматлаштирилган бўлиб, «АРМАТ» дастурида электрон каталог шакллантирилмоқда.

Дастурда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш технологиясининг амалга оширилганлиги: китобхонларга бевосита кутубхонага келмасдан электрон каталогдан фойдаланиб буюртмалар бериш ва буюртмаларни қабул қилиш, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларни олиш имконияти яратилмоқда.

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимига 1 200 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг библиографик ёзуви киритилган. Шунингдек, 144 номда электрон матнлар дастурга уланган.

АРМнинг келажакдаги режалари ҳам талайгина, вилоятдаги, қолаверса, республикамиздаги ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, фойдаланувчиларга янада қулай имконият ва шароитлар яратиш учун МДҲ ва хорижий давлатлар кутубхоналарининг тажрибаларини ўрганиш ва амалиётда қўллаш, электрон библиографик маълумотлар базасини яратиш, мутахассисларнинг малакасини оширишни устувор вазифалар қилиб белгилаган.

Ҳозирги вақтда ахборот-ресурс марказининг умумий фонди 42 847 нусхадан ортиқ адабиётларни ташкил этади. Аҳолига қулайликлар яратиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун аҳоли гавжум жойда ахборот-ресурс марказининг бўлими ҳам фаолият олиб бормоқда

2015 – 2016 ўқув йили давомида ахборот-ресурс марказига – 856 нафар китобхон аъзо бўлди, қатновлар сони – 5 462 нафар, берилган адабиётлар 16 000 нусхани ташкил қилади

*Маргуба Миярбекова, заместитель директора по просветительской работе колледжа олимпийского резерва города Чирчика Ташкентской области*

*Колледж олимпийского резерва был основан в 1978 году и до сегодняшнего дня обучает и подготавливает молодых спортсменов по всей Республике. На базе колледжа организован информационно-ресурсный центр, который имеет фонд более 42 000 единиц хранения. Пользователи ИРЦ могут ознакомиться на страницах веб-сайта (www.chozk.uz) колледжа с мероприятими, проводымими в ИРЦ и узнавать о новых поступлениях.* ■




# ОСНОВОПОЛОЖНИК НАУКИ БИБЛИОТЕКОВЕДЕНИЯ В АЗЕРБАЙДЖАНЕ

АБУЗАР ХАЛАФОВ



**Адиля Абдуллаева,** заведующая отделом Методического обеспечения библиотек Азербайджанской национальной библиотеки, докторант НАНА, Института рукописей имени Мухаммеда Физули

Абузар Али оглы Халафов – ученый с мировым именем, выдающийся деятель культуры, заслуженный деятель науки, доктор исторических наук, почетный профессор Бакинского Государственного Университета

В декабре 2016 года исполняется 85 лет нашему дорогому и уважаемому Учителю и научному руководителю Абузару Али оглы Халафову. Юбилей Абузара-муаллима – поистине праздник для всей библиотечной, научной и культурной общественности, для каждого сердца, которому дорога национальная духовность. Заслуги этого человека перед культурой Азербайджана, развитием и процветанием библиотечного дела в республике – бесценны. Абузар Али оглы Халафов – ученый с мировым именем, выдающийся деятель культуры, заслуженный деятель науки, доктор исторических наук, почетный профессор Бакинского государственного университета (БГУ).

Основоположник библиотековедческой мысли в Азербайджане, Абузар Али оглы Халафов родился 25 декабря 1931 года в селении Джил, расположенного на территории Гейча Западного Азербайджана. В 1938-1945 обучался в семилетней общеобразовательной школе, в 1945 – 1946 году работал в колхозе им. Али Байрамова. В 1950-1955 годах обучался на библиотечном отделении филологического факультета Азербайджанского Государственного университета. В разные годы работал преподавателем, старшим преподавателем, доцентом на библиотечном факультете. В 1961 году защитил кандидатскую диссертацию на тему: «Из истории библиотечного дела в Азербайджане» (1920 – 1932)», а в 1975 году – докторскую диссертацию на тему: «Из истории библиотечного дела в Азербайджане» (1933 – 1958). Эти работы были значимыми и актуальными и отражали динамику развития библиотечного дела в Азербайджане. В 1978 году стал профессором. Он, научно обосновав цели и задачи библиотечной деятельности, тщательно изучил и ее насущные проблемы, и предложил свои пути их решения. Абузар Халафов стал первым, кто удостоился степени доктора исторических наук в области библиотековедения.

Выдающийся ученый имеет и неоценимые заслуги перед азербайджанской наукой и образованием. Так, в 1962 году по инициативе и активном участии А.А. Халафова библиотечное отделение АГУ было преобразовано в факультет Библиотековедения, и Абузар Халафов, став первым его деканом, 25 лет плодотворно трудился на этом посту. Труд Абузара муаллима не ограничивается только рамками одного факультета. Он принимает активное участие в формировании современной концепции учебного процесса университета в целом, детальной разработке функций высшего образования и его оптимизации. В настоящее время, сотни воспитанников Абузара муаллима успешно трудятся в централизованных библиотечных системах республики, в самых крупных научных и массовых библиотеках. Не случайно, что еще в 1969 году за заслуги в области подготовки научных кадров Абузар муаллим был удостоен почетного звания Заслуженного работника культуры. С 1962 года по нынешнее время он является членом Высшего Научного Совета; с 1963 по 2016 год являлся заведующим кафедрой библиотековедения.

Начиная с 60-х годов XX века, авторы всех защищенных в республике кандидатских и докторских работ в области библиотековедения и библиографоведения – в основном, являются выходцами научной школы А. Халафова. Имя А. Халафова – первого исследователя истории библиотечного дела в Азербайджане, воспитавшего не одно поколение профессиональных библиотековедов-библиографов и книговедов, создателя библиотечного факультета – известно далеко за пределами нашей Родины. Выдающийся дея-

тель науки и культуры Азербайджана Абузар Халафов отмечен и международными наградами. Так, он был избран номинантом XI издания «Международный справочник выдающихся личностей и лидеров», изданного в 2001 году Американским Биографическим институтом; был награжден почетной грамотой и золотой медалью. Более чем полувековой неустанный труд этой феноменальной личности был целиком и полностью направлен на бережное сохранение национально-культурных ценностей нашей страны.

Одновременно, ученый принимает и активное участие в научно-общественной жизни страны. Так с 1995 года по нынешнее время он является заместителем председателя Совета Ветеранов БГУ, с 1998 года – председателем Издательского совета БГУ, а также является председателем рабочей группы по подготовке проектов Закона Азербайджанской Республики «О библиотечной работе», государственных программ и других официальных документов. В 1999 году он создал первое в Азербайджане «Общество азербайджанских библиотекарей» и стал его первым президентом.

Список его заслуг огромен. Так, он является председателем НИЛ – первой научно-исследовательской лаборатории «Компьютеризация библиотечных процессов», направленной на комплексное решение проблем, связанных с компьютеризацией азербайджанских библиотек. С 2000 года он является членом-корреспондентом Международной академии по информатизации при ООН, а с 2001 года – ее действительным членом (академиком). В 2008 году стал членом рабочей группы по разработке проекта Закона Азербайджанской Республики об образовании. Основу рабочей деятельности ученого составляют: исторические проблемы культуры и формирования библиотечного дела как науки, теория и методология библиотековедения, вопросы высшего библиотечно-библиографического образования, деятельность библиотек в информационном обществе, электронное библиотековедение и исследование ряда других актуальных научных проблем.


Абузар Али оглы Халафов,
заслуженный деятель науки, доктор исторических наук,
профессор, почетный профессор
Бакинского государственного университета

С 2000 года он является членом-корреспондентом Международной академии по информатизации при ООН, а с 2001 года – ее действительным членом (академиком)

Научный потенциал ученого велик: более 300 научных трудов, 10 монографий, более 30 книг – учебников и учебных пособий. Абузар Халафов подготовил более 20 кандидатов и докторов наук.

Научный потенциал ученого велик: более 300 научных трудов, 10 монографий, более 30 книг – учебников и учебных пособий. Абузар Халафов подготовил более 20 кандидатов и докторов наук

В фундаментальном трехтомном труде «История библиотечного дела в Азербайджане», опубликованного в 2004-2010 годах, профессор Халафов впервые в историографии Азербайджана подверг тщательному анализу такие понятия, как: этапы развития книжного дела и библиотек в Азербайджане с древнейших времен до начала XXI века, возникновение письменности и библиотечной культуры – неотъемлемой части азербайджанской культуры в целом, создание алфавита, возникновение личных, общественных и духовных библиотек (при медресе), определил их роль в культурном и духовном развитии народа.

Сердце настоящего ученого по прежнему в неустанной работе и заботе о подрастающем поколении, радении о любимом деле, которому он посвятил всю жизнь.

***Адиля Абдуллаева, Озарбайжон Миллий кутубхонасининг Илмий-методика бўлими мудири, Муҳаммад Фузулий номидаги қўлёзмалар илмий текшириш институти докторанти***

*Ушбу мақола Озарбайжон Давлат университетининг фахрий профессори, тарих фанлари доктори, хизмат кўрсатган илм-фан арбоби Абузар Халафовнинг узоқ йиллик меҳнат самаралари ҳақида сўз юритилади. Ўз умрини 50 йилдан ортиқ даврини кутубхонашунослик соҳасига бағишлаган бу инсоннинг ҳозиргача 300 дан зиёд илмий ишлари, илмий монографиялари ва ўқув қўлланмалари нашр этилган бўлиб, 20 дан ортиқ фан номзоди ҳамда докторантларга устозлик қилган. 2016 йил 25 декабрда устоз-муаллим Абузар домла ўзларининг 85 ёшларини қарши олдилар.* ■

# КЎҲНА МУЗЕЙЛАР ТИЛГА КИРГАНДА





**Зумрад Аҳмедова,**
Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими

1899 йилнинг 26 май куни Фарғона вилоят халқ музейининг тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу вақтга келиб музейда 2 223 дона буюм ва китоблар билан бойиганди

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи Ўзбекистондаги энг кекса, қадимий музейлардан биридир. Ўзбекистон ҳудудида XIX аср охирларида фақат тўртта: Самарқанд (1874), Тошкент (1876), Ашхобод ва Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) музейларигина мавжуд бўлган.

Музейнинг ташкил этилиш тарихи қандай бўлган?

1894 йилнинг 16 октябрдан 17 ноябригача янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрида биринчи қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси бўлиб ўтади. Айнан шу ҳодиса шаҳар илғор жамоатчилигида Янги Марғилонда Фарғона вилояти билан янада тўлароқ ва ҳар томонлама чуқур танишиш ҳамда ўлкани ўрганиш учун музей таъсис этиш таклифини туғдирди. Бу таклифга хайрихоҳлик билдирилди ва олий вилоят маъмурияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Шу кўргазмадан қолган бир қисм коллекция, турли кишилар томонидан совға сифатида берилган айрим экспонатлар музейнинг ташкил этилиши учун асос бўлди.

Фарғона вилоят ҳарбий губернаторининг 1885 йил 2 ноябридаги буйруғига асосан музейга раҳбарлик қилиш ва янада тараққий эттириш бўйича махсус қўмита таъсис этилди ва губернатор уйининг иккинчи қаватдаги 4 та хонаси музей учун вақтинча ажратиб берилди.



«Девон». Ҳофиз Шерозий
Қўлёзма XVIII аср

1897 йилнинг 4 июлига келиб музейда 1200 дона экспонат ва китоблар мавжуд эди.

1899 йилнинг 26 май куни Фарғона вилоят халқ музейининг (унинг биринчи номи шундай эди) тантанали очилиши бўлиб ўтди. Бу вақтда музей 2 223 дона экспонат ва китоблар билан бойиган эди. Музей, одатда дам олиш ва байрам кунлари очиқ бўлган ёки вилоятга келган нуфузли меҳмонлар учун махсус очилар эди.

У Қишлоқ хўжалиги, Саноат, Табиий-тарихий, Антропология ва этнография, Археология, Нумизматика, Умумтаълим бўлимлари ва кутубхонадан иборат бўлган.

Музей аввалига фақат ихтиёрий – эҳсон ва комитет аъзоларининг бадаллари ҳисобига фаолият кўрсатган. 1900 йилга келиб, унинг коллекцияси 1 000 дан ортиқ экспонатга бойиди.

1901 йилдаги ҳисоботда музей ўзининг жамғармасидаги фотосуратлари билан 1-Туркистон Кўчма фотосуратлар кўргазмасида ва 1900 йилда Париж Бутунжаҳон кўргазмасининг Туркистон бўлимида этнография, табиий-тарихий ва саноатга оид коллекциялари билан иштирок этилганлиги айтилган.

1911 йилда шахсий хайрияларнинг кескин камайиши муносабати билан музей ёпилган.

1920 йилда қайтадан очилган музейнинг мақсад ва вазифаси ҳам бутунлай ўзгарди. Музейнинг номи эса, «Фарғона шаҳар илмий музейи» деб аталди. Музейга собиқ қишлоқ хўжалик жамиятининг биноси берилган. 1920 йилдан 1984 йилгача музей ушбу бинода иш фаолиятини давом эттирган.

1922 – 1927 йилларда музейда қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик, нумизматика, табиий-тарихий, этнография бўлимлари мавжуд бўлган.

1928 йилда эса янги – қадимшунослик бўлими очилди.

1938 йилдан музей «Вилоят ўлкашунослик музейи» сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу вақтга келиб музей кириш, табиат, тарих бўлимларига эга эди.

Музей иккинчи жаҳон уруши йилларида ўз фаолиятини янада кучайтирди, унинг ходимлари фарғоналикларнинг фронтдаги қаҳрамона жасоратлари ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнати тўғрисидаги ҳужжатлар билан янада бойитилган.

1950 – 1970 йилларда музей янада шаклланган. 1950 йилларнинг бошларида музей археологик ишларни олиб боришга астойдил киришди. Биргина 1951 йилдан 1956 йилгача музей фондларига 2731 археологик буюмлар билан тўлдирилди, ваҳоланки, музей очилган пайтда унинг фондларида фақатгина икки дона археологик буюм мавжуд эди, холос. Ҳозирги вақтда музейнинг археология фонди Фарғона водийсидаги энг бой коллекциялардан биридир. Бу ерда 8 мингдан ортиқ археологик экспонатлар сақланади.

Улар тош давридаги меҳнат қуроллари, қабрлар ва археологик текширишлар ўтказилган жойлардан топилган кулолчилик ва бронза буюмлари, шунингдек, водий ҳудудидан топилган бошқа кўплаб археологик экспонатлардан иборатдир.

1985 йилдан музей янги замонавий махсус қурилган бинода фаолият кўрсатмоқда. Музейда ўлка табиати ва Фарғона водийси тарихининг XX аср бошларига қадар бўлган даврни акс эттирувчи экспозиция мавжуд. Бу экспозициялар тарих ва маданиятимизнинг асл ёдгорликлари кўргазмаси бўлиб, уларда замонавий диорамалардан фойдаланилган. Экспозициялардан ташқари, қатор кўргазмалар мавжуд.

Аҳоли билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Музей ҳар йили 90 мингдан зиёд томошабинга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, илмий-услубий, амалий, саёҳат ташкил этиш ишлари билан ҳам келувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатилади. Музей мактаб ўқувчилари, талабалар, илмий-тадқиқотчилар учун севимли масканга айланган.

Ҳозирги кунда Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи уч қаватли замонавий бинода жойлашган бўлиб, алоҳида фонд-хоналарга ажратилган. Улар замонавий талабларга жавоб беради ва керакли жиҳозлар билан таъминланган. Шунингдек, музейда илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ишлар ва маърузалар ўтиш учун ҳам шароитлар мавжуд. Музейда кутубхона ҳам фаолият кўрсатади.



Қўқон хони Худоёрхоннинг шахсий кутубхонасидаги Қуръони Карим
Қўқон қоғози. Қўлёзма. 1870 йилда кўчирилган

Унинг фонди 12 700 нусхадан ортиқ китобдан иборат бўлиб, улар орасида ўзбек ва рус тилларидаги китоблар асосий қисмни ташкил этади. Мазкур китоблар ўлка тарихи, табиати, санъати ва маданиятига оид бўлибгина қолмасдан, бошқа турли мавзулардаги, жумладан, ижтимоий-сиёсий мавзуга доир китоблар ҳам талайгина.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходимлари Япония, Англия, Италия ва Украинанинг илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда 4 та халқаро экспедицияда иштирок этдилар.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи заҳирахоналарида барча даврларга мансуб экспонатларнинг бой коллекцияси йиғилган. Умумий ҳисобда музей экспонатларининг сони 90 мингдан ортиқ бўлиб, улардан 700 дан ортиқ экспонатлар ноёб экспонатлар жумласига киради. Буларни археологик, нумизматик, этнографик, амалий санъат, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик намуналари, қўлёзма ва қурол-аслаҳалар ташкил этади.

Масалан, археологик экспонатлар жумласига қадимги сак қозони ва билагузуги, Чуст маданиятига доир топилмалар, Оқтом ва Кўктош дафинаси, қадимги тақинчоқлар, ўрта асрга оид кулолчилик ва шиша буюмлар намуналари, темирчилик ва мисгарликка хос экспонатлар ўрин олган. Ҳозирги вақтда музейнинг нумизматика коллекциясида эрамизнинг II – I асрлар ва эрамиз бошларига мансуб Салавкий ва Кушонлар даврининг тангалари, илк ўрта асрларга оид Византия тангалари, VII – VIII асрлардаги Турк хоқонларининг тангалари, Бухорхудотларнинг дирҳамлари, Аббосийлар халифалиги даврида муомалага киритилган тангалар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлари томонидан зарб этилган кумуш, бронза, мис тангалар мавжуд.

Музейнинг қўлёзма ва ҳужжатлар коллекциясининг нодир намуналари сифатида XV ▶

1938 йилдан музей Вилоят ўлкашунослик музейи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу вақтга келиб музей кириш, табиат, тарих бўлимларига эга эди

Музейда кутубхона ҳам фаолият кўрсатиб турибди. Унинг фонди 12 700 дан ортиқ китобдан иборат бўлиб, уларнинг орасида ўзбек ва рус тилидаги китоблар асосий қисмни ташкил этади



Қўлёзма ва ҳужжатлар коллекциясининг нодир намуналари сифатида Қўқон хонларидан Мадалихон, Шералихон ва Худоёрхонлар томонидан берилган ёрлиқлар, шариат масалаларига доир «Ал-Ҳидоя», «Мухтасар ул-виқоя» китоблари ёки Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил ва шунингдек бошқа маҳаллий шоирлар ижодига мансуб қўлёзма асарларини санаб ўтишимиз мумкин

асрда ёзилган ер тўғрисидаги васиқа, Қўқон хонларидан Мадалихон, Шералихон ва Худоёрхонлар томонидан берилган ёрлиқлар, Худоёрхоннинг Қуръон китоби, шариат масалаларига доир «Ал-Ҳидоя», «Мухтасар ул-виқоя» китоблари ёки Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Бедил ва шунингдек бошқа маҳаллий шоирлар ижодига мансуб қўлёзма асарларини санаб ўтишимиз мумкин. XIX аср охири XX аср бошларидаги Фарғона вилоятининг статистик обзорлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сопол буюмлар коллекциясида бугунга келиб, унда 4 мингдан ортиқ сопол ва чинни буюмлар мавжуд. Жумладан, XVIII – XX асрга оид Риштон, Ғурумсарой кулолчилик мактаби, сопол буюмларининг нодир намуналари сақланади.

Металл экспонатлар коллекциясидан Темурийлар давридан ҳозирги кунгача бўлган даврларга мансуб металл (асосон бронза ва мис) экспонатлар ўрин олган. Уларнинг аксарияти маҳаллий мисгарлик мактаби вакиллари (Қўқон, Марғилон, Тошкент) томонидан XIX – XX асрларда ишланган анъанавий услубдаги мис буюмлардир.

Музейдаги ёғоч экспонатлар коллекциясида XIX аср ва XX аср бошларига оид ёғоч-



соз усталари томонидан ишланган кўплаб экспонатлар бор.

Мато экспонатлар коллекциясининг негизини XIX асрга оид миллий-анъанавий кийимлар ташкил этади. Шунингдек, XIX асрга оид каштачилик, читгарлик, ипак маҳсулоти намуналари ёки кейинроқ фабрикада тикилган замонавий кийимлар, «Ёдгорлик» тўқимачилик фабрикасида тўқилган ипак матолар, давлат арбоблари, таниқли санъат намоёндалари ва бошқа тарихий шахсларга тегишли кийим ва буюмлар мавжуд.

Музейнинг заргарлик буюмлари коллекциясида 500 дан ортиқ заргарлик буюмлари мавжуд. Улар, асосан, кумушдан ишланиб феруза, маржон, дур каби қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Буларнинг асосий қисми Тошкент, Қўқон ва Марғилоннинг моҳир заргарлари томонидан ишланган.

Музейнинг тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик коллекцияси музей дурдонаси ҳисобланади. Булар орасида XIX асрда яшаб ижод қилган таниқли фарғоналик рассомларининг асарлари, шунингдек ҳозирги кунда ўз асарлари билан элга танилаётган рассомларнинг ижодий намуналари ўрин олган. Ўтган асрнинг 70 йилларига келиб, ушбу коллекциядан гобеленлар ҳам ўрин ола бошлади. Ҳозирги кунга келиб бу коллекцияда 1 000 ортиқ тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва гобелен асарлари сақланади.

Вилоят ўлкашунослик музейининг 6 та тармоғи мавжуд: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи, Усмон Юсупов мемориал музейи, Ўзбекистон туман тарихи музейи, Марғилон шаҳар тарихи ва Увайсий уй музейи, Олтиариқ туман тарих музейи Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг филиалларидир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи 1957 йилда ташкил топган бўлиб, 1989 йилдан замонавий бинода фаолият кўрсатади. Музей экспозициясида экспонатлар Фарғо-

на водийсининг энг сўлим ва хушманзара масканларидан бири бўлган Шоҳимардон қишлоғининг тарихи, шунингдек, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақида атрофлича ҳикоя қилади. Музей жамғармасида 500 дан ортиқ экспонат мавжуд бўлиб, улар тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, этнография, қўлёзма-китоблар, фотосурат ва ҳужжатлардан иборат.

Ўзбекистон туман тарихи музейи 1984 йилда ташкил этилган. Музей туманнинг маданият ва истироҳат боғида жойлашган. Музей экспозициясидаги экспонатлар Ўзбекистон туман тарихи, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятларга оид. Экспозицияда туманнинг ташкил этилиши, ривожланиши XIX асрга оид мис буюмлар, кулолчилик буюмлари, этнографияга доир экспонатлар орқали акс эттирилган.

Музей жамғармасида 650 дан ортиқ экспонат мавжуд бўлиб, улар археология, этнография, тасвирий санъат, халқ амалий санъати, нумизматика, фотосурат ва ҳужжатлардан иборат.

Олтиариқ туман тарихи музейи 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, туманнинг Марказий майдонида жойлашган. Экспозиция қадимги даврдан бошлаб бугунги кунгача бўлган даврни ўз ичига олиб, эрамизнинг I – IV асрларига мансуб бўлган Зурайк момо манзилгоҳидан топилган ноёб археологик топилмалар, шунингдек, XIX асрга оид мис, кулолчилик буюмлари, этнография, нумизматика, фотосуратлар, ҳужжатлар ёрдамида ҳикоя қилади.

Музей жамғармасида 5 655 та экспонат мавжуд.

Марғилон шаҳар тарихи музейи 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, шаҳарнинг Озодлик майдонида жойлашган. Музей биноси икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда Марғилон қадимий шаҳарлардан бўлганлиги сабабли, музей экспозицияси тош асрдаги, ўрта асрдаги ҳамда XIX асрдаги Марғилон ҳақида ҳикоя қилади. Иккинчи қаватдаги


Қўқон хони Шералихон томонидан муҳрланган ер ҳужжати
Қўқон қоғози. Қўлёзма. 1842 йил

экспозиция эса тасвирий санъат асарларини намойиш этиб, Марғилонлик ҳамда фарғоналик рассомлар ижодидан намуналар ўрин олган. Музей жамғармасида тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, нумизматика, этнография, тарихий ҳужжатлар, фотосуратларга оид 5 439 та экспонат мавжуд.

Увайсий уй-музейи 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, Марғилонлик шоира Жаҳон отин Увайсий (XIX аср) туғилиб яшаган хонадонда жойлашган. Музей миллий услубда қурилган бўлиб, ёғоч ва ганч ўймакорлик билан безатилган бир қаватли бинода жойлашган. Уй олдидаги айвон ўймакор устунлар билан безатилган.

Асосий экспозиция кўргазма залида буюк шоиранинг ижодий мероси билан танишиш мумкин. Экспозициядан Увайсининг шахсий буюмлари, Бедил, Фузулий ва бошқа мумтоз адабиёт вакилларининг қўлёзма асарлари ўрин олган. Шунингдек, архив ҳужжатлари, фотоҳужжатлар, журнал ва газеталардан иборат бўлган экспонатлар намойиш этилган.

Музейда ҳаммаси бўлиб 460 та экспонат мавжуд.

Вилоят ўлкашунослик музейининг 6 та тармоғи мавжуд: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий мемориал музейи, Усмон Юсупов мемориал музейи, Ўзбекистон туман тарихи музейи, Марғилон шаҳар тарихи ва Увайсий уй музейи, Олтиариқ туман тарих музейи

*Зумрад Ахмедова, научный сотрудник Ферганского областного краеведческого музея*

*Ферганский областной краеведческий музей был основан 26 мая 1899 года.*

*В статье представлена информация о деятельности Ферганского областного краеведческого музея - одного из старейших музеев Узбекистана. Экспозиция музея насчитывает более 10 000 археологических экспонатов: произведения декоративно-прикладного искусства, коллекции риштанской и гурумсарайской керамики, чеканка, ювелирные украшения, вышивка.*

*В музее также представлена большая коллекция живописи, куда входят произведения первых ферганских художников и заканчивая работами современных авторов.* ■



# ВИЗУАЛЬНЫЕ ОБРАЗЫ ИСТОРИЧЕСКОЙ ПАМЯТИ НА СТАРИННЫХ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ КАРТАХ



**Хабибулло Нуриддинов,**
Главный специалист службы Рукописей, уникальных и особо ценных изданий Национальной библиотеки Узбекистана

Историко-географические карты мира среди которых особо выделяются представители нидерландской, фламандской, немецкой, французской и европейской школы картографии сумели донести информацию о прошлом в визуальном виде. Старинные географические карты представляют собой уникальные исторические артефакты. В них, как и на полотнах великих художников или в архитектурных шедеврах мы видим материальный слепок прошлого, остановленное время. Своими ручными трудами средневековые картографы и художники создали не просто географические карты, а своего рода порталы искусства, визуальные образы исторической памяти.

Такие старинные и уникальные атласы мира хранятся в Национальной библиотеке Узбекистана и являются единственными в своем роде в Республике Узбекистан и даже по региону Центральной Азии. Такие атласы как:

- «Атлас мира» (шифр: Пе-3191), который собран из карт известных картографов Европы XVI – XVIII вв.;
- «Атлас мира Гомана» (в двух экземплярах, шифры: Пи-3195 и Пи-3515);
- «Универсальный географический атлас Гатри» в приложении к 9-ти томному произведению «Универсальная география…» на французском языке (шифр: По-2887) и другие.




«Карта мира», Карл Аллард. 1685 г.
(Allard C. «Novissima Totius Orbis Tabula»)

Создание таких атласов приходиться к расцвету западноевропейской картографической науки, после того как благосостояние Италии оказалось подорванным вследствие перемещений торговых путей из Средиземного моря в Атлантику. В результате владениям регионам Османской империей, центр западноевропейской картографической деятельности переместился во второй половине XVI в. в Нидерланды, Бельгию, Германию и Францию самые богатые и передовые в экономическом отношении страны Европы того времени. Вершина западноевропейских школ по картографии были достигнуты в трудах Г.Меркатора (1512 – 1594), Й.Хондиуса (1563 – 1612), Я.Блау (1596 – 1673), Й. де Рама (1648 – 1693), Ф.де Вита (1610 – 1706), К.Алларда (1648 – 1709), Ж.Вака (1652 – 1726), И.Гомана (1664 – 1724), М.Суттера (1678 – 1757) и других.

Кроме того мощным стимулом к подъему картографии в Европе были великие географические открытия XV – XVI вв., которые привели к неслыханному развитию мореплавания, колонизации и торговли. У мореплавателей, колонизаторов, торговцев возросла потребность в правдивых географических картах. Карта получила всеобщее признание и распространение. Вместе с тем широкий спрос на географические карты повлек за

собой появление большого числа частных картографических предприятий, основанных на коммерческом интересе. Вплоть до XVIII в. в Западной Европе внимание государственного аппарата к картографическим работам было велико. В итоге накопился огромный материал, коренным образом изменивший географические представления о Земле.

В первой половине и середине XVI в. карты изготовляли мастера-ремесленники, объединенные в цеховые сословные организации. Такая организация дела при трудоемкости гравюры и иллюминовки была пригодна для выпуска отдельных карт малыми тиражами, но создание многолистных карт и особенно географических атласов, требовавших затраты огромного труда, не могло быть достигнуто усилиями двух-трех работников. Необходимо было кооперировать усилия, что первоначально достигалось расширением цеховой мастерской посредством увеличения числа работников, но еще без разделения труда. Многие картографы имели свои частные картографические заведения, в котором размещались отделение гравюры, картопечатный цех, типографский цех, литейная для шрифтов, корректорское отделение и ряд других служебных помещений. Картографическое, издательское и т.п. ремёсла в Европе передавались от поколения к поколению, т.е. развивались в семейных, родственных кругах. Например, Н. Фишер, К. Аллард, И. Гоман, М. Суттер и др. являются выходцами из семьи картографов, гравёров, художников, издателей и это продолжалось до появления современных печатных станков различного вида.

Развитие картографии в разных странах имело свои особенности, отражавшиеся на содержании и внешнем виде географических карт. Поэтому вполне различимы картографические школы: фламандская, голландская, немецкая, французская и др. В атласах можно проследить различия картографических школ по бумаге, чертежам, использованным чернилам, изображениям, начертанным на карте рисункам и другим свойствам карт. Например, девятая карта в Атласе мира (шифр: Пе-3191) «De Rivier van Londen/ Engelandt» («Устье реки Темза/Англия») изображен в батальном жанре изобразительного искусства устье реки Темзы и её дельты, впадающей в Северное море, где не указаны место и дата создания, а также имя автора. Но по сопоставлению рисунок, чертежей, бумаг и другим свойствам карт в атласах можно определить, что они вполне соответствуют работе голландского картографа и гравёра К. Алларда. Или же по исследованиям через Интернет подобной однозначной темой карт других авторов, выяснилось, что под этим названием карта выполнена другим голландским картографом Питером Гусом (1616 – 1675) и была издана только после его смерти в 1676 г. Значит карта по этой теме К. Алларда выполнена после 1676 года. Кроме того очень отличаются по свойству материалов и выполнению картографических изображений немецкие и французские картах, у которые храняется в фонде Национальной библиотеке Узбекистана.




**«Устье реки Темза / Англия», Карл Аллард. 1680 г.**
(Allard C. «De Rivier van Londen / Engelandt»)

Для своего дальнейшего развития картография нуждалась в научном обосновании, в строгом критическом сопоставлении и оценке источников. Это направление начал фламандский географ и картограф Герард Меркатор, впервые применивший равноугольную цилиндрическую проекцию в большой карте мира «Для мореплавателей» 1569 г. и капитальном атласе 1595 г., где пояснил ее значение, удобства и способы применения для навигации, положив тем самым начало разработке научных методов использования карт. Атлас Меркатора – результат подлинного научного творчества – представил явление нового порядка по относительной точности и богатству содержания, внутреннему единству, пониманию математических принципов

Такие старинные и уникальные атласы мира хранятся в Национальной библиотеке Узбекистана и являются единственными в своем роде в Республике Узбекистан и даже по региону Центральной Азии




«Гибралтарский пролив», Иоганн Гоманн. 1730 г.
(Homann J.B. «Accurate Vorstellung der Beruhmten Meers-enge bey Gibraltar…»)

построения карт, достоинств и несовершенств различных проекций.

Метод Меркатора можно проследить в «Атласе мира» (шифр: Пе-3191), где собраны карты вышеуказанных картографов и приводятся по одному экземпляру в следующем порядке: Allard C. «Novissima Totius Orbis Tabula» («Карта мира»); Homann J.B. «Accurate Vorstellung der Beruhmten Meers-enge bey Gibraltar …» («Гибралтарский пролив»); Seutter M. «Siciliae Regnum cum adjacente Insula Sardinia et maxima parte Regni Neapolitani» («Королевство Сицилии, остров Сардиния и Королевство Неаполь»); Sanson N. «Le Cours de la Rivière du Rhein...» (Суверенные страны по течению реки Рейна); Visscher C.J. «Ducatus Iuliacensis. Clivensis. Montensis: et Comitatus Marciae et Rapens-Bergae» («Герцогство Юлих-Клеве-Берг»); De Wit F. «Ducatus Wirtenbergensis» («Герцогство Вюртемберг»); Mercator G. «Bavaria ducatus» («Баварское княжество»); Valck G. «Saxoniae» («Саксония»); De Ram J. «Regni Poloniae et ducatus Litvaniae, Voliniae, Podoliae, Ucraniae, Prussiae, Liviniae et Curlandiae» («Речь Посполитая»); Lauremberg J. «ΕΛΛΑΣ seu Graecia Universa» («Эллада или Греция») и др.

В области картографии технологии постоянно совершенствовались в целях удовлетворения потребностей новых поколений картографов и пользователей карт. Первые карты были сделаны вручную с помощью кистей и пергамента и, следовательно, были разнообразны по качеству, а также ограниченными в распространении. Появление компаса, типографии, телескопа, секстанта, квадранта и нониуса позволило создавать более точные карты и дало возможность делать точные репродукции.

Гринвичский меридиан стал международной точкой отсчета с 1884 г. С этого момента и с начала XX века карты стали более подробными благодаря улучшениям печати и фотографии, которые сделали производство карт дешевле и проще. Кроме того, начали активно развиваться дистанционное методы зондирования Земли сначала аэрофотосъемка, с запуском первых спутников – космическая съемка, что позволило получить подробные карты всей поверхности Земли.

В конце XX века достижения в области электронных технологий привели к новой революции в области картографии. Особенно такие устройства как плоттеры, принтеры, сканеры, аналитические стерео плоттеры, которые наряду с визуализацией, обработкой изображений, пространственным анализом и управлением базами данных, сделали производство печатных карт более простым, в частности, позволили производить карты, с различными характеристиками, без необходимости гравировки новой печатной пластинки.

С появлением современных информационных технологий начались совершенство-



ваться сайты антикварных карт многих цифровых библиотек, музеев, аукционных домов и других учреждений многих развитых западных стран. Некоторые экземпляры географических карт в «Атласе мира» существуют на многих нижеследующих зарубежных сайтах:

1. http://www.historicmapworks.com/;
2. http://www.geographicus.com/;
3. https://www.sanderusmaps.com/;
4. https://antiqueprintmaproom.com/;
5. http://www.vintage-maps.com/;
6. http://www.donaldheald.com/;
7. http://www.raremaps.com/;
8. http://www.plantijnmaps.com/;
9. http://www.aradernyc.com/;
10. http://www.classicalimages.com/;
11. http://www.themaphouse.com/;
12. http://www.oldworldauctions.com/ и др.

На перечисленных сайтах, специализирующихся именно на антикварных картах можно просматривать на экране карты или атласы.

Стоит отметить, что по всей республике остро стоит вопрос качественного передактирования оцифрованных карт, атласов и других графических изображений, которые до включения их в централизованный электронный ресурс учреждения. Требуют качественного набора и релевантного ранжирования информации. Это касается локальных сетей при фасетном отборе информации, где качество библиографических записей, любые неточности, неполнота записей влияют на эффективность поиска. Для специалистов по этому направлению стоит вопрос тщательного изучения и создания программ для таких графических материалов. В




этом деле надо изучать опыт ведущих стран и кроме вышеперечисленных сайтов использовать сайты других зарубежных учреждений, специализирующихся в этой сфере. Кроме того для качественного ввода вышеперечисленных электронных картографических и других видов чертёжных ресурсов, надо улучшить веб страницу и надо создать отдельный блок в сайте «nodir.natlib.uz», например «Графические ресурсы». По настоящее время в сайте «nodir.natlib.uz» существует четыре вида блока электронной записи редких ресурсов, это: «Книги», «Рукописи», «Альбомы» и «Периодика», а для изографических, картографических и других видов чертёжных ресурсов блок электронного ввода отсутствует.

С появлением современных информационных технологий начались совершенствоваться сайты антикварных карт многих цифровых библиотек, музеев, аукционных домов и других учреждений многих развитых западных стран

***Ҳабибулло Нуриддинов, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Қўлёзмалар, нодир ва ноёб нашрлар хизмати бош мутахассиси***

*Мақолада Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган қадимий дунё атласлари ҳақида сўз юритилади. Ушбу атласлар жаҳонда кам сонда сақланиб қолган бўлиб, улар ҳозирги вақтда ривожланган Ғарб давлатларининг кутубхоналарида, музейларида, кимошди савдо уйларида сақланмоқда. Шунингдек мақолада Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам бундай атласлар етарли миқдорда мавжуд эканлигини билдириш мақсади қўйилган. Шу билан бирга, мақолада юқорида келтирилган ташкилотларнинг веб сайтларида қадимий харита ва атласларнинг юқори сифатда тайёрланиб, виртуал кўринишлари ўрин олган. Мақолада асосан Миллий кутубхонанинг «Пе-3191» шифри остида сақланаётган «Дунё атласи» (яратилиш даври тахминан XVII аср бошлари) ҳақида бўлиб, ундаги хариталар номи, муаллифлари ҳақида қисқа маълумотлар, хариталарнинг яратилиш тарихи, уларда қўлланилган қоғоз турларининг фарқлари, шунингдек, маълум бир ҳududнинг тарихий жараёни акс эттирилгани, харита муаллифлари эса уларда қўллаган тасвирий санъат усуллари ва бошқалари ҳақида маълумотлар келтирилади. Бундай харита ва атласларни мутахассислар томонидан ўрганилиши муҳим ҳамда маҳаллий автоматлаштирилган ахборот-информацион тизимларида шундай ноёб чизма асарларга нисбатан қўллаш масалалари кўтарилади.*

# КИТОБ ДУНЁСИГА ЙЎҒРИЛГАН УМР




## ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ПРОФЕССОР, КУТУБХОНАШУНОС ОЛИМ ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВНИ ХОТИРЛАБ



**Зуҳра Бердиева,**
Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси директори

Эргаш Йўлдошевнинг «Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш», «Кутубхона ва ёш китобхон», «Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш», «Фантастик асарлар ва болалар китобхонлиги», «Ўзбекистонда болалар матбуоти ва китобхонлик» сингари йирик ҳажмдаги монография ва ўқув қўлланмалари чоп этилган

Инсоният томонидан кашф қилиниб, ҳеч қачон қадрини йўқотмаган мўъжизалардан бири китобдир. Шунинг учун китоб азиз, кутубхоналар муқаддасдир. У ерда ишлашнинг ҳам масъулияти, шарафи бор. Ушбу шарафли соҳада ана шундай фидойи ва ўз касбининг устаси бўлган одамлардан бири – профессор Эргаш Йўлдошев эди. Эргаш акага ўхшаган китобни севувчи, китобхон ватандошларини ўйловчи инсонлар туфайли халқимиз орасидан фан арбоблари-ю, бадиий сўз усталари, давлат арбоблари ва иқтисодиётимизни юксакликларга кўтараётган ишчи-деҳқонлар, ўзбекни оламга танитаётган санъаткору, спорт усталари етишиб чиқишида у инсонга ўхшаган фидойи соҳа вакилларининг ўрни катта.

Эргаш Йўлдошев 1941 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Эргаш ака яшайдиган маҳаллага яқин жойда Тошкент вилояти кутубхонаси бўлиб, мактабдан қайтган кезларида ота-онага қарашгандан сўнг кутубхонага келар, мактабида тавсия этилган болалар адабиётига оид китобларни имкон даражасида олиб ўқир ва завқланарди. Шу завқ Эргаш Йўлдошевни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига етаклайди. Албатта, у кутубхоначилик касбини танлаганда «Йигит кишига кутубхоначилик ҳам касбми?» – дегувчилар топилади. Ёшликдан қалбини забт этган китоблар олами Эргаш акада мазкур соҳада ўқиш, кутубхонада ишлаш имконини яратди. У институтни қизил диплом билан тугаллади.

Эргаш Йўлдошев дастлаб вилоят кутубхонасидаги кутубхоначи вазифасидан кейинчалик кутубхона директоригача бўлган вазифалар йўлини босиб ўтди. Кутубхонадаги фаолияти давомида вилоятнинг турли туманларига бориб, олис қишлоқлардаги кутубхоналар ҳолатини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшди. Вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган соҳа бўйича анжуманлар ва илмий йиғинларда кутубхонашунослик, библиография ва китобхонлик масалалари юзасидан ўрганган билим ва ҳаётий тажрибалари, илмий хулосаларини дадиллик билан ўртага ташлар эди. Эргаш акадаги бундай иқтидордан хабардор бўлган институт олимлари уни 1971 йили кутубхоначилик факультетига ишга таклиф этишади. Дастлаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида, кейинчалик 1974 йили янги ташкил этилган Тошкент Давлат маданият институтининг кутубхоначилик факультетида ўқитувчилик қилади. Эргаш Йўлдошев талабалар билан дарс чоғида ҳар қандай тараққиётнинг калити китобларда эканлигини, кутубхонадаги барча ишлар китобхонга сифатли хизмат қилишга боғлиқлигини, ёшлар ўртасида библиографик ресурслар ёрдамида китоб ўқиш маданиятини тарбиялаш, айниқса, ёш китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилишда кутубхоначидан ҳар томонлама маданиятли бўлиш, инсон руҳиятини яхши билиш, педагогик маҳоратга эга бўлиш, айниқса, бадиий адабиётларни кўпроқ ўқиш, турли жанрдаги асарлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш талаб этилиши ҳақидаги қимматли фикрларни ўртага ташларди. Қаҳрамонимиз жуда кўп китоб ўқир, соҳага оид Европа ва рус кутубхонашунослигига оид илмий адабиётлар билан ҳам яхши таниш эди. Бу изланиш кейинчалик ўзининг соҳага оид ўқув қўлланмалар, илмий рисолалар ёзишида, ўзбек ва чет эл матбуотида илмий-амалий мақолалар эълон қилишда қўл келгани аниқ. Бу ўқиб-ўрганишлар натижасида Эргаш Йўлдошев Санкт-Петербургда маданият институти аспирантурасида таълим олишида жуда қўл келади. 1983 йилда рус тилида болалар китоб ўқишига раҳбарлик қилиш ва болалар кутубхонаси мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб келади. Ўша давр кутубхоначилиги соҳасида бундай

воқеа жуда улкан иш сифатида қадрланар эди.

1980 йил Тошкент давлат маданият институтида «Болалар адабиёти ва кутубхонада болалар билан ишлаш» номли кафедра ташкил этилади. Эргаш Йўлдошев кафедрада катта ўқитувчи, кейинчалик, доцент, профессор лавозимларида талабаларга сабоқ беради. У дарс бериш билан бирга, ўзбек болалар кутубхоналарининг китобхон болалар билан ишлаш фаолиятига асосий эътиборини қаратади. Чунки катта ёшдаги китобхоннинг шаклланишида албатта, болалар адабиёти муҳим педагогик восита ҳисобланишини билган мутахассис ўзбек болалар кутубхоналари учун қатор ўқув қўлланмалар, илмий-амалий тавсияномалар, услубий рисолалар чоп эта бошлайди. «Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш», «Кутубхона ва ёш китобхон», «Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш», «Фантастик асарлар ва болалар китобхонлиги», «Ўзбекистонда болалар матбуоти ва китобхонлик» сингари йирик ҳажмдаги монография ва ўқув қўлланмалар ана шундай изланишлар натижасидир.

Эргаш Йўлдошев умрининг қарийб 45 йилини кутубхонашунослик, библиография ва китобхон болалар билан ишлашга сарфлади. У ҳеч қачон ўзи севган соҳасига хиёнат қилмади. Унинг ҳамкасб дўстлари, шогирдлари бу инсон доим таъкидлайдиган ушбу сўзларини яхши эслайди. Устоз шундай дер эди: «Умр йўлимда бир ҳақиқатни англадимки, агар инсон ўзи севган соҳани танлаган бўлса, унинг бутун сирларидан хабардор бўлиш учун ўқиб-ўрганса, азоб-уқубатларини сабр-бардош билан енгиб ўтса, шон-шуҳрат ва ҳурмат ўз-ўзидан келганлигини билмай қолар экан. Бунинг учун эса, чидамли, сабр-тоқатли ва матонатли бўлиш керак». Дарҳақиқат, Эргаш акадаги ўзи севган касбга нисбатан садоқати, унинг сирларини ўрганишга



бўлган сабр-бардоши ва матонати обрўсига обрў қўшди. Эргаш ака кутубхоначилик соҳасидаги биринчи профессорлардан.

У доимо ўтмишини эслаб, бошидан кечирган қийинчиликларни талабалар ва ёш мутахассисларга эслатиб, бугунги кунларнинг қадрига етишга, кутубхонашунослик соҳасида янада кўп янгиликлар яратишга ундаб келди. У ҳар доим китоб кутубхонанинг асосий ўзаги бўлиши лозим деган фикрда эдилар. «Дунё дунё бўлиб яралибдики, китоблар орқали одамлар томонидан олинадиган илм-фан ва маданий-маърифий озуқа фақат кутубхона орқали амалга ошириб келинган. Масалан, ҳозиргача, қадимги Вавилон кутубхонаси, Юнон-Рим кутубхонаси ёки Антик кутубхона, Берлин давлат кутубхонаси, Конгресс кутубхонаси каби китоблар билан боғлиқ масканлар қадрланиб келиши, наҳотки, мутахассисларда фикр уйғотмаса...» – дердилар.

Профессор Эргаш Йўлдошев умр йўли мутахассисларга, қолаверса, буюк келажак қуришга бел боғлаган бугунги ёш ватандошларимизга ибрат бўлмоғи лозим. Зеро, ҳаёт улкан кутубхона бўлса, ундан сиз бир мартагина умр китобини олишингиз мумкин.

Дунё дунё бўлиб яралибдики, китоблар орқали одамлар томонидан олинадиган илм-фан ва маданий-маърифий озуқа фақат кутубхона орқали амалга ошириб келинган

*Зухра Бердиева, директор фундаментальной библиотеки Академии наук Республики Узбекистан*

*Книга – одно из основных изобретений человечества. Она имеет важную роль в жизни человека, в развитии общества, культуре, образовании, науке, технике. Она дает основную информацию о развитие экономической, культурной, духовной жизни человека, общества того времени, когда она создана. В ней отражаются все человеческие мысли, идеи, цели и устремления.*

*В обществе есть такая профессия, которая воспитывает человека через книги, через знания с помощью информационно-библиотечных ресурсов, представляя людям радость и удовольствие. Эта профессия – библиотекаря и библиографа. Профессор, кандидат педагогических наук, наш наставник Эргаш Юлдашев всю свою жизнь посвятил воспитанию и подготовке библиотечных кадров с высшим образованием, общаться с людьми, делится знаниями и указать правильный путь в жизни. Статья рассказывает о деятельности профессора которому в этому году исполнится 75 лет.* ■

# «ЎТГАН АЛЛОМАЛАР ЎРТАСИДА ФИҚҲ ИЛМИДАГИ ИХТИЛОФЛАР» АСАРИ






**Отабек Муҳаммадиев,**
Имом Бухорий халқаро маркази Нашриёт бўлими бошлиғи

Алоуддин Самарқандий ҳамиша навқирон ва кўҳна Самарқанднинг кўзга кўринган забардаст фақиҳи ва мутакаллим олимларидан бири бўлиб, тўлиқ исми – Абул-фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандийдир.

Аллома қатор исломий илмларда, айниқса, фиқҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги зиддиятларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган илмухилоф бўйича етук олим ҳисобланган. Мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам, у илм аҳли орасида «Ал-ало ул-олам» («Оламнинг устуни»), «Ал-ало» («Устун»), «Ал-ало ус-Самарқандий», «Алоуддин» («Диннинг устуни») каби шарафли номлар билан машҳур бўлган.

Алоуддин Самарқандий фиқҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги зиддиятларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган илми-хилоф бўйича етук олимдир

Бизнинг тадқиқот объектимиз «Тариқат ул-хилоф фил-фиқҳи байнал айимматил аслаф» («Ўтган алломалар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилофлар») асарининг ягона қўлёзма нусхаси Қоҳирадаги «Дор ул-кутубил мисрийя» қўлёзмалар фондида Қ: 217 рақами остида сақланиб қолган (Қуллаҳ кутубхонаси, Қоҳира).

Бу асарда аллома фиқҳ илмида фаолият кўрсатган кўплаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган. Ушбу асар мисрлик олим Муҳаммад Закий Абдулбар томонидан тадқиқ этилиб, 1990 йилда Қоҳирада нашр этилган. 1992 йилда эса Шайх Али Муҳаммад Муъаввaз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд каби олимлар томонидан тадқиқ қилиниб, Ливан (Байрут)да нашр этилган.

Таниқли немис шарқшуноси Карл Брокельман эса мазкур асар ҳақида «Муҳаммад ибн Абдулҳамид ал Усмандий 1 боб 463 саҳифадан иборат» номи остида қуйидагиларни ёзган:

«Тариқат ул-хилоф байнал аимматиı». Имом Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибнил Ҳасан ибнил Ҳусайн, ал-Алоу-с-Самарқандий номи билан машҳур 552 ҳижрийда вафот этган. Оддий қалам билан бир жилдда ёзилган нусха. Асар ҳижрий 773 йилда 185 варақда (Қ: 217) ёзиб бўлинган. Ҳанафий фиқҳига оид» (No. 441, 10. S. 111/1221).

Муаллиф (Алоуддин Усмандий)нинг ўзи «Усул ул-фиқҳ» номли китобида қуйидагиларни ёзади: «Ана ундан сўнг мен «Тариқат ул-хилоф»ни ёзиб ундаги масалалар ичига усул ул-фиқҳ бобидан керак бўладиган миқдорини қисқача ва тежамкорлик йўли билан киргизиб кетган эдим...».

Аллома шунингдек, «Мухталафур ривоя» асарида қуйидагиларни зикр қилган: «Ана ундан сўнг мен «Мухталафур ривоя» масалаларини ёзиб, ҳар бир имомнинг ихтилофларини айрим устозларимиз солган тартибга асосан алоҳида боб қилиб келтиришни қасд қилдим. Лекин улар китобнинг барчасини битта боб қилиб келтирганлар. Мен эса барча бобларни ҳар бир китобда келтириб ўтаман. Ҳар бир масала хусусида етарли ва ҳужжат бўладиган даражада бир фойдани зикр қилиб ўтаман».

Аллома асарининг мазмуни ва унинг аҳамияти ҳақида Муҳаммад Закий Абдулбарр қуйидаги маълумотларни келтиради: «Биз бугун нашр қилиш устида турган китоб – «Тариқат ул-хилоф байнал аимма» асари бўлиб, бизда унинг фақатгина бир дона нусхаси мавжуд. Лекин, бизнингча, у ишончли нусхадир. Бу асарнинг муқоваси ҳамда унинг энг охирги саҳифаларида намоён бўлиб турибди.

Алломанинг мазкур асари ўз замонида ва кейинчалик ҳам машҳур бўлиб, вақт ўтиши билан ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, ҳатто авлоддан-авлодга қўлма-қўл ўтиб сақланиб келинган.

Асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида аллома ўзининг «Усул ул-фиқҳ» асари муқаддимасида қуйидаги маълумотларни келтирган: Мен «Тариқат ул-хилоф»ни жамлаб, ундаги масалалар орасига усул ул-фиқҳ қоидаларидан эҳтиёж туғиладиган миқдорини ихчам ва тежамкорлик йўли билан киргизиб кетган эдим. Кейинроқ баъзи бир қадрдон дўстларим бу билан қониқмадилар ва мендан бу борада алоҳида бир китоб жам қилишимни, унда усул ул-фиқҳнинг барча бобларини келтириб, ҳар бир боб устида шунга ўхшаш ишлар борасида одат бўлган услубда етарлича сўз юритишимни сўрадилар».

Демак, муаллифнинг ўзи юқоридаги ибораларида айтиб ўтганидек, ушбу «Тариқат ул-хилоф» асари «Усул ул-фиқҳ»дан олдин ёзилган.

Асарни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни мулоҳаза қилишимиз мумкин:

- асарда кўпроқ «Абу Ҳанифанинг фиқҳи» билан «Шофиъийнинг фиқҳи» ўртасидаги 200 дан зиёд ихтилофли масалалар қиёсланади ва бу нарса ҳанафийларнинг китобларида ҳам кўп кузатилади. Асарнинг баъзи ўринларида Абу Ҳанифа билан унинг икки шогирди (Имом Муҳаммад ва Имом Зуфар) ўртасидаги ихтилофли масалаларнинг ҳам таққосланган жойлари мавжуд;

- асар барча «Китоб» (аллома асар ичидаги ҳар битта бобни китоб деб номлаган)да – бизга аён бўлишича, – ўзи катта хилоф ўрни деб билган айрим масалаларни кўтаради ва «Китоб»нинг ичида келган барча масалалар ҳақида тўлиқ гапирмайди. Мисол учун, «Намоз китоби»да намозга тегишли барча масалалар фиқҳ китобларида келганидек, тўлиғича келтирилмайди;

- асар ёзилиш услуби жиҳатидан бошдан-охирига қадар битта йўлдан юради. У ҳам бўлса – муаллиф биринчи «масала»нинг ҳукмини келтиради. Унинг ортидан эса кўпроқ унга мухолиф бўлган ҳукмини зикр қилади. Бунда у кўпроқ «унинг наздида» деган сўзни ишлатади. Бизга аён бўлгани шуки, муаллиф ана шу сўзи билан «Шофиъий»ни назарда тутиб гапиради.



«Тариқат ул-хилоф фил-фиқҳи байнал аимматил аслаф», Алоуддин Самарқандий
Ҳижрий 773 йилда ёзилган Ҳанафий фиқҳига оид қўлёзма

Иккинчидан, ўша «ҳукмдаги важҳ»ни баён қилади.

Учинчидан, ўша важҳни «Биз бундай деганимизнинг сабаби шуки...», деган сўзи билан изоҳлаб беради.

Тўртинчидан, мунозара ёки суҳбатни «Агар.... дейилса, биз айтамизки....» кўринишида мухолифнинг сўзидан бошлаб келтиради.

Бешинчидан, унга «Жавоб: Аммо...га келсак, биз.... деб жавоб берамиз», деган сарлавҳа билан мухолифга раддия беради. Бу хилоф ҳанафийларнинг ўзлари орасида ҳам учраб турганининг гувоҳи бўламиз. Бунга мисол 1\49 даги 57 рақамли масаладир.

Муаллиф шундай зикр қилади:

«2\141 саҳифа, 164-масала борасидаги мунозара ва бунга Шофиъий раҳимаҳуллоҳдан нақл қилинган икки сўзнинг бири ҳам кўшилади».

Умуман олганда, алломанинг ҳаёти ва у қолдирган бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва келажак авлодга етказиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим ва бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

«Тариқат ул-хилоф фил-фиқҳи байнал аимматил аслаф» («Ўтган алломалар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилофлар») асарида кўпроқ «Абу Ҳанифанинг фиқҳи» билан «Шофиъийнинг фиқҳи» ўртасидаги 200 дан зиёд ихтилофли масалалар қиёсланади

*Отабек Мухаммадиев, руководитель Издательского отдела Международного центра Имама Бухари*

*В данной статье рассматривается книга «Тарикат ул-хилаф фил-фикх» («Пути разногласий, споров в ханафитском фикхе») Алауддина Усманди Самарканди и её единственная копия которая хранится в фонде рукописей библиотеки «Дор ул-кутубил мисрийя» (Каир, Египет) под номером (Р: 217). Книга была написана в 1273 году и состоит из 185 листов. В книге говорится о ханафитской юриспруденции, в частности разногласия между ханафитскими учёными по различным вопросам шариата.*

# МУҲИМ САНАЛАР




Журналимизнинг бу сонида ҳам келгуси йилнинг январь, февраль, март ойларида нишонланадиган муҳим ва унутилмас саналар ҳақида қисқача маълумот берамиз. Ундан Ўзбекистон ва жаҳонда машҳур мутафаккирларнинг таваллуд кунлари ва муҳим саналар ўрин олган.


Музаффар Муҳаммедов

## 1 январь

Фалсафа фанлари доктори, профессор Насриддин Зайниев таваллудининг (1937) 80 йиллиги.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, актёр, режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Музаффар Муҳамедов (1902 – 1995) таваллудининг 115 йиллиги.


Пётр Семенов Тянь-Шанский

## 2 январь

Машҳур рус географи, статистик, ботаник ва этномолог, давлат ва жамоат арбоби Пётр Семенов Тянь-Шанский (1827 – 1914) таваллудининг 180 йиллиги.

Таниқли созанда, мусиқашунос олим Исхоқ Ражабов (1927 – 1982) таваллудининг 90 йиллиги.


Ўктам Орипов

## 3 январь

Олим, жарроҳ, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Ўктам Орипов (1927 – 2001) таваллудининг 90 йиллиги.

Ўзбекистон фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Дмитрий Введенский таваллудининг (1887 – 1956) 120 йиллиги.


Дмитрий Введенский

## 5 январь

Актриса, Ўзбекистон халқ артисти Омина Фаёзова (1917 – 1993) таваллудининг 100 йиллиги.

Бастакор, хонанда ва созанда, ўзбек мусиқа меросининг тўпловчиси, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги Юнус Ражабий (1897 – 1976) таваллудининг 120 йиллиги.

## 8 январь

Актриса, режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Сабохон Каримова таваллудининг (1917 – 1988) 100 йиллиги.

## 10 январь

Ўзбекистон халқ артисти, театр актёри Рихсивой Авазов таваллудининг (1942 – 2013) 75 йиллиги.

## 12 январь

Ўзбекистон халқ артисти, актриса, режиссёр Шоҳида Маъзумова таваллудининг (1907 – 1988) 110 йиллиги.

## 15 январь

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, болалар ёзувчиси, драматург Шукур Саъдулла таваллудининг (1912 – 1972) 105 йиллиги.

## 19 январь

Кимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори ва профессор Насриддин Сирожиддинов (1932) таваллудининг 85 йиллиги.

## 20 январь

Ўзбекистон халқ артисти, созанда Турғун Алиматов (1922 – 2008) таваллудининг 95 йиллиги.

## 22 январь

Ўзбек адабиётшуноси, таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Натан Маллаев таваллудининг (1922 – 1996) 95 йиллиги.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ташкил этилганлигининг 90 йиллиги (1927).

## 23 январь

«Камолиддин Беҳзод» номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилган кун (1997).

## 24 январь

Ўзбекистон фан арбоби, педагог, таниқли адабиётшунос олим Субутой Долимов таваллудининг (1907 – 1991) 110 йиллиги.

Ўзбек болалар шоири Зафар Диёр (1912 – 1946) таваллудининг 105 йиллиги.

## 25 январь

Ҳарбий арбоб, биринчи ўзбек генерал-майори Собир Раҳимов таваллудининг (1902 – 1945) 115 йиллиги.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг аъзоси, амалиётчи, профессор Василий Мальгин (1882 – 1951) таваллудининг 135 йиллиги.

## 30 январь

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов (1938 – 2016) таваллуд топган кун .


Омина Фаёзова


Юнус Ражабий


Сабохон Каримова


Рихсивой Авазов


Шукур Саъдулла


Турғун Алиматов


Зафар Диёр

## 6 февраль

Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилган кун (1991).

## 7 февраль

Ўзбекистон халқ артисти, опера хонандаси Ойша Мавлонова (1922 – 1991) таваллудининг 95 йиллиги.


Ислом Каримов

## 9 февраль

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуд топган кун (1441 – 1501).

Ўзбекистон халқ артисти, таниқли актриса, режиссёр Зайнаб Содиқова (1917 – 1995) таваллудининг 100 йиллиги.


Алишер Навоий

## 14 февраль

Ўзбек мумтоз адабиётининг вакили, буюк шоир, тарихчи, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, Бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун (1483 – 1530).

## 15 февраль

Ўзбекистон халқ шоири Ғайратий (Абдураҳим Абдуллаев, 1902 – 1976) таваллудининг 115 йиллиги.


Захириддин Муҳаммад Бобур

## 20 февраль

Энергетик олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Жўра Абдуллаев (1927) таваллудининг 90 йиллиги.

Биокимёгар, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, биология фанлари доктори, профессор Акмалжон Қосимов (1937 – 2004) таваллудининг 80 йиллиги.


Жўра Абдуллаев

## 23 февраль

Геолог, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, геология-минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби Владимир Попов (1907 – 1991) таваллудининг 110 йиллиги.

## 24 февраль

Тошкентда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали ташкил этилган кун (2006).


Владимир Попов

## 1 март

Уйғониш даврининг итальян рассоми Сандро Боттичелли (1445 – 1510) туғилган кун.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, тилшунос олим, луғатшунос Зокир Маъруфов (1912 – 1984) таваллудининг 105 йиллиги.

Янги япон адабиётининг асосчиси, ёзувчи Акутагава Рюноскэ (1892 – 1927) туғилган кун.

## 2 март

Рус шоири Евгений Баратынский (1800 – 1844) дунёга келган кун.

## 5 март

Рус шоираси Анна Ахматова (1889 – 1966) таваллуд топган кун.

## 10 март

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, шарқшунос, манбашунос олим, филология фанлари доктори Исматулла Абдуллаев (1927) таваллудининг 90 йиллиги.

## 12 март

Ўзбекистон халқ артисти, композитор, дирижёр ва жамоат арбоби Толибжон Содиқов (1907 – 1957) таваллудининг 110 йиллиги.

Англиялик фантастик ёзувчи Терри Пратчетт (1948 – 2015) дунёга келган кун.

## 14 март

Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов (1937 – 2006) таваллудининг 80 йиллиги.

## 15 март

Ўзбекистон санъат арбоби, балет устаси Евгений Барановский таваллудининг (1907 – 1881) 110 йиллиги.

## 18 март

Француз ёзувчиси Мари-Мадлен де Лафайет (1634 – 1693) туғилган кун.

Франциялик тифлопедагог, кўзи ожизлар учун бўрттирма алифбо муаллифи ва кўзи ожизлар учун илк мактабларни очган Валентин Гаюининг (1745 – 1822) туғилган куни.

## 21 март

Наврўз умумхалқ байрами куни (1992).

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов (1941 – 2016) таваллуд топган кун.

## 25 март

Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Фарадей Абуталиев (1932 – 2012) таваллудининг 85 йиллиги.

Англиялик ёзувчи, адабий танқидчи Вирджиния Вулф (1882 – 1941) туғилган кун.

Рус манзарали рассоми Иван Шишкин (1832 – 1898) таваллуд топган кун.

## 25 март

Рус ёзувчиси, драматург ва жамоат арбоби Максим Горький (1868 – 1936) таваллуд топган кун. ■


Сандро Боттичелли


Акутагава Рюноскэ


Евгений Барановский


Абдулла Орипов


Фарадей Абуталиев


Иван Шишкин

# КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ



Жорий йилнинг IV чорагида ҳам Ўзбекистон Миллий кутубхонасида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Эътиборингизга ушбу тадбирлардан лавҳалар ҳавола этамиз.

**Ноябрь**

2016 йил 4 ноябрь Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Юракдан куйлаш бахти» деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда уйғур миллий маданият маркази вакиллари, санъатшунослар, маданият арбоблари, хонандалар, раққосалар, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодирова таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Юракдан куйлаш бахти» деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Қодированинг ижодий йўли ҳақида гапирар эканлар, унинг уйғур маданиятини бутун дунёга танитиш, уни бойитиш борасидаги ҳаракатларини алоҳида эътироф этдилар. «Х. Қодирова ёшлик давриданоқ куйлайди, – деди Ўзбекистон халқ артисти В. Оқилова. – 15 ёшида у катта труппаларда уйғур халқ қўшиқларини ижро этиб, концерт дастурларида қатнашар эди. 1956 йилда Ўзбекистонга юборилганда, дарҳол ўзбек филармониясига ишга олинди ва шу ерда турли репертуарлар билан қўшиқлар ижро этиб келди».

8 ноябрь куни Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтўраева таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Ўлмас образлар соҳибаси» деб номланган тадбир бўлди. Унда санъатшунос олимлар, кекса санъаткорлар, театр ва кино актёрлари, маданият ходимлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

8 ноябрь куни Сора Эшонтўраева таваллудининг 105 йиллигига бағишланган «Ўлмас образлар соҳибаси» деб номланган тадбир бўлди

Тадбир С. Эшонтўраева бош ролни ижро этган «Ғариблар» спектаклидан парча намойиши билан бошланади. Тадбир бошловчиси Ўзбекистон халқ артисти С. Умаров С. Эшонтўраеванинг ҳаёти, ижодий ва устозлик фаолияти, жамоат ишлари ҳақида сўзлаб берди. «Бугунги тадбирга йиғилган барча актёрлар ўзини С. Эшонтўраеванинг шогирди деб билади. Улар билан ҳамкорликда роллар ижро этмаганлар ҳам, ҳатто улар билан бир даврда ижод этмаган ёш авлод вакиллари ҳам Сора опанинг сўзларини театр қонун-қоидалари сифатида қабул қиладилар. Ўзбекистон халқ артистлари Р. Иброҳимова, Ё. Аҳмедов, Т. Азизовлар спектаклларда ҳамкорликда ўйнаган роллари ҳақида хотирладилар.











11 ноябрь куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинооператор Темур Қаюмов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Ҳаётийлик жозибаси» мавзусидаги давра суҳбати ва фильм намойиши бўлиб ўтди. Тадбирда кинооператорнинг шогирдлари, издошлари, таниқли санъаткорлар ҳамда Миллий кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Кинооператор Т. Қаюмовнинг шогирди режиссёр ва оператор Р. Асқаров устозини қутлар экан, унинг меҳри, хизмати ҳақида гапириб ўтди. «Темур Қаюмов фаолияти давомида бир қанча ажойиб фильмларни суратга олди ва ўзининг истеъдодини намойиш қилди. 1970 йилда ўзининг илк «Кутмаганинг ёнингда» деб номланган фильмини суратга олди. Шундан сўнг ижод оламига шўнғиб кетди. Унинг «Сени кутамиз, йигит», «Мовий қасрдаги ошиқлар», «Пиёда юриш», «Чўққилар чорлайди», «Ёлғиз ўзи», «Пойга автомашиналардаги бу қўрқмас йигитлар», «Сен менинг қўшиғимсан», 1976 йилда «Шум бола», «Жазирама қуёш остидаги уй», «Илонларни асранг», «Тоғларнинг узоқ садоси», «Бахмал», «Тақдир эшиги», «ДАН назоратчиси» – «Машаққатли йўл», «Сураткаш» деб номланган бир қатор фильмларнинг постановкачи оператори сифатида шуҳрат қозонди» деб айтиб ўтди.

16 ноябрь куни «Театр кутубхонада» рукни остида Ўзбекистон халқ артисти Наби Раҳимов таваллудининг 105 йиллигига, бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда ўзбек кино ва театр артистлари, артистнинг ўқувчи ва қариндошлари, шунингдек, кутубхона фойдаланувчилари қатнашдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов Наби Раҳимов ҳақида гапирар экан: «Устоз «1911 йилда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. 1930 йилдан то умрининг охиригача Ўзбек миллий академик драма театрида етакчи актёр сифатида самарали фаолият кўрсатди. У олтмиш йилдан зиёд сермазмун ва серқирра ижодий фаолияти даврида жуда кўп спектаклларда бош ролларни ўйнаб, тўлақонли, бетакрор образлар яратди ва ўзбек театр санъатининг улкан арбоблари қаторидан муносиб ўрин эгаллаганлиги ҳақида гапириб ўтди.

Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Толиб Каримов, Муқаддас Холиқовалар саҳнадаги қизиқарли воқеалар, артистнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ воқеалар, артистнинг ижродаги роль ўйнашлари билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Маъсудов, Мадина Мухторовалар ҳам Н.Рахимов ҳақида талабалик йилларидаги воқеаларни гапириб ўтдилар, спектакллардан парчалар ижро этдилар. Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев эса қўшиқлар ижро этди.

17 ноябрь куни олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ZiyoNet бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов хотирасига бағишланган «Абдулла Орипов – ноёб истеъдод эгаси» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Филология фанлари номзоди, доцент Омонулла Мадаев сўзга чиқар экан, у дастлаб йиғилган барча талаба ёшлар билан биргаликда А.Ориповнинг «Ўзбекистон – Ватаним маним» деб номланган шеърини айтишди. Сўнг у Абдулла Ориповнинг ижоди талабалик йилларида бошлангани ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. «Унинг биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» 1965 йили чоп этилган. Кейин шоирнинг «Кўзларим йўлингда», «Онажон», «Руҳим», «Ўзбекистон», «Қасида», «Хотирот», «Юртим шамоли», «Ҳайрат», «Нажот қалъаси», «Йиллар армони» шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Мазкур тўпламларга кирган шеърларни кўздан кечирар эканмиз, уларда шоирнинг шеърдан-шеърга, тўпламдан-тўпламга, йилдан-йилга ўсиб, ижоди баркамоллашиб борганлигига гувоҳ бўламиз» деди.

11 ноябрь куни кинооператор Темур Қаюмов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган «Ҳаётийлик жозибаси» мавзусидаги давра суҳбати ва фильм намойиши бўлди

17 ноябрь куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповга бағишланган «Абдулла Орипов – ноёб истеъдод эгаси» деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди

23 ноябрь куни Алишер Навоийнинг 575 йиллигига бағишланган «Ишқ дарсини Навоийдан олурлар» деб номланган адабий мусиқий кеча бўлиб ўтди

25 ноябрь куни немис ёзувчиси Франц Кафканинг «Ота ҳукми» номли китоби тақдимоти ўтказилди

23 ноябрь куни Алишер Навоийнинг 575 йиллигига бағишланган «Ишқ дарсини Навоийдан олурлар» деб номланган адабий мусиқий кеча бўлиб ўтди. Тадбирда навоийшунос олимлар, шоирлар, талаба ёшлар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, навоийшунос олима, профессор Суйима Ғаниева Алишер Навоий қаҳрамонлари образларининг характерли жиҳатлари устида тўхталиб ўтди, унинг достон ва поэмаларидан парчалар ўқиб, уларни ҳозирги кунда нақадар долзарблигига алоҳида урғу берди. «Алишер Навоий сиймоси, бадиий-маънавий меросининг ҳозирги ёшлар тарбиясида тутган ўрни беқиёсдир. Навоий ижодининг асоси, асарларининг тенденцияси – эзгулик, адолат, ғурур ва садоқат. Унинг асарларини нафақат ўқиш, балки ҳар бир сўзнинг маъноси ва моҳиятини уқиш керак», деди ва ёшларни кўпроқ мутолаа қилишга, ўзларида эзгу ҳусусиятларни шакллантиришга ва буюк аждодларга муносиб авлод бўлишга интилишга чақирди.

Ўзбекистон Халқ шоири Усмон Азим Навоий ҳақида сўзлар экан, «Алишер Навоийнинг сўзи ҳамма замонларда долзарб, мос ва тушунарли бўлиб келган. Тарихчилар уни ўз даври адабиётшунос олими, адиби, таржимони ва адабий муҳитини қўллаб келган ҳомий сифатида таърифлайдилар», деди.

Шунингдек, тадбир доирасида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабалари томонидан «Ғазал бўстонига сайр» деб номланган адабий композицияни ҳавола этдилар. 2-босқич талабаси Севара Қўлдошева ва 2-босқич магистранти Ўрол Норматов Алишер Навоий асарларидан парча ўқиб бердилар, Ўзбекистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори Шерали Жўраев эса Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлардан куйлади.

25 ноябрь куни «Davr Press» нашриёт-матбаа уйида нашр этилган атоқли немис ёзувчиси Франц Кафканинг «Ота ҳукми» номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидов тақдимот маросими иштирокчиларини Франц Кафка ҳаёти ва мазкур китобдан ўрин олган асарлари таржимаси муаллифлари билан таништирди ва кейинги даврда ўзбек адабиётида ўзига хос «Кафкашунослик» мактаби шаклланганини алоҳида қайд этиш лозим. Ушбу мактабнинг жонкуяр вакиллари сифатида Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Мирзаали Акбаров, Муҳаммаджон Холбеков, Аҳмад Отабой, Эркин Эрназаров, Пошали Усмон, Вафо Файзуллоҳ каби таниқли адиблар, адабиётшунос олимлар ва таржимонларни санаб ўтиш мумкин».

Шунингдек, тақдимотда Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Хёфер-Виссинг, Чехиянинг Ўзбекистондаги элчиси Ярослав Сиро, германист-таржимон Янглиш Эгамова, профессор Шавкат Каримов, профессор Хуррам Раҳимов, таржимон Ҳафиза Қўчқоровалар сўзга чиқдилар. Улар китоб ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

## Декабрь

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган «Ҳаётимизнинг асосий қомуси» номли тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида мамлакатимиз ривожида унинг барча соҳаларини ислоҳ этиш бўйича ишлаб чиқилган концепция ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги ва ислоҳ этиш масалаларига алоҳида аҳамият берилаётганлиги ҳақида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – ислоҳотлар асоси» рукнидан Ўзбекистоннинг Конституциявий тузум тамойиллари» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.









Республика таълим маркази «Ижтимоий-иқтисодий билим асослари ва маънавий-маърифий ишлар» бўлими бошлиғи Н. Исматова эса фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб берилган мажбуриятларидан ташқари, уларнинг ҳуқуқлари ҳақида сўзлади ва уларнинг аввалги таҳрирлар билан қиёслади. Шунингдек, у Ўзбекистонда истиқомат қилувчи фуқароларнинг миллати, ижтимоий келиб чиқиши, динидан қатъий назар, уларнинг миллий қадриятларининг, ўзбек халқи меросининг сақланиши кафолатланганлиги ҳақидаги Конституция бобларидан мисоллар келтирди ва ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳалла)нинг фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўстириш ва сиёсий маданиятини шакллантиришдаги ролина ҳақида сўзлади.

7 декабрь куни Ўзбекистондаги Корея Республикаси элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Korean Animation Day – 2016» тадбири бўлиб ўтди. Унда «Кореяга йўл» ўқиш залининг доимий фойдаланувчилари ва Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистондаги Корейс элчихонаси консули Чве Дён Хо нутқ сўзлади. Ўз нутқида у нафақат иқтисодий соҳада, балки маданий алоқаларда ҳам мустаҳкамланиб бораётган ўзбек-корейс муносабатларини эътироф этди.

Тадбир доирасида болалар учун намойиш этилган мультфильм қаҳрамонлари билан биргаликда расмга тушиш ва уни шу заҳотиёқ олиш имконини берувчи фотосессия ташкил этилди. Кўнгиллилар эса болалар билан ўйинлар ўйнаш ва турли корейс миллий совғаларини ясаш бўйича тадбирлар ташкил этдилар.

13 декабрь куни олим, муаллим, журналист, таржимон, ҳуқуқшунос Сатторхон Абдуғаффоров ҳаёти ва ижодига бағишланган «Маърифатпарвар олим» деб номланган хотира кечаси ва китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Сатторхоновлар тақдимоти ўтказилаётган китобнинг мазмун ва моҳияти билан таништирдилар. «Маърифатпарвар қози Абдусатторхон» номли китоби китобхонларни С. Абдуғаффоров ҳаёти, шунингдек, унинг давлат қурилишига оид, юридик, педагогик, таржимонлик ва илмий фаолияти билан таништирди. Бу ерда олимнинг замондошлари, сафдошлари, издошларининг мақолалари, илмий изланишлари ва хотиралари жамланган. Шунингдек, китобда Сатторхон Абдуғаффоровнинг тарихий, публицистик, юридик мавзудаги асарларидан намуналар берилган».

20 декабрь куни жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Шоиру шеъру шуур» деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос олимлар, шоиру ёзувчилар, тилшунос ва таржимонлар ҳамда талабалар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Филология фанлари номзоди З. Исомиддинов Эркин Воҳидов хотирлаб, қуйидагиларни сўзлаб берди: «Эркин Воҳидов чинакам маърифатпарвар шоир эди. Сўз сеҳри нафақат унинг шеърларида, балки таржималарида ҳам уфуриб туради. Гётенинг «Фауст»и таржимаси унинг таржима фаолиятининг энг чўққиси ҳисобланса, «Руҳлар исёни» унинг буюк драмаларидан, деб биламан. Дунё таржимонлари Эркин Воҳидов томонидан таржима қилинган Есенин шеърлари таржимасини таржима санъатининг юксак намунаси сифатида эътироф этадилар».

Тадбирда, шунингдек, Тошкент вилояти Зангиота тумани 45-умумтаълим мактабининг ўқувчилари, П.Ф.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчилари адабий композиция ҳавола этдилар ва Эркин Воҳидов шеърларидан ва достонларидан парчалар ўқиб бердилар. ■

6 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган «Ҳаётимизнинг асосий қомуси» номли тадбир бўлиб ўтди

20 декабрь куни жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Шоиру шеъру шуур» деб номланган хотира кечаси бўлди

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ ФОНДИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЯНГИ НАШРЛАР






**Кўчимов, Абусаид. Мен шоирман, истасангиз шу... [Матн] / А.Кўчимов – Тошкент : Akademnashr, 2016. – 200 б.**
**ISBN 978-9943-995-50-5**

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов шеъриятини ноёб адабий ҳодиса – феномен даражасига кўтарган нарса унинг қалбида буюк ҳиссиёт, ота-боболаримиздан мерос маънавий жасорат туйғусининг ҳаққоний бадиий сўз, ёрқин образлар орқали зулмат ҳукмрон бўлган энг оғир замонда ҳам юлдуздек порлаб, бошқаларда ҳам умид учқунларини, миллий ғурур туйғусини уйғотганидадир. Абдулла Орипов шеърияти ҳақида 50 йилдан буён ёзилади, ҳар ким бетакрор ва беназир шеъриятдан ўзича завқ олади, ўзи туйган туйғулар оғушида қувонади, ўкинади, ўйлайди ва фикрлайди. Ўзи англаган фалсафани баён этади.




**Шукур Қурбон. Эркин Воҳидов сабоқлари: адабий портретга чизгилар / тузувчи ва ҳаммуалиф: Шукур Қурбон; муҳаррир: Ж. Жовлиев. — Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2016. — 156 б.**
**ISBN 978-9943-06-587-1**

Адабиёт бўстонида фаолият кўрсатиб, маънавияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ҳар бир қалам аҳли ижодини мухлислар, мунаққидлар баҳолайди. Боқийлигини вақт белгилайди. Шогирдларичи? Шогирдларнинг муносабати қандай? Шоир ёки ёзувчи ижоди ва шахсиятидаги қайси жиҳатлар улар учун қадрли? Китобда ана шулар ҳақида сўз боради, тўғрироғи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг устозлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

**Омон Матжон. Умр ўтар, вақт ўтар [Матн]: шеърлар / Омон Матжон. – Тошкент : «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 144 б. ISBN 978-9943-28-538-5**




Ўзбек халқи севимли шоирининг ҳаёти ва ижодининг асосий қисми шўро замонида кечган бўлса-да, унинг асарларида ўзбек халқининг бутун фожиалари, дард, изтироби, ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммолари баралла айтилган. Мазкур тўпламида эса унинг шу пайтгача нашр этилган «Очиқ деразалар», «Карвон қўнғироғи», «Қуёш соати» каби барча китобларидаги энг сара лирик, ижтимоий, тарихий, фалсафий асарлари ҳамда жаҳон адабиётидан қилинган таржималари, шу билан бирга, насрдаги назмий тизмалари жамланган.

**Yoqubov, Odil. Vido / Odil Yoqubov; to'plab nashrga tayyorlovchi L. Igamova. – Toshkent : «O'zbekiston» NMIU, 2015 - 192 b. ISBN 978-9943-28-437-1**




Меҳнаткаш ва бағри кенг халқимизнинг мураккаб тарихи ва бугунги ҳаёти катта маҳорат билан акс эттирилган бу асарларнинг аксарияти кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилган. Одил Ёқубов бадиий проза билан бир қаторда, драматургия ва публицистика жанрларида ҳам самарали ижод қилиб, ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этди. «Ҳикоялар хазинаси» рукни остида Видо китобида шоирнинг сара ҳикоялари жамланган.

**Муҳаммад Юсуф. Халқ бўл, элим / Юсуф Муҳаммад; тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Саломова; – Тошкент : O'zbekiston, 2016, – 208 б. ISBN 978-9943-01-027-7**




Ўзбекнинг ардоқли шоири Муҳаммад Юсуфнинг тўплами «Халқ бўл, элим» деб номланади. Чунки у меҳрнинг натижаси ўлароқ, худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърият сифатида майдонга келди. Шоир ижодида халқига, Ватанига чексиз садоқат ва фидойилик мавзуси асосий ўрин эгаллаган. Айнан шу тўпламга шоирнинг турли даврларда битилган энг сара шеърлари, достонлари киритилган. ■


TASHAKKURNOMA


O'ZBEKISTON MILLIY
KUTUBXONASI
МУХИТДИН
КАРИ-ЯКУБОВ
President of t
public of
SHAKKURNOMA
БЛАГОДАРНОСТЬ

# ОБУНА – 2017




# ОБУНА ИНДЕКСИ –1277

### «INFOLIB» АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИНИНГ ҲУДУДЛАРАРО ОБУНА БАҲОСИ ВА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ

| ҲУДУДЛАР | ОБУНА БАҲОСИ | ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАР |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 110 036 сўм | (361) 222 88 68/63 |
| Андижон вилояти | 108 000 сўм | (374) 225 34 53 |
| Бухоро вилояти | 105 632 сўм | (365) 221 56 90 |
| Жиззах вилояти | 110 000 сўм | (372) 222 40 01 |
| Қашқадарё вилояти | 105 634 сўм | (375) 225 40 27 |
| Навоий вилояти | 106 512 сўм | (436) 223 26 86 |
| Наманган вилояти | 110 036 сўм | (369) 239 10 88 |
| Самарқанд вилояти | 111 000 сўм | (366) 234 22 53 |
| Сирдарё вилояти | 105 800 сўм | (367) 225 11 22 |
| Сурхондарё вилояти | 110 035 сўм | (376) 223 60 98 |
| Тошкент вилояти | 105 680 сўм | (371) 223 13 04 |
| Фарғона вилояти | 105 634 сўм | (373) 244 50 78 |
| Хоразм вилояти | 110 036 сўм | (362) 227 37 69 |
| Тошкент шаҳри | 93 600 сўм | (371) 233 75 49 |

## КЕЛГУСИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ СОЛНОМАСИНИНГ СИЗГА НОМАЪЛУМ СИРЛАРИ

МАҚСАДИМИЗ – МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИНИ БОЙИТИШ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ БИБЛИОТЕКИ ИЗРАИЛЯ



## «INFOLIB» – АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХАБАРНОМАСИНИНГ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИДАГИ ОБУНА ИНДЕКСИ – 1277

### Интернетдаги www.akmt.uz сайти орқали обуна бўлиш




Почта

**АБОНЕМЕНТ** на ~~газету~~ журнал **1277** (индекс издания)

«INFOLIB» ахборот-кутубхона хабарномаси

(наименование издания) | количество комплектов

на 2017 год по месяцам:

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | x | | | x | | | x | | | x |

Куда ______ (почтовый индекс) ______ (адрес)

Кому ______ (фамилия, имя, отчество)

---

ПВ | место | ли-тер

на ~~газету~~ журнал **1277** (индекс издания)

«INFOLIB» ахборот-кутубхона хабарномаси

(наименование издания)

| Стои-мость | подписки | | количество комплектов: |
|---|---|---|---|
| | переадресовки | ____сум ____ тий. | |

на 2017 год по месяцам:

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | x | | | x | | | x | | | x |

Куда ______ (почтовый индекс) ______ (адрес)

Кому ______ (фамилия, имя, отчество)

Обуначилар диққатига!

Расмийлаштирилаётган обунага «Click» банк-тўлов тизими орқали тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд